

С.Н.ХАМРАЕВА

**Кишлоқ хұжалиғи инфратузилмасиңи  
ривожлантириш йұналишлари**

ТОШКЕНТ – 2010

Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари. – Т., “Fan va texnologiya”, 2010 – 140 бет.

Монографияда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларини чукурлаштириш ва эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги инфратузилмани фаолиятини такомиллаштириш, самарали ташкил этиш йўналишлари белгилаш, оптимал жойлаштириш, устувор шакллантириш йўлларини аниқлаш, қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари билан фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга оид масалаларига бағишиланган.

Китобда фермер хўжаликларининг фаолитига қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг таъсири аниқланиб, ушбу хизмат турларини янада ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришнинг хорижий мамлакатларда қўлланилган илғор тажрибаларини республикамизда ижобий фойдаланиш йўналишлари аниқланган.

Ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан мамлакатимизда фермер хўжаликларнинг инфратузилмасини ривожлантиришнинг мониторингини амалга ошириш, уни самарадорлигини ошириш йўллари бўйича таклифлар ишлаб чиқиши, инфратузилманинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирини такомиллаштириш ҳамда инфратузилма соҳасининг устивор йўналишларини ишлаб чиқишида ва илмий–амалий тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида фойдаланиши мумкин.

Монография иқтисодий йўналишдаги Олий ўкув юртлари талабалари, профессор-ўқитувчилари, аспирантлари, шунингдек, дехқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ва кенг китобхонларга мўлжалланган.

**Илмий муҳаррир:** Р.Х.Эргашев – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Тақризчилар:** И.Рўзиев – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, иқтисод фанлари доктори, профессор  
Ч.Муродов – иқтисод фанлари доктори

Қарши мухандислик иқтисодиёт институтининг илмий Кенгашининг 2010 йил 22 июндаги 11 – сон қарори билан чоп этилди.

ISBN 978-9943-10-383-2

© “Fan va texnologiya” нашриёти, 2010

## КИРИШ

Бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш асосида дехқон меҳнатининг нуфузини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни қондириш, мамлакатимиз қишлоқ жойларида аҳоли учун қулай иш ва турмуш шарт-шароитларини яратиш муаммоларини ҳал этиш бугунги куннинг энг муҳим илмий масалаларидан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар чукурлашуви шароитида қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида қабул қилинган. Ушбу вазифани амалга ошириш учун энг аввало қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширувчиларга талаб даражасида хизмат кўрсатиш ва уларнинг эҳтиёжлари тўлиқ қондирилиши учун илмий асосланган инфратузилмани яратиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “...мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат. ...инфратузилмани ривожлантириш кўп меҳнат талаб қилинадиган кенг кўламли соҳа ҳисобланади. Бу янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш имконини беради”<sup>1</sup>.

Президентимиз таъкидлаганларидек, 2010 йилда мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан бири сифатида “асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш”дан иборатдир<sup>2</sup>.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларининг ўзгариши билан бирга маҳсулот ишлаб чиқаришдан бошлаб уни сотишгacha бўлган жараёнда, яъни тайёрлов, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш, таъминот, савдо-сотик, молия ва тижорат тизимини ўз ичига олган янги самарали инфратузилма тизимини бозор тамойиллари асосида ривожлантириш аграр тармоқда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг

<sup>1</sup>Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 48-49 б.

<sup>2</sup>Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз таракқиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир // Халқ сўзи, 2010.30.01

асосий йўналишларидан бири бўлди.

Республика Президенти ва хукуматининг бир катор қарорларига кўра, тегишли вазирлик, компания, тижорат банклари ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қишлоқда худудларнинг табиий-иктисодий шартшароити, қишлоқ хўжалиги экинларини ихтисослаштириш ва жойлаштириш, аҳолининг ўсиш суръатлари, аҳоли бандлиги ва бошқа омилларини ҳисобга олган ҳолда кўплаб инфратузилма субъектлари ташкил этилди.

Уларни зарур техника ва жиҳозлар ҳамда малакали кадрлар билан таъминлаш белгилаб берилган ҳолда ушбу шохобчаларга турли имтиёзлар (солиқ имтиёзлари, имтиёзли кредитлар олиш ва бошқалар) ҳам берилди. Ушбу имтиёзлар натижасида қишлоқдаги хўжалик юритиш субъектларнинг бошланғич фаолиятларини самарали йўлга қўйилишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Фермер хўжаликларига самарали хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича амалга оширилган тадбирлар натижасида 2009 йилда 1757 та ММТП, 1712 та СФУ, 1389 та ЁММ ва 935 та минерал ўғит сотиши шохобчалари, 1478 та минибанк, 424 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, 2411 та зотли моллар сотиши ва зооветеринария хизматлари, 300 та ахборот таъминоти ва консалтинг шохобчаси, 82 та транспорт хизмати кўрсатиш, 78 та тара идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш бўйича шохобчалар фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу инфратузилма обьектлари томонидан ушбу йилда жами 1 трлн. 700 млрд. сўмдан ортиқ хизматлар кўрсатилди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида фермер хўжаликларини ривожлантиришда моддий–техника таъминот тизими, илмий–техника тараққиёти ва интенсивлаштириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳал килувчи омилдир. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ишлаб чиқариш куроллари такомиллашуви, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ва жонли меҳнат ҳиссасини камайтириш эвазига улардан самарали фойдаланишини тақозо этади.

Иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини оптимал жойлаштириш ва ривожлантириш муаммоси яхлит тизимга келтирилган ҳолда етарлича ўрганилмаганлигини инобатга олган ҳолда, мазкур монографияда қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ўзига хос хусусиятларининг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини самарали ташкил этиш йўналишларини белгилаш, оптимал жойлаштириш, устувор шакллантириш йўлларини аниқлаш, қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари билан фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий ва хуқуқий муносабатларни такомиллаштириш, бу соҳада мавжуд муаммолар аниқланиб, уларни ҳал этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

**I БОБ**  
**КҮП УКЛАДЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ**  
**ХҮЖАЛИГИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ОБЪЕКТЛАРИ**  
**ШАКЛЛАНИШИННИГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини  
ривожланишининг объектив зарурлиги**

Бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида қишлоқ хўжалиги корхоналарини ислоҳ қилиш ва шу асосда дехқон меҳнатининг нуфузини ошириш, қишлоқ хўжалигини сифат жихатдан янги асосларда қайта тиклаш, озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш, мамлакатимиз қишлоқ жойларида қулай иш ҳамда турмуш шароитларини таъминлаш энг асосий масалаларидан бири этиб белгиланган.

XX асрнинг 90-йилларида келиб, аҳоли турмуш даражасини ошириш вазифаси бевосита қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларида мос келадиган ташкилий тузилмасини шакллантириш сингари долзарб масалаларини қун тартибига қўйди. Давлат мулкига асосланган хўжалик юритиш шакллари ўрнига ташкил этилган ширкат хўжаликларининг аксарияти ўз издошларининг бозор муносабатларига зид анъаналарини давом эттириди ва натижада ердан самарасиз фойдаланиш тенденцияси сақланиб қолди. Ана шунда ширкатларнинг истиқболсиз тузилма эканлиги яққол кўзга ташлана бошлади. Бу уларнинг қарздорлиги ва сарф – харажатларининг ошиши билан ҳам ифодаланади. Шу каби жиддий сабаблар ердан янгича услубда, янги тузилмалар асосида фойдаланиш заруратини туғдирди. Ташкил этиладиган янги тузилмалар асосида қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, дехқончиликдан кўриладиган манфаатдорликни харажатларни камайтириш ва ҳосилдорликни ошириш

хисобига юксалтириш ҳамда асосан қишлоқлар аҳолиси учун барқарор даромад манбани шакллантиришга эришиш лозим эди. Бунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг мустақиллигини кенгайтириш ҳамда уларнинг ишончли хуқуқий муҳофазасини таъминлаш учун қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларини ўзгартириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш энг муҳим устивор масала қилиб белгиланди.

Ана шундай вазиятда ерларни узоқ муддатли ижарага бериш кутилган натижаларга олиб келиши назарий жиҳатдан исботланди ва шу услуб амалда кўлланиб, дехқон ва фермер хўжаликлари юзага келди.

Юртбошимиз ўз нутқида таъкидлаганларидек: “Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар натижасида қишлоқ хўжалиги тубдан ўзгарди. ... хусусий фермер хўжаликлари ўз моҳиятига кўра қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланди.”<sup>3</sup>


Маълумки, қишлоқ хўжалигида дехқон ва фермер хўжаликларининг ташкил этилиши қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик ва хусусий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш омили бўлиб хизмат қиласи. Хўжалик юритишнинг мазкур шакллари асосида республикада аҳолини иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан самарали бандлигини таъминлаш имконияти пайдо бўлди. Хўжалик юритишнинг дехқон ва фермер хўжаликлари шакли ишлаб чиқаришини бошқариш тизимини тубдан қайта кўриб чиқишини объектив заруратга айлантириди. Натижада қишлоқ хўжалигини замонавийлаштириш ҳамда дехқон ва фермер хўжаликларига бозор тамойиллари ва механизmlари асосида хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоғи шаклланмоқда.

---

<sup>3</sup> Каримов И.А. Инсон манбаатлари устиворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир: 2007 йилда мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор ўйнишларига бағишлиланган Вазирлар Мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. – 2008. 8 феврал.

Ислоҳотларнинг асосий йўналишлари қўйидагиларда акс этди:

- қишлоқ хўжалигининг хом – ашё бозорини ривожлантириш (уруғ, ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари ва индивиудал хизмат каби), қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини такомиллаштириш;
- сервис хизматларни яхшилаш, шунингдек, тайёрлов тизимини ривожлантириш;
- тармоқда хизмат қўрсатиш соҳаси учун кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.



Аграр тармоқда иқтисодий ислоҳотлар жараёнида фермерлик ҳаракатига устунлик берилганлиги натижасида 2008 йилда вилоятда фермер хўжаликварининг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришидаги улуши 38,8 фоизни ташкил этди, (1.1 - расм).

### **1.1–расм. Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг мулк шакллари бўйича тақсимланиши<sup>4</sup>**

<sup>4</sup> Қашқадарё вилоят Иқтисодиёт бош бошкармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Республикамизда фермер хўжаликларини ташкил этиш, ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур шарт-шароитларни тубдан яхшилаш қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси объектлари ривожлантирилишини куйидаги сабабларга кўра объектив заруриятга айлантирмоқда:

– ушбу хўжаликлар туман марказига банк хизматидан фойдаланиш, моддий ва хом–ашё ресурсларини сотиб олиш учун бориб-келиши трансакцион харажатларнинг сезиларли даражада ошишига олиб келади. Ҳар бир фермер хўжалиги учун бундай молиявий ва вакт босими улар фаолиятининг самарадорлигини камайтиради ва барқарор хўжалик юритишига салбий таъсир қиласди;

– Ўзбекистонда шаклланаётган бозор муносабатлари таъсирида қишлоқ хўжалигига бандликнинг микдор жиҳатдан мутлақ ва нисбий қисқаришга мойиллиги бўшаётган меҳнат воситаларини инфратузилма ва қайта ишлаш соҳасига йўналтирилишини тақозо этади;

– жаҳон тажрибасидан келиб чиқсан холда, фермер ва дехкон хўжаликларининг самарали фаолият юритиши учун зарурий шарт – шароитларни яратиш, инфратузилма муассасалари хизматининг етарли бўлиши ва унинг сифати хўжаликларни бозор иқтисодиёти шароитида самарали фаолият кўрсатишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Айнан шу сабабли ўтказилаётган аграр ислоҳот нафакат қишлоқ хўжалигининг ўзида бозор муносабатларига мослашган фермер хўжаликларини шакллантиришни, балки принципал жиҳатдан бошқача қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини яратишни ҳам қўзда тутади. Янги инфратузилма объектлари фермер хўжаликларига кенг кўламдаги керакли ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси хизматларидан фойдаланиш имконини бериши, шунингдек, бир томондан, маҳсулотни даладан истеъмолчиларга самарали етказиб бериши, иккинчи томондан, бозордаги вазият ҳақидаги маълумотларни истеъмолчилардан ишлаб чиқарувчиларга самарали етказиши лозим.

Жаҳон тажрибасида инфратузилма тушунчаси XX аср бошларида биринчи бор ҳарбий қуролли кучларнинг тўлақонли фаолият юргизиши учун зарур бўлган обьектлар ва иншоотлар мажмуаси сифатида муомалага киритилган. Ғарб давлатлари тараққиёт босқичининг 1940 йилларига келиб инфратузилмани моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг фаолиятига зарурий шарт-шароитлар яратувчи тармоқ ва муассасаларининг яхлит бир таркиби сифатида тушунишган.<sup>5</sup> 1970–1980 йиллардан собиқ иттифоқ республикаларининг иқтисодий адабиётларида, одатда, инфратузилмани муҳандис – техник бино ва иншоотларнинг йифиндиси сифатида кўрилган.

Иқтисодий адабиётда инфратузилма терминига турлича изоҳ берилган. Луғавий маъносига қарайдиган бўлсак инфратузилма (лотинча *infra* - қуий, *struktura* - жойлашув, тузилиш) турли туман хизмат кўрсатувчи тармоқлар комплекси: транспорт, алоқа, савдо, моддий техника таъминоти, сув билан таъминлаш, фан, маориф, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва бошқаларни ўз ичига олади. Айрим иқтисодчилар “Инфратузилма – бу иқтисодий ва ижтимоий ишлаб чиқариш учун меъёрий шарт-шароитларни таъминловчи мажмуадир”, - деб таърифласалар, бошқа адабиётларда «инсон ҳаёти ва ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида фаолиятлар алмашинувини таъминловчи товар ва хизматлар яратишда ўзига хос меҳнат жараёнлари мажмуаси»<sup>6</sup> дир, деб таъриф берганлар.

Америкалик олимлар Макконел К.Р., Брю С.Л. таъкидлашича: инфратузилмани миллий иқтисодиёт даражасида “фуқаролар ва фирмалар томонидан улардан фойдаланиш одатда давлат томонидан таъминланадиган капитал қурилмалардир ( йўллар, шаҳар транспорт тизимлари, сув тозалаш қурилмалари, муниципал сув таъминоти тизимлари, аэропорт) ”, шунингдек, “инфратузилма фирма учун – бу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур

---

<sup>5</sup> Коновалова В.Н. Экономическая эффективность производственной инфраструктуры сельского хозяйства: Автореф. дис.канд. экон. наук.. – Вологда: РГБ ОД, 2002. – 18 с.

<sup>6</sup> Салимов Б.Т. ва б. Дехон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. – Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси. 2004–106.

бўлган хизматлар ва қурилмалардир (сув таъминоти, электроэнергия, ишлаб чиқариш чиқимларини олиб кетиш, юкларни ташиш, илмий – тадқиқот ва лойиха – конструкторлик ишлари, молиявий ва банк хизмати )”<sup>7</sup>. Уларни ўз маблағлари билан ташкил этиш қимматга тушганлиги боис давлат ва бошқа фирмалар томонидан таъминланади деб таъкидлаганлар.

Ишлаб чиқариш соҳасининг унга хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ўзаро алоқасидаги муаммолар “инфратузилма” термини пайдо бўлишидан аввал вужудга келган, буни биз Р.Нурке, П.Розенштейн – Родан, А.Хиршман, А.Янгсон асарларида кўришимиз мумкин.<sup>8</sup>

Америкалик иқтисодчи П.Розенштейн–Роданинг олиб борган тадқиқотларида инфратузилмага “барча аҳолининг эҳтиёжларини қондирувчи ва иқтисодиётнинг асосий соҳаларида хусусий тадбиркорликни ривожланишини таъминловчи умумий шарт – шароитлар мажмуаси, ёки асосий соҳалар …”, деб таъриф берган<sup>9</sup>. Р.Иохемсен ўзининг “Инфратузилма назарияси” номли асарида инфратузилмани ҳудудларда яхлит хўжаликни ташкил этишга кўмаклашувчи моддий, шахсий ва институционал фаолият турларини ва уларнинг ташкилотларининг йигиндиси деб талқин этган.<sup>10</sup>

Инглиз иқтисодчиси А.Янгсон ушбу атаманинг дастлабки кашфиётчиси деб, 40 – йиллар бошида ўзининг ишларида фойдаланган “overhead capitale” – инфратузилма сўзларини Х.Зингерга тааллуқли деб кўрсатади. Ч.Муродов ҳам ўз тадқиқотларида Р.Иохемсенning инфратузилмага таърифи ўзининг чукур ва тўлақонли эканлиги ва кўпгина

<sup>7</sup> Макконел Кэмбелл Р., Брю Стенли Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2-х т. – М.: Республика, 1992. – 388 с.

<sup>8</sup> Коновалова В.Н. Экономическая эффективность производственной инфраструктуры сельского хозяйства: Дис...канд. экон. наук. - Вологда: 2002. - 19 с.

<sup>9</sup> Жаравина Ю.А. Производственная инфраструктура, как фактор повышения конкурентоспособности национального хозяйства: Дис...канд. экон. наук. – Санк – Петербург: 2006. - 19с

<sup>10</sup> Коновалова В.Н. Экономическая эффективность производственной инфраструктуры сельского хозяйства: Дис...канд. экон. Наук. – Вологда: РГБ ОД, 2002. – 18 с

чет эл олимларининг бу борадаги фикрларини умумлаштирганлиги билан ажралиб туради, деб таъкидлаган<sup>11</sup>.

Россия олимлари “инфратузилма”га турлича таъриф беришган. Бир гурух олимлар (С.С.Носова, В.П.Орешин, В.Г. Терентьев) инфратузилмага халқ хўжалигининг таркибини ташкил этувчи соҳаларнинг (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш) ривожланиши учун зарур бўлган шарт – шароитлар мажмуаси деб таъриф беришган. Иккинчи гурух олимлар эса (В.А.Жамин, В.П.Красовский, А.Ю.Шарипов ва бошқ.) инфратузилма ихтисослашган соҳаларнинг ривожланишини таъминловчи тармоқлар мажмуасидир, деб таърифлаганлар. Уларнинг асосий вазифаси турли хилдаги хизматларни таъминлаш ҳисобланади.<sup>12</sup>

Профессор И.К.Беляевский инфратузилмага таъриф берганда “асосий бозор жараёнларни ташкилий ва моддий жиҳатдан таъминловчи, жами ёрдамчи соҳа ва воситалар...”<sup>13</sup>, деб таъкидлаган.

Л.М.Гатовский фикрига қўра, инфратузилма – бу бутун бир ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва узлуксизлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган соҳалар гуруҳидир.<sup>14</sup>

Ўзбек олимлари томонидан инфратузилмага турлича таъриф берилган. Баъзи адабиётларда “инфратузилма – такрор ишлаб чиқариш шарт – шароитларни таъминлайдиган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуидир. Асосий ишлаб чиқариш инфратузилмаси - бу энергияни таъминловчи, транспорт ва алоқа занжиридир”<sup>15</sup>. Шунингдек, “инфратузилма – бу халқ хўжалигининг юргизиб туриш учун умумий шароит яратиб берувчи

<sup>11</sup> Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши: Дисс...икт.ф.д. – Тошкент: ЎзБИИТИ, 2001. - 14 б.

<sup>12</sup> Коновалова В.Н. Экономическая эффективность производственной инфраструктуры сельского хозяйства: Автореф. дис..канд. экон. наук.. – Вологда: РГБ ОД, 2002. – 10 с.

<sup>13</sup> Статистика рынка товаров и услуг/ И.К.Беляевский, Г.Д.Кулагина, Л.А. Данченко и др.; под ред. И.К.Беляевского – М.: Финансы и статистика, 2002 – с.364 .

<sup>14</sup> Жаравина Ю.А. Производственная инфраструктура, как фактор повышения конкурентоспособности национального хозяйства: Автореф. дис..канд. экон. наук.. – Санк – Петербург: 2006. -12 с.

<sup>15</sup> Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари.– Т.: ТДИУ, 2007 - 23 б.

соҳалардир. Уларнинг фаолият натижаси – натура шаклдаги маҳсулотлар эмас, балки хизматлардир”<sup>16</sup>

Ч. Муродов фикрига кўра, “инфратузилма жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва номоддий жараёнларини қамраб олган бўлиб, турли – туман молиявий ижтимоий, хуқукий, ахборот, экология, бошқарув ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш фаолиятини ўз ичига олади ва ишлаб чиқариш жараёнининг охирги натижасига бевосита таъсир кўрсатади.”<sup>17</sup>

Турсунов А. F. ўз тадқиқотларида “инфраструктура мажмуаси – бевосита моддий неъмат ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган (ишлаб чиқариш инфраструктурасидан ташқари), аммо ишлаб чиқаришнинг умумий шароитини ва кишилар ҳаёт фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи хўжалик тармоқлари мажмуудан иборат”<sup>18</sup>, деб таърифлаган, Чжен В.А. фикрига кўра эса “инфратузилмага моддий ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатадиган, билвосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ тармоқлари киради”<sup>19</sup>.

Ваҳобов А.Р. ўз тадқиқотларида “хизмат кўрсатиш соҳаси – бу ишлаб чиқариш тармоғи ва ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш учун шароитларни таъминлашга қаратилган халқ хўжалиги тармоқлари ва фаолият турларнинг мажмуасидир”<sup>20</sup>, деб таърифлаган.

Умуман олганда инфратузилма соҳасига таъриф берганда унинг бир нечта жиҳатларга эътибор бериш лозим:

- хизматлар кўрсатиш тизимида иқтисодий муносабатлар тизимини ташкил этади;

<sup>16</sup>Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари.– Т.: ТДИУ, 2007. - 23 б.

<sup>17</sup>Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши: Дис...иқт.фан..докт. – Тошкент: ЎЗБИИТИ, 2001. - 18 б.

<sup>18</sup>Турсунов А.Ф. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфраструктурасини ташкил этиш ва ривожлантириш: Автреф. Дис. .. иқт.фан.номз.–Т.:БИИТИ, 1998й.–7 б.

<sup>19</sup>Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари.– Т.: ТДИУ, 2007 - 23 б.

<sup>20</sup>Ваҳобов А.Р. Организация и развитие сферы услуг сельскому населению в условиях многоукладной экономики. Автореф. дис. канд. экон. наук. - Т.:НИИРР в АПК, 1997. – 7с.

- инфратузилманинг ривожланиши ва тарақкий этиши кўпгина ҳолларда у хизмат қилаётган соҳанинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади ва аксинча;
- инфратузилма тармоғининг турлари қайси соҳага хизмат қилишига боғлиқ;
- жамият ривожланиши, тарақкий этиши билан инфратузилма тармоғининг хизмат кўрсатиш турлари кенгайиб боради.

Умуман олганда, инфратузилма, бу – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг мутаносиб фаолият юритиши ва ахоли турмуш даражасини оширишга кўмаклашувчи хизматлар мажмуаси ва уларнинг бино – иншоотларидир.


Шу пайтга қадар инфратузилмани ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалардан иборатдир, деб қараб келинган. Бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодий тизимнинг кириб келиши билан инфратузилманинг кулами кенгайиб, бозор инфратузилмаси, институционал инфратузилма, банк инфратузилмаси, биржа инфратузилмаси, инвестицион инфратузилма каби атамалар истеъмолга кириб келмокда.

Ч.Муродов фикрича, бозор иқтисодиёти шароитида жамият миқёсида инфратузилма олтита йўналишда, яъни ишлаб чиқариш, ижтимоий – майший, институционал, шахсий, экологик ва бозор муносабатларига мос равища ажралиб чиқади ва шаклланади. Бу инфратузилмаларни бир – биридан ажратиш, фарқлаш ҳамда уларнинг асосий моҳиятларин ифодаловчи илмий таърифлаш нафақат назарий, балки инфратузилма мажмуасининг иқтисодий муносабатлар тизимида тутган ўрнини асослашда муҳим амалий аҳамиятга эгадир.<sup>21</sup>

Ҳозирги адабиётларда асосан инфратузилманинг тўртта турига таъриф бериб келмоқдалар, (1.2 - расм).

---

<sup>21</sup>Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши. Автореф. иқт.ф.докт.. – Т.:ЎзБИИТИ, 2001й – 11 -12 б.



1.2.– расм. Қишлоқ инфраструктулмаси ва унинг таркиби

1.Ишлаб чиқариш инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи тармоқларни ўз ичига олади.

Унинг таркибиага:

- моддий-техника таъминоти;
- маҳсулотни ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш;
- техник хизмат кўрсатиш;
- сув ва электр таъминоти каби бўлинмалар киради.

Бу турдаги хизматларни ишлаб чиқариш инфратузилмасига киритишдан асосий мақсад – бу хизматлар ишлаб чиқариш жараёнига бевосита ижобий таъсир этади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ўзига хос бир қатор белгиларга эга:

- бу турдаги хизматлар бевосита маҳсулот ишлаб чиқармайди, лекин ишлаб чиқариш жараёнига бевосита ижобий таъсир этади;
- кўрсатилган хизматлар самарадорлиги фактат хизмат қилаётган тармоқ, корхона, хизмат кўрсатиш пунктлари таъсирида амалга ошади;
- инфратузилма тармоқларининг ривожланиш даражаси асосий ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланиш даражаси билан белгиланади
- инфратузилма тармоқлари, бўғинларини ишга сафарбар қилиш, талабларнинг тезлиги бевосита товар ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўладиган талаб даражаси билан белгиланади.

2. Бозор инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатмаса-да, хўжаликнинг умумий фаолиятини таъминлашга хизмат кўрсатади. Масалан, маркетинг ва реклама, ахборот-маслаҳат, аудиторлик, инвестицион ва шу каби бошқа хизмат турлари хўжалик фаолиятининг турли томонлари самарадорлигини оширишга хизмат кўрсатади.

Бозор инфратузилмаси ҳуқуқий ва жисмоний шахс мақомидаги барча сотувчи (ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи) ва ҳаридор (истеъмолчи)лар ўртасида содир бўладиган кўп қиррали бозор муносабатларининг бевосита иштирок этувчи, бошқарувчи, назорат қилувчи, текширувчи, мақсадли

йўналтирувчи ва ишлаб чиқаришдан токи истеъмол қилишгача бўлган жараёнларнинг бир текис ва тўхтовсиз кечиши учун шарт – шароит, имкониятлар яратиш мақсадида хизмат кўрсатувчи жабҳа ва муассасаларни ўз ичига оловчи бутун бир яхлит мажмуадир<sup>22</sup>. Ижтимоий инфратузилма ишлаб чиқариш жараёнида ишчи ва хизматчиларга нормал меҳнат фаолияти яратиш ва ишчи кучини такрор ҳосил қилиш учун, шунингдек қишлоқ ахолисининг турли майший хизмат турларига бўлган талабини қондириш учун хизмат килади.


3. Ижтимоий инфратузилма таркиби аграр соҳада ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш билан бевосита боғлик бўлган хизматлар: маориф ва маданий муассасалар, спорт, турар жой ва коммунал хўжалиги, соғлиқни саклаш ва ҳимоя қилиш муассасалари, боғчагача, мактабгача бўлган болалар муассасалари, умумовқатланиш корхоналари, савдо, аҳолига хизмат кўрсатувчи транспорт, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари, техника хавфсизлиги, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, соғломлаштириш муассасалари киради. Ижтимоий инфратузилма – инсоннинг ҳар томонлама камолат топиши ва унга эришиш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар йиғиндисидир.

4. Институционал инфратузилма иқтисодиёт ривожланишининг оптимал макроиктисодий нисбатларини қўллаб – қувватловчи ва тартибга солувчи соҳалар фаолият турларини ўз ичига олади. Унга иқтисодиётни тартибга солиб турувчи давлат ва нодавлат бошқарув органлари, молия-кредит муассасалари ва бошқалар киради.

Бундан ташқари инфратузилма тармоқларини ҳудудий белгилари, соҳа ва тармоқлар белгисига ҳамда фойдаланиш жиҳатларига қараб қуидагича туркумлаш мумкин. (1.3. – расм).

---

<sup>22</sup> Чориев Қ.А.. Бозор инфратузилмасини шакллантириш – иқтисодий ислоҳотлар чукурлаштириш гарови// Бозор ислоҳотларини чукурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва қишлоқда инфратузилмаларни ривожлантириш: Республика илмий – амалий семинар маъruzalар тўплами. – Тошкент: ЎзБИИТИ, 1998. – Б.15.



### 1.3 – расм. Кишлоқ хўжалигида инфратузилма соҳаларнинг вазифасига қараб туркумланиши

Инфратузилма худудий белгиларига қараб – макроиктисодий, худудий ва маҳаллий гурухларга бўлинади. Макроиктисодий инфратузилма мамлакат миқиёсидаги инфратузилмасига мансуб бўлиб, улар макроиктисодиёт таркибиға киравчи секторнинг иш фаолиятига хизмат кўрсатади. Масалан, моддий-техника таъминоти, электр энергия узатувчи линия, минерал ўғитлар ва уруғлар етказиб бериш, маориф, соғлиқни сақлаш ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Бу инфратузилмалар бўғинлари мамлакат томонидан ташкил этилиб, улар давлат томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш корхоналарига ўз хизматини кўрсатадилар. Худудий инфратузилмалари, маълум худудга, қишлоқ хўжалик корхоналарига ўз хизматини кўрсатади.

Маҳаллий инфратузилмалар макроиктисодиёт таркибиға киравчи маҳаллий ишлаб чиқариш бўғинларига: ширкатлар, фермер ва дехқон хўжаликлари ва бошқаларга бўлинади. Маҳаллий инфратузилма айrim хўжаликлар билан келишган ҳолда шартномалар асосида ўз хизматларини кўрсатадилар.

Инфратузилмаларнинг соҳа ва тармоқлар белгисига қараб гуруҳларга бўлиниши агросаноат мажмуида қўпчилик турдаги инфратузилмалар, соҳалараро характерга эга бўладилар. Бунга – транспорт, алоқа воситалари, электр таъминоти каби инфратузилмаларни киритиш мумкин. Бу инфратузилма бўғинлари бир неча турдаги соҳалар, масалан, ўсимликчилик, чорвачилик соҳаларига хизмат кўрсатиши мумкин. Аммо бир қатор инфратузилма бўғинлари фақат бир тармоқка хизмат кўрсатиши мумкин: масалан, агрокимё хизмати, техника-таъмирлаш хизмати, ветеринария хизмати, уруғ тайёрлаш пункти ва ҳоказо бўғинлар бир ёки бир неча эки чорва моллари турига хизмат кўрсатади.

Инфратузилма хизматларини агросаноат мажмуида фойдаланиш жиҳатидан гуруҳлашда икки даражада: бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш (агросервис) ва етиштирилган маҳсулотни истеъмолчига етиб боришига қадар кўрсатиладиган хизматларга бўлинади.

Биринчи доирада хизмат қилувчи инфратузилма бўғинларига: қишлоқ хўжалиги машиналарига техник хизматлар кўрсатиш, транспорт, мелиорация, сув таъминоти, агрономия, ветеринария ва бошқа хизмат турлари, илмий ва амалий хабар, ахборотлар хизмати, йўл хизмати, алоқа, моддий-техника таъминоти, электр қуввати билан таъминлаш каби бўғинлар киради.

Иккинчи доирада хизмат қилувчи инфратузилма бўғинларига: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, идиш, омбор, совуткич хўжаликлари киради. Бу турдаги хизматлар, етиштирилган маҳсулот сифати бузилмаган ҳолда истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган хизматлардан ташкил топади.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси кўрсатаётган хизмат турларини характерига кўра моддий таъминот, молиявий таъминот, информацион

таъминот ва реклама, махсус хизмат, ташиш ва қайта ишлаш турларига ажратиш мумкин, (1.4 – расм ).

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ушбу тартибда таснифлаш унинг бажарадиган вазифасини тўлақонли акс эттира олади ва шу билан бирга келажақда фермер хўжаликларига кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.



**1.4 – расм. Қишлоқ хұжалиги инфратузилмаси хизматларининг таснифи<sup>23</sup>**

<sup>23</sup> Муаллиф тадқиқоти натижалари асосида ишлаб чиқылған.

## 1.2. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари

Инфратузилма атамасининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари ушбу объектларнинг ривожланиши ва иқтисодий назариянинг ривожланиши билан бевосита боғлиқдир.

Дастлабки босқичда инфратузилма тушунчаси алоҳида иқтисодий категория сифатида қаралмаган, ва бунда мазкур муаммонинг таҳлилига ёндашувнинг шаклланиши вужудга келган. А.Смит ўзининг “Халқлар бойлиги” асарида давлатнинг вазифалари ҳақида сўз юритганда, “...фақатгина айрим шахс ёки кичик гуруҳларга фойдали бўлиши мумкин бўлмаган, маълум бир ижтимоий иморат ва муассасаларини ташкил этиш ва таъминлаб туриш”<sup>24</sup> ни ҳам шуларга киритган.

Жамоа ишларига А.Смит йўл, қўприкларни қўриш, ёшларнинг таълим тизимини, суд тизимини, черковни назарда тутган.

Классик сиёсий иқтисод тарафдошлари айрим индивидуумлар учун маълум бир ишлаб чиқариш объектларнинг фаолият юритишининг ўзи норентабел деб ҳисоблашган, аммо уларнинг бутун жамоа учун муҳим аҳамиятга эга деб таъкидлаганлар.<sup>25</sup> Дастлабки босқичнинг хусусияти шундан иборатки, инфратузилма объектлари мутелик характерига эга ва тўлиқ асосий ишлаб чиқариш корхоналарнинг эҳтиёjlари ва ўсишига боғлик.

Инфратузилма категориясининг шаклланиш босқичи XX асрнинг 40 – йилларида бошланди. “Инфратузилма” атамаси бу босқичда иқтисодий адабиётларда қўлланилиб, ишлаб чиқаришнинг муҳим бир омили сифатида

<sup>24</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. В 2-х т. – М.:Наука, 1992. Т.1. С. 13

<sup>25</sup> Жаравина Ю.А. Производственная инфраструктура, как фактор повышения конкурентоспособности национального хозяйства: Автореф. дис ...канд. экон. наук. – Санк – Петербург: 2006. - 17с.

қарала бошланган. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу босқичда инфратузилманинг категория сифатида шаклланиши ўзига хос бўлган хусусиятга эга бўлган, яъни ривожланган капитализм ва социализм шароитларида ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига, турли хил ташқи омилларнинг таъсири.

Инфратузилмани алоҳида мустақил элемент сифатида ривожланган капитализмнинг иқтисодий тизимида таҳлил қилинишига сабаб, бир томондан жамиятда меҳнатни тақсимланиш жараёнларнинг чуқурлашуви, иккинчи томондан фақатгина бозор механизми орқали инфратузилмани тўлиқ ривожлантириш имконияти йўқлиги. Фақатгина хусусий капитал хисобига мамлакат учун зарур бўлган йўл, кўприк, канал, дамбаларни қуриш имкони йўқлиги, давлатнинг инфратузилма соҳаларини ривожлантиришга фаол аралашувига олиб келди. Натижада инфратузилма соҳаси мустақил бир тармоқ сифатида шаклланди.

Собиқ иттифоқ мамлакатларида ишлаб чиқариш омиллари тизимида инфратузилманинг ўрнини аниқлаш ва унинг ривожланишига туртки берилишига сабаб, XX аср 40–йилларнинг биринчи ярмидаги индустрIALIZация жараёнларнинг чуқурлашуви, илмий – техника тараққиёти ва ҳоказолар.

Инфратузилманинг бир тизим сифатида шаклланиш босқичи XX асрнинг 80 – йилларида бошланган. Ушбу даврдан бошлаб инфратузилмага яхлит тизим ва рақобатбардошлигини оширувчи, миллий иқтисодиётнинг шаклланишини белгиловчи омил деб қараб бошланган.

Мамлакатимизда кейинги йилларда инфратузилма юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Буни бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари инфратузилмалар ривожидан олдин бормоқда ва бу иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам ўз таъсирини ўтказмокда. Farrell иқтисодий адабиётларида бу жараённи “иктисодиётнинг сервислашуви” (ингилизча “service” – хизмат ) деган

атама билан номланмоқда. Ишлаб чиқаришнинг сервислашувига қуйидаги омиллар ҳам ўз таъсирини ўтказади: ижтимоий меҳнат тақсимотининг чукурлашуви, аҳоли даромадларининг ўсиши, кредит ресурсларига бўлган талабнинг кенгайиши, илмий – техник тараққиёти суръатларининг ошиши, ишлаб чиқаришнинг алоҳидалашуви ва диверсификацияси, ресурсларни тежашга асосланган ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва бошқалар. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг яқуний натижалари нафакат бевосита хўжаликнинг ўз имкониятларига боғлиқ бўлади, балки унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоқларининг ривожланиш даражаси ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Инфратузилма бўлинмаларининг ривожланиб боришидан дехқон ва фермер хўжаликлари катта манфаат кўради, негаки бу хўжалик аъзоларини ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишлардан озод этиб, уларнинг куч-ғайратини асосий фаолиятига қаратишга имкон яратади.

Тадқиқот жараённада республикада қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг ривожланишини шартли равишда уч босқичга бўлинган ҳолда ўрганилди ва улар учун хос қуйидаги хусусиятлар аниқланди, (1.1.1 - жадвал):

I – босқич 1995 – 2001 йилларни қамраб олган бўлиб, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг шаклланиш даври ҳисобланади. Ушбу йилларда инфратузилма хизматларига эҳтиёжи бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, яъни дехқон ва фермер хўжаликларининг ривожланиши билан характерланади. Бу босқичда паст рентабелли заарар билан ишлайдиган ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари вужудга келди ва фермер хўжаликлари таъсисчилари ҳисобланган муқобил МТП, СФУ<sup>26</sup>лар ташкил этила бошлади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу даврда инфратузилма обьектларини шаклантириш учун етарли даражада хуқуқий –

---

<sup>26</sup> МТП – машина трактор парклари, СФУ-сувдан фойдаланувчилар уюшмаси

## 1.1 – жадвал

### Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг шакланиш босқичлари<sup>27</sup>

<b>Босқич номи</b>	<b>Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси шакланиш даврлари</b>	<b>Қабул килинган ҳуқуқий ва меъёрий асослар</b>	<b>Асосий эришилган натижалар</b>
I босқич. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси шакланиш даври	1995 – 2002 йиллар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонуни (1996 йил 25 апрель)</li> <li>• “Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонуни (1998 йил 30 апрель)</li> <li>• “Фермер хўжалиги тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонуни (1998 йил 30 апрель)</li> <li>• “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонуни (1998 йил 30 апрель)</li> <li>• “Лизинг тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонуни (1999 йил 14 апрель)</li> <li>• “МТПларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ҳақида”ти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори (1998 йил 10 март)</li> <li>“Қишлоқ хўжалигида агрокимёвий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори (2001 йил 1 февраль)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Қишлоқ хўжалигидаги асосий хўжалик юритувчи субъектлар сифатида ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлар шаклланди;</li> <li>• Қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатувчи инфратузилма обьектлари шаклана бошланди (ММТП, СФУ, минибанклар);</li> <li>• Қишлоқ хўжалиги техникаларни лизинг асосида олиш йўлга қўйилди;</li> <li>• “Ўзқишлоқхўжаликким” давлат акциядорлик компаниясига карашли вилоят бошкармалари таркибида 452 дан ортик минерал ўғитлар билан савдо қилувчи дуконлар ташкил этилди;</li> <li>• Давлат эҳтиёjlари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш транш маблағлари хисобига молиялаштирилди;</li> <li>• Ер солиги такомиллаштирилди – ягона ер солиги жорий қилинди.</li> </ul>

<sup>27</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

<p>II босқич. Кишлоқ хўжалиги инфратузилмаси объектларини ривожлантириш га оид хуқуқий-меъёрий хужжатлар тизимини яратиш босқичи</p>	<p>2002 – 2006 йиллар</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• “Кишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (2003 йил 24 март)</li> <li>• “Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларни бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора–тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори (2003 йил 4 сентябр)</li> <li>• “2004–2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (2003 йил 27 октября)</li> <li>• 2004 – 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора – тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори (2003 йил 30 октября)</li> <li>• “Фермер хўжаликлигининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг (2003 йил 8 ноября) ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Қарорлари (2003 йил 8 ноября)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фермер хўжаликларини ривожлантиришга эътибор берилди;</li> <li>• «2004-2006 йилларда қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш дастuri» қабул қилинди. Ушбу дастурга мувофиқ вилоятда 2004-2006 йиллар мобайнида жами 84 та мукобил МТП лар, 75та сувдан фойдаланувчилар ўюшмалари, 84 та ёқилғи-мойлаш материаллари (ЁММ) сотиш шоҳобчалари, 68та минерал ўғитлар ва ўсимликларни химоя килиш воситаларини сотиш шоҳобчалари, 55та мини банклар, 22та қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш шоҳобчалари, 9та зотли молларни сотиш ва зооветеринария хизматлари шоҳобчалари, 15та ахборот таъминоти ва консалтинг шоҳобчалари ташкил этилди.</li> <li>• Янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси объектларига имтиёзлар берилди –2 йил давомида фойда ва мол–мulk солиги тўлашдан озод этилди;</li> <li>• Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўргасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларнинг хуқуқий асоси яратилди;</li> <li>• Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжалари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини имтиёзли кредитлаш тизмiga ўтилди.</li> </ul>
--	---------------------------	---	---

<p>III босқич. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси ни жадал ривожлантириш босқичи</p>	<p>2007 ва ундан кейинги йиллар</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• “Мевасабзавотчилик ва узумчилик соҳаларида ислоҳ қилиш ташкилий чора – тадбирлари тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори (2006 йил 11 январ)</li> <li>• “Ўзбекистон Республикасида 2006 – 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори (2006 йил 17 апрел)</li> <li>• “Микрокредитбанк” АТ банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш чора – тадбирлари тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (2006 йил 6 май)</li> <li>• “2007 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори (2006 йил 11 ноябр)</li> <li>• “Ўзбекистон Республикасида 2010 йил давргача хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш қўшимча чора – тадбирлари тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори (2007 йил 21 май)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт – шароитлар яратилди;</li> <li>• Қишлоқ хўжалигида янги истиқболли хизмат турлари – ахборот – консалтинг, банқ, молия, суғурта, тара идишларини қадоқлаш каби хизматлар шаклланди;</li> <li>• Инфратузилма муассасаларида ишлаётган кадрлар малакасини оширишга эътибор берилмоқда;</li> <li>• Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга замонавий суғурта хизматларини жорий этиш;</li> <li>• Банк муассасаларининг хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш, мижозлар учун қўшимча шарт–шароитлар яратиш ва қўшимча маблағларни жалб этиш;</li> <li>• Фермер хўжаликларига лизинг ва микролизинг хизмат кўрсатиш ҳажми ва сонини кўпайтириш;</li> <li>• Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатадиган ММТП, СФУ, ЁММ, минерал ўғит сотиши шахобчаларини, зооветеринария, тайёрлов корхона ва муассасаларининг хизмат кўрсатиш сиғатини яхшилаш</li> </ul>
--	-------------------------------------	---	---

меъёрий ҳужжатлар етарли эмас ва уларни ривожлантириш механизмлари шаклланмаган эди.

II – босқич (2002 – 2006 йиллар) – қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришга оид хуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларининг давлат дастурлари асосида шакллантирилиши кузатилди. Истиқболли хўжалик юритувчи шакл ҳисобланган фермер хўжаликларининг ривожи бевосита унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларига боғлик. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ фермер хўжаликлари барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий йўналишларнинг бири сифатида қишлоқда фермер хўжаликларининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш белгиланди.

III–босқич 2007 йил ва ундан кейинги йилларни ўз ичига олиб, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури асосида амалга оширилиб хизмат турларини кенгайтириш, сифат даражасини яхшилаш ва истиқболли фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашадиган хизмат турларини жадал ривожлантиришга эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги 255 – сонли ва 2006 йил 21-ноябрдаги 514-сонли қарорлари асосида мамлакатимизда фермерчилик ҳаракатини жадал ривожлантириш учун шарт – шароитларни таъминлаш бўйича чора – тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш тармоқларида кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга ҳар томонлама эътибор берилмоқда.

Кўриб турганимиздек, ушбу даврлар мобайнида республикамиизда қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини шакллантириш учун қўпгина чора –

тадбирлар амалга оширилди, аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, аграп секторда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун куйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ва хукуқий ҳужжатлар тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги;
- инфратузилма шахобчалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари итшлаб чиқарувчиларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиқсан ҳолда номутаносиб жойлашганлиги;
- хизмат кўрсатиш муассасалари ўз функцияларини талаб даражасида бажариши учун етарли ресурс ва салоҳиятга эга эмаслиги.

### **1.3. Қишлоқ хўжалигини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда инфратузилманинг ўрни**


Ўзбекистонда ўтказилаётган аграп ислоҳотларнинг асосий эътибори зарар билан ишлаётган ва паст рентабелли ширкат хўжаликлар базасида хусусий фермер хўжаликларини яратишга қаратилди. Биргина Қашқадарё вилоятида 2006 йилда 42 та ширкат хўжаликлари қайта ташкил этилиб, фермер хўжаликларига айлантирилди ва йил якунидаги 22 та ширкат хўжаликлари сақланиб қолган эди. 2008 йилда вилоятда 19 та чорвачиликка ихтисослашган ширкат хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалигининг табиий – иқтисодий шароитларининг характеристига кўра ўзига хос хусусиятга эга, яъни бунда вилоят ва республика иқтисодига қўшган ҳиссасига қараб унинг ўрни ва аҳамияти каттадир.

Вилоятнинг асосий ихтисослик тармоғи – бу қишлоқ хўжалигидир, энг аввало бу пахтачилик, дончилик ва шу билан боғлиқ бўлган саноат тармоқлари (бирламчи қайта ишловчи соҳалар). Пахта хом – ашёси ва дон ишлаб чиқариш бўйича вилоят республикада 1 – ўринни эгаллайди.

Вилоятда 2002 – 2009 йиллар мобайнида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таркибида маълум бир ўзгаришлар содир бўлди. 2002 йилга нисбатан 2009 йилда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 3,8 мартаға ўсган. Қишлоқ хўжалигига ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотида ўсимликчилик тармоғининг улуши таҳлил қилинаётган давр мобайнида 47,8 фоиздан 51,8 фоизга ошди, чорвачилик тармоғи эса аксинча 52,2 фоиздан 48,2 фоизгача камайган, (1.2.1 - жадвал).

Аграр тармоқда иқтисодий ислоҳотлар жараёнида фермерлик ҳаракатига устунлик берилганлиги натижасида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришидаги улуши 2009 илда 40,6 фоизни ташкил этди. Умуман олганда, вилоятда фермер хўжаликлари сони йил сайин ошиб бормоқда ва 2009 йилда 8599тани ташкил этди, уларга биритирилган ер майдони 725527 минг гектарни ва ишловчилар сони **155,9** минг кишини ташкил этган. 2002 – 2009 йилларда таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дехқон, фермер ва ширкат хўжаликлари ўртасида тақсимланишида ҳам ўз аксини топди, (1.5 – расм).



**1.5 – расм. Қашқадарё вилоятида хўжалик турлари бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, % ҳисобида<sup>28</sup>**

<sup>28</sup> Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида таҳлил қилинган.


## 1.2.1 -жадвал

### Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлар таҳлили<sup>29</sup>

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	й и л л а р							
			2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
1	Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти	Млн. сўм	288330	367894	432363	538466	670629	796060	949888	1081338
2	Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиши	%	119,9	106,2	109	109,8	100,8	108,1	106,4	103,4
3	Ўсимликчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши	%	143	107,8	113,4	109,9	94,3	107,9	103,6	101,4
4	Ўсимликчилик маҳсулотларининг улуши	%	47,8	52,8	54,5	56,3	57,3	52,9	50,8	51,8
5	Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши	%	102,1	104,7	104,3	109,6	109,6	108,2	109,6	105,2
6	Чорвачилик маҳсулотларининг улуши	%	52,2	47,2	45,5	43,7	42,7	47,1	49,2	48,2

<sup>28</sup> Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари.

Қишлоқ хўжалигида мулкчилик шакли ўзгариши билан ҳосилдорлик кўрсаткичлари йил сайн ошиб борганлигини кўришимиз мумкин. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида пахта хом ашёсининг ўртача ҳосилдорлиги 22,7 центнердан 25,0 центнерга ошиди, буғдойнинг ҳосилдорлиги эса 35,7 центнердан 46,5 центнергacha кўпайди. Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ҳам ошиб борганлигини кўришимиз мумкин, (1.6. - расм).



**1.6 – расм. Қашқадарё вилоятининг барча турдаги хўжаликларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари, ц/га<sup>64</sup>**

Аграр соҳада ўтказилаётган ислохотлар на фақат қишлоқ хўжалигининг ўзида бозор муносабатларига мослашган фермер хўжаликларини шакллантиришни, балки принципал жиҳатдан бошқача қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини яратишни ҳам кўзда тутади. Янги инфратузилма объектлари фермер хўжаликларига кенг кўламдаги керакли ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси хизматларидан фойдаланиш имконини бериши,

<sup>64</sup> Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида таҳлил қилинган.

шунингдек, бир томондан, маҳсулотни даладан истеъмолчиларга самарали етказиб бериши, иккинчи томондан, бозордаги вазият ҳақидаги маълумотларни истеъмолчилардан ишлаб чиқарувчиларга самарали етказиши лозим.


Инфратузилма тармоғининг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда роли нақадар катта эканлигини ҳисобга олиб ҳукуматимиз томонидан агроинфратузилмалар таркибини янгилаш, ишлаб чиқаришга яқинлаштириш, хизматлар самарадорлигини ошириш тўғрисида бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилди. Ушбу ҳужжатларнинг амал қилиши, инфратузилманинг агросаноат мажмууда тутган ўрнини оширмоқда.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилма таркибига кирувчи тармоқлар, корхоналар хизмат қўрсатиш ҳолатига қараб турли гуруҳларга бўлинади. Бу гуруҳлар бўлинишига қараб улардан қайси мақсадлар учун фойдаланиш лозимлигини аниқлаш мумкин. Уларга:

- инфратузилма таркибига кирувчи ҳар бир тармоқ, корхонанинг аграп ишлаб чиқариш жараёнидаги хизмати ва унинг тутган ўрнини аниқлаш ва баҳолаш имкониятини беради;
- аграп ишлаб чиқариш асосий соҳалари билан уларга хизмат қўрсатаётган инфратузилма ўртасидаги бажариладиган ишлар қўлами, уларни бажариш муддатлари, уларнинг моддий-техника ҳолатини олдиндан режалаштиришни амалга ошириш;
- ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш соҳаларини бошқаришни бир-бирларига мослаштириш, охирги натижани аниқлаш.

Аммо, қишлоқ хўжалиги инфратузилмани бажарадиган вазифаларининг қўп қиррали бўлиши, уларни бир вақтда бажариш мумкин эмаслиги, хизмат қўрсатиш технологиясининг турлилиги, инфратузилма корхоналарини бир ёки икки турдаги қўрсаткичлар ёрдамида гуруҳларга киритиш мумкин эмас.

Юқорида санаб ўтилган масалаларининг муваффақиятли ҳал этилиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни чукур ўрганишни тақозо этмоқда, (1.7 – расм).



**1.7– расм. АСМ тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар<sup>65</sup>**

Агросаноат мажмуасида ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи барча омилларни қўйидаги групкаларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

- табиий-тарихий омиллар: кимёлаш, мелиорация, ирригация ва бошқа воситалар ёрдамида тупроқ иқлим шароитларини яхшилаш, чорвачилик ва дехқончилик соҳаларида селекция, генетика ва бошқа воситалар ҳамда омиллар;
- ижтимоий омиллар: инсон қобилияtlарининг аниqlаниши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлган омиллар-жисмоний, психологик,

<sup>65</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

интеллектуал, меҳнатга ва унинг натижаларига ижобий муносабатларининг ривожланиши ва салбийларнинг четлаштирилиши билан боғлиқ омиллар;

- ташкилий-хўжалик омиллари: ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг, унинг ихтисослашуви, концентрация, илғор тажрибанинг қўлланилиши, бошқарув тизимини ва услубларининг характеристириида даражаси ҳамда бошқалар;

- материал-техник омиллар: ишлаб чиқаришни механизациялаш, электрлаштириш, автоматлаштириш даражаси ва сифати, қўлланиладиган технологияларнинг даражаси, фаннинг ривожланиши ва бошқалар;

- иқтисодий омиллар: ишлаб чиқаришни режалаштириш ва истиқболни белгилаш, иқтисодий таҳдил, ҳисоб ва назорат, меҳнатни нормаллаш, ишларни тарификациялаш ва бошқалар.

Ушбу омиллар у ёки бу даражада ишлаб чиқаришнинг ривожланишини мазкур босқичи учун характеристирии бўлган ишлаб чиқариш муносабатларининг йиғиндиси билан боғланган.

Мамлакатимизнинг ҳозирги шароитларида қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ислоҳотлари иқтисодий ўзгаришларининг энг муҳим стратегик мақсадлар ва биринчи галдаги вазифалар сирасига киради. Юқорида таъкидланганидек ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига тупроқ – иқлимий, ташкилий – унумли (ишлаб чиқаришга оид), техник-технологик ва ижтимоий – иқтисодий каби омиллар таъсир қиласди. Иқтисодий тадқиқотларда биринчи омиллар гурӯхларига катта эътибор қаратилмоқда, бинобарин, ишлаб чиқариш натижаларига ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таъсири кам ўрганилган. Бунинг сабабларидан бири уларни миқдор жиҳатдан ҳисоблашнинг қийинлиги, шунингдек, баъзи бир ижтимоий – иқтисодий омилларнинг таъсирини бирдан аниқлаб бўлмаслиги.

Ишлаб чиқариш бор жойда, албатта, уларга мос келган хизматларининг ҳам бўлиши талаб этилади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси юқорида қайд килинганидек, ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиб, унинг

самарадорлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшади. Ишлаб чиқариш жараёнига кўрсатиладиган хизмат турлари хилма хил бўлиб, улар ичida салмоқли ўринни аграр транспорт хизмати эгаллади. Маълумки, транспорт ёрдамида инсон томонидан ҳосил қилинган меҳнат натижалари бир жойдан иккинчи жойга ёки ишлаб чиқариш жараёнидан истеъмол жараёнига етказилади. Транспорт қуидаги кўринишларда: ҳаво, сув, темир йўл, авто ва от-арава транспорти кўринишида хизмат кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигидаги юклар асосан трактор тележкаси, автомашина ва темир йўл транспортлари ёрдамида амалга оширилади. Транспорт хизматидан фойдаланиш:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга етказиб бериш вақтини қисқартиришга олиб келади;
- маҳсулот сифати бузилишини кескин камайтиради;
- қишлоқ хўжалигига бажарилган тадбирларни ўз муддатида ва юкори сифатли ўтказишга (минерал ўғит, уруглик, озуқа ва бошқалар) таъсир этиб, оқибатда ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорини оширишга ёрдамлашади;
- қишлоқ хўжалигини халқ хўжалигининг бошқа соҳалари билан боғлайди;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқариш имкониятини беради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмаларида йўл хўжалиги ҳам катта аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг транспорт бўғини бевосита йўл хўжалиги ҳолатига боғлиқdir. Йўл хизмати ҳолати бевосита транспорт хизмати даражасига ёки ижобий, ёки салбий таъсир этади.

- транспорт воситалари умрини қисқартиради, қисмлари тезда ишдан чиқади, синади;

- юқ ташиш харажатлари ортади, унинг самарадорлиги пасаяди, маҳсулот сифати бузилишига олиб келади;
- юкларни ўз муддатида ташиш имкониятига путур етказади;
- йўл қишлоқ маданияти қай даражада эканлигини ўзида қўрсатувчи кўзгудир.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида бунёд бўлиши ва унинг қишлоқда олиб бораётган қишлоқ хўжалиги ислоҳотлари натижасида йўл хўжалиги хизматининг замонавий турлари бунёдга келмоқда. Янги йўллар, кўприклар бунёд қилинмоқда. Уларнинг хизмат қўрсатиш маданияти яхшиланмоқда.

Қишлоқ хўжалигини электр энергияси хизмати ҳам катта аҳамиятга эга, чунки электр энергиясиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг кўпчилик бўғинларининг иш фаолиятини амалга ошириш мумкин эмас:

- тез бузилувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сақлаш мумкин эмас. Масалан, сут, гўшт, хўл мева, сабзавот, тухум ва бошқа маҳсулотлар;
- давлат буюртмаларини қайта ишлаш;
- маҳсулот таннархини арzonлаштириш;
- маҳсулот сифати бузилишини камайтиради;
- маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади;
- қишлоқ турмуш даражасини юксалтириш имкониятини беради.

Алоқа хизматларидан фойдаланиш ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита таъсир қиласи. Агросаноат мажмуи – соҳа ичидаги бўлимлар, бўғинлар ва соҳалараро алоқаларсиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш муаммоларини ҳал қилишни анча қийинлаштиради.

Қишлоқ хўжалиги катта майдонларга экинлар экиш асосида иш юритадилар. Бу ерларни қисқа вақт ичida экишга тайёрлаш, экиш, экин қатор ораларини ишлаш, қишлоқ хўжалиги экинлари касалликларига ва

зааркунандаларига қарши кураш олиб бориш, ҳосилни ўриб-ийғиб олиш, тайёрлов пунктларига, омборларга ташиш ва бошқа бир қатор катта хажмдаги ишлар қўл кучи билан бажарилиши мумкин эмас. Бу ишларни бажариш учун хилма-хил қишлоқ хўжалиги машина ва техникаларидан фойдаланишини талаб этади. Уларнинг бир меъёрда ишлаши учун ишдан чиқсан қисмларини ва эскирганларини янгилаш, ёқилғи-мойлаш материаллари ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, таъмирлаш каби хилма - хил хизматлар кўрсатиш заруриятини келтириб чиқаради. Хизматларни амалга ошириш мақсадида машина-трактор парки, автосервис, хизмат кўрсатиш пунктлари, савдо, сервис марказлари ташкил этилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси бўғинларида маҳсус хизмат кўрсатиш бўғинлари (агротехник, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ветеренария, сунъий қочириш, юридик консультациялар, банклар хизмати) ҳам ўз хизматларини кўрсатадилар. Бу маҳсус хизматларнинг ҳар бири қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш фаолиятида аҳамияти каттадир. Масалан, фақат қишлоқ хўжалиги экинлари касалликларига ва зааркунандаларга қарши қилинган хизматлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг нобуд бўлиши олдини олиш имкониятини яратади.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилма бўлимлари хизмати, бир-бирлари билан ўзаро боғланган ҳолда ёки ўзлари мустақил хизмат кўрсатиш йўли билан ишлаб чиқаришнинг интенсив ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшиб, қишлоқ хўжалигига иқтисодий ўсишни амалга оширишга ёрдам берадилар. Тадқиқотларга кўра, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда инфратузилма тармоқлари таъсири катта бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнига бевосита таъсир кўрсатадиган омиллардан бири ҳисобланиб, ишлаб чиқариш жараёнини бир меъёрда боришини таъминлаб берса, бозор инфратузилмаси хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида бозор механизмларини ривожлантиради ва иккаласи уйғунлашган ҳолда қишлоқ

хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги оширишини таъминлайди, (1.8 – расм).



**1.8 – расм. Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигига инфратузилма тармоқларнинг таъсири.<sup>66</sup>**

<sup>66</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

## П БОБ

### **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНФРАТУЗИЛМАСИННИГ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР**

#### **2.1. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси ривожланишининг ҳозирги ҳолати**

Инфратузилма қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва самарадорлигини ўсишининг муҳим омили ҳисобланади. Саноатлаштириш, кимёлаштириш, мелиорация ва ишлаб чиқаришнинг бошқа асосий омилларини тез суръатда ўсишига нафақат ишлаб чиқариш маблағларининг микдоран ўсиши ҳисобига, балки хизмат тизимини ташкил этилиши ҳисобига эришилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 – январ 8 – сонли Қарорига асосан республикада 5та қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси объектларининг турлари (ММТП, СФУ, ЁММ, минерал ўғитларини сотиш шохобчалари, минибанк) ташкил этилган эди. Ҳозирги кунга келиб, ушбу хизмат қўрсатувчи объектларнинг 10та тури мавжуд, лекин истиқболда ушбу турлари кенгайиб қишлоқ хўжалиги инфратузилма турларини 23 тага етказиш лозим, (2.1.1 – жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, вилоятда фермер хўжаликларига айлантирилган, истиқболсиз, паст рентабелли ширкат хўжаликлар худудида 2002 йилда 26тадан мукобил МТП, СФУ, ёқилғи-мойлаш материаллари сотиш шохобчаси ва минерал ўғит сотиш шохобчалари ва 24та минибанк ташкил этилган эди. 2009 йилга келиб ушбу инфратузилма объектларининг сони ММТП бўйича 7,1 марта, СФУ – 7 марта, ЁММ сотиш шохобчалари – 7,1 марта, минерал ўғит сотиш шохобчалари – 4,8 марта ва минибанклар сони 5,4 марта ошганлиги билан бирга бошқа хизмат турлари, хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, зооветеринария хизмати, ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати, транспорт хизмати, тара

идишларини тайёрлаш ва қадоқлаш каби хизматларини кўрсатувчи инфратузилма объектлари ташкил этилиб, фаолият кўрсатиб келмоқда.

### **2.1.1 – жадвал**

#### **Фермер хўжаликлари ташкил этилган худудларда тузилган инфратузилма объектлари<sup>67</sup>**

<b>№</b>	<b>Инфратузилма объектлари ( тузилган)</b>	<b>Йиллар</b>							
		<b>2002</b>	<b>2003</b>	<b>2004</b>	<b>2005</b>	<b>2006</b>	<b>2007</b>	<b>2008</b>	<b>2009</b>
1	ММТП	26	56	117	151	192	197	197	184
2	СФУ	26	54	107	140	161	170	170	181
3	ЁММ сотиш шохобчаси	26	56	106	136	167	185	185	185
4	Минерал ўғитлар сотиш шохобчаси	26	56	89	106	132	126	126	126
5	Минибанклар	24	44	88	106	134	139	139	139
6	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ва тайёрлаш шохобчаси	-	-	9	28	54	54	53	53
7	Зооветеринария хизмати ва зотли молларни сотиш шохобчаси	-	-	30	60	72	155	249	259
8	Ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати	-	-	5	14	26	34	34	34
9	Транспорт хизматлари кўрсатиш шохобчаси	-	-	-	-	6	6	6	6
10	Тара идишларни тайёрлаш ва қадоқлаш шохобчаси	-	-	-	-	3	3	3	3

Маълумки, фермер хўжаликларига агротехник хизмат кўрсатишни яхшилаш, қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш самарасини ошириш мақсадида республикамизда муқобил машина – трактор парклари тузилди. Вилоятда фаолият кўрсатиб келаётган муқобил МТПларда жами 5745 та

<sup>67</sup> Қашқадарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида хисобланган.

турли русумдаги тракторлар мавжуд бўлиб, шундан 566 тасини ҳайдов тракторлари ва 2479 тасини чопиқ тракторлари ташкил этади.

Қашқадарё вилоятида жами суғориладиган майдон 500 минг гектардан ошиқдир, шундан Қарши бош канали тизими бўйича суғориладиган майдон 330 минг гектарни ташкил этади. Демак, ҳавза худудидаги суғориладиган ерлар, сув ресурсларидан оқилона, самарали фойдаланишни талаб этади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республикамизда сувдан фойдаланишни яхшилаш мақсадида ва сувнинг тайин эгаси бўлишини ҳисобга олиб, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ташкил этилди. Умуман олганда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва шу мақсадда сув хўжалиги инфратузилмасини такомиллаштириш ва унинг хизматларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Унинг вазифасига сув манбаларидан сув олиш, каналлар орқали сувдан фойдаланувчиларни сув билан таъминлаш, суғориш ва ернинг шўрини ювишга олинадиган сув ресурсларини ҳисобга олиш, сувдан фойдаланиш ва суғориш сувининг сифатини назорат қилиш ва бошқалар киради. СФУлар асосан тутатилган ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилган фермерларни бирлаштириб, улар тўланган бадал ва йиллик даромадидан маълум миқдордаги тўлов ҳисобига ўз фаолиятини юритади ва ривожлантиради. Ҳозирги кунда СФУларнинг шаклланишига ва ривожланишига тўсик бўлувчи баъзи бир муаммоларни инкор этиб бўлмайди:

- уюшма аъзолари бадаллари ҳисобига ташкил топган маблағ, янги механизмлар, машина ва усқуналар жиҳозлари сотиб олишга етмаслиги мумкин;
- асосий қишлоқ хўжалиги экинларига белгиланган нархлар сувдан фойдаланувчиларга сувга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш имкони берилмаслиги;

- банк томонидан сувдан фойдаланувчиларга бериладиган кредит ставкаларининг юқорилиги, СФУнинг лойиҳаларини амалга ошмаслигига сабаб бўлиши мумкин;
- СФУни бошқарадиган ва ташкил этадиган сув ўлчагич асбобларининг етишмаслиги.

Ушбу ва бошқа муаммоларни бартараф этиш ҳамда уюшманинг самарали фаолиятини йўлга кўйиш мақсадида сувдан хусусий фойдаланишнинг хуқуқий асосини яратиш лозим. Сувга ва ирригация тизимиға мулкчилик хуқуқини аниқлаш уюшманинг узоқ вақт фаолият кўрсатиши учун замин яратади.

Хукуматимиз хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 1 –февралдаги 63 – сонли «Қишлоқ хўжалигида агрокимёвий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компаниясига қарашли вилоят бошқармалари таркибида 452 дан ортиқ минерал ўғитлар билан савдо қилувчи дўконлар ташкил этилди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, вилоятда агрокимёсервис талаб даражасида эмас:

- кимёвий воситалар ва минерал ўғитларнинг баҳолари тез суръатлар билан ошиб бормоқда;
- «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компанияси тизимидағи кимёвий восита ва минерал ўғит саклаш омборларининг ҳолати талаб даражасида эмас;
- кимёвий воситалар ва минерал ўғитларни ташиш ва саклашда фойдаланиладиган техника воситаларининг аксарияти хизмат муддатлари тугаган.

Бу муаммоларни бартараф этиш учун рақобат мухитини яратиш лозим. Чунки, «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компаниясига тенг келадиган нодавлат ташкилотларнинг йўқлиги сабабли, улар монопол

корхонага айланиб қолмоқда. Монополияга бархам бермасдан туриб, фермер хўжаликлариға агрокимёсервис кўрсатиш тизимини бозор талабларига мослаштириш мумкин эмас.

Шу билан бирга, ёқилғи-мойлаш материалларини сотиш шахобчаларида ҳам ушбу муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг сони 173 тани ташкил этади. Умуман олганда ЁММ ва минерал ўғит билан фермерларни таъминлашда монопол ҳолатни бартараф этиш учун туманларда биржаларни ташкил этиш ва фермерларнинг айнан шу биржалар орқали савдо қилишини йўлга қўйиш лозим.

Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш жараёни муомала соҳасида якунланади, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг товарлик даражасининг юқори бўлиши хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигига ижобий таъсир этади. Бунда фермерлар учун маҳсулот сотишга қўмак берувчи бир нечта йўналишдаги инфратузилмаларнинг, яъни тайёрлов ташкилотлари, қайта ишлаш корхоналари, хусусий тадбиркорлар ва бозорларни аҳамияти каттадир. Лекин, фермерлар ўзларининг маҳсулотларини асосан тайёрлов ташкилотлари ва қайта ишлаш корхоналарига, шунингдек бозорда сотмоқдалар.

Маълумки, фермер хўжаликлири ривожланиб бориши бевосита сармоя билан таъминланганлигига боғлиқ. Дастлабки шакланаётган вақтда кўпгина фермер хўжаликлари маблағга эҳтиёж сезадилар. Шу сабабли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун уларни имтиёзли тўғридан – тўғри кредитлаш йўлга қўйилди. Фермерларга қулайлик яратиш ва вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида туманларда минибанклар ташкил этилган ва улар фермерларга хизмат кўрсатишмоқда.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси таркибида ахборот ва маслаҳат хизмати муҳим ўрин тўтади. Чунки, етарли ахборотга эга бўлмай туриб, хўжалик самарадорлигини таъмин этувчи бошқарув қарорларини қабул қилиб бўлмайди. Бозор муносабатлари шароитида фермерлар ҳар

қачондагидан ҳам ахборот маслахат-консалтинг хизматига эҳтиёж сезмоқда. Бунга сабаб – ҳозирги кунда ушбу хизмат турлари етарли даражада шаклланмаган, шу билан бирга фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш ҳажмини инобатга оладиган бўлсак, уларда агроном, зоотехник ва шу каби мутахассисларни сақлаб туриш ўзини оқламайди. Шунинг учун ҳар бир тумандаги фермерлар уюшмаси қошида ахборот консалтинг шахобчаларини очиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Улар фермерларга ишлаб чиқаришни фан-техниканинг энг янги ютуқлари, замонавий техника ва технологиялар, илғор тажрибаси билан таъминлаб туришга ёрдам беради.

Фермер хўжаликларининг 20–25 фоизида бухгалтерия иши тўғри йўлга қўйилмаган, аксарият фермер хўжаликлирида хисобчилар ёлланма ишлайдилар, бунда эса хатоларга йўл қўйилмоқда.

Хулоса қиладиган бўлсак, инфратузилма тармоқларини ривожланиб боришидан фермер хўжаликлари катта манфаат кўради, негаки бу фермерларни ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишлардан озод этиб, уларнинг кўч – ғайратини асосий фаолиятига қаратишга имкон яратади.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, вилоятда фермер хўжаликлири сони, уларга бириктирилган ер майдонлари ҳажми ортиб бориши билан уларнинг инфратузилма обьектлари билан таъминланиш даражаси ҳам кўпаймоқда, (2.1.2 – жадвал). Жумладан, 2002 йилдан вилоятда фаолият кўрсатиб келган ҳар бир муқобил МТП, СФУ, ЁММ ва минерал ўғит сотиш шахобчалари хизмат кўрсатадиган фермер хўжаликлари ер майдони 246,6 гектарни ташкил этган бўлса, 2008 йилда ушбу кўрсаткич тахминан 1,7-2 баробар камайган. Аммо, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан бизга маълумки, битта фермер хўжалигига бир нечта инфратузилма обьекти хизмат кўрсатади, ваҳоланки республикамизда бунинг аксини кўришимиз мумкин. Демак, келажакда инфратузилма обьектлари сонини, турини кўпайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш лозим.

## 2.1.2 – жадвал

### Қашқадарё вилоятида фермер хўжаликларининг инфратузилма объектлари билан таъминланганлик даражаси<sup>68</sup>

Йиллар	Битта инфратузилма объектиги тўғри келадиган фермер хўжаликлари ер майдони, гектар									
	ММТП	СФУ	ЁММ со тиш шахобчалари	Минерал ўғит со тиш шахобчалари	Мини-банклар	К/х махсулотларини сотиши ва тайёрлаш шахобчаси	Зооветеринария хизмати ва зотли молларни сотиши шахобчаси	Аҳборот таъминоти ва консалтинг хизмати	Транспорт хизматлари кўрсатиш шахобчаси	Тара идишларини тайёрлаш ва кадоқлаш шахобчаси
<b>2002</b>	7352,7	7352,7	7352,7	7352,7	7965,4	-	-	-	-	-
<b>2003</b>	5007,1	5192,5	5007,1	5007,1	6372,6	-	-	-	-	-
<b>2004</b>	3453,8	3776,6	3812,3	4540,4	4592,0	44900	13470	80820	-	-
<b>2005</b>	3313,3	35736,7	3678,8	4717,9	4719,9	17868,4	8338,6	35736,7	-	-
<b>2006</b>	3191,8	3806,3	3669,6	4642,6	4573,3	11348,5	8511,4	23569,9	87545,4	122563,6
<b>2007</b>	3589,7	4159,8	3822,6	5612,5	5087,6	13095,8	4562,4	20799,2	101024,7	141434,6
<b>2008</b>	3640,0	4193,5	3876,1	5691,2	5975,7	13529,9	2879,9	21090,8	119514,3	143417,2
<b>2008 йилда 2002 йилга нисбатан, %</b>	49,5	57,0	52,7	77,4	75,0	-	-	-	-	-

<sup>68</sup> Қашқадарё вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Инфратузилма тармоғида монопол ҳолатнинг мавжудлиги маҳсулот етиширишда сарфланган харажатларнинг ошишига олиб келмоқда. Буни биз Нишон туманидаги “Турдиев Саъдулло” фермер хўжалиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин, (2.1.3 – жадвал).

### 2.1.3 – жадвал

#### **Нишон тумани “Турдиев Саъдулло” фермер хўжалигига пахта етиширишда бир гектар ерга сарфланган харажатлар таҳлили<sup>69</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар				2008йилда 2005 йилга нисбатан ўзариши, %
			2005	2006	2007	2008	
1	Жами экин майдони	гектар	42	42	22	22	52,4
2	Пахта майдони	гектар	42	18	12	10	23,8
3	Ҳосилдорлик	ц/га	21,3	27,4	47,5	46,3	217,4
4	ЁММ харажатлари	минг сўм/ га	41,5	100,4	124,6	149,5	360,2
5	Минерал ўғит харажатлари	минг сўм/ га	74,3	93,6	206,2	268,0	360,7
6	Уруғлик харажатлари	минг сўм/ га	31,2	33,1	57,1	60,3	193,3
7	Иш ҳаки харажатлари	минг сўм/ га	26,9	56,7	50,8	53,4	198,5
8	Бошқа харажатлар	минг сўм/ га	210,2	139,9	398,2	530,3	252,3
9	Жами харажат	минг сўм/ га	384,1	423,7	836,9	1061,5	276,4
10	Жами харажатда инфратузилма соҳасининг улуши	%	38,3	53,6	46,3	45,0	117,5
11	Ялпи даромад	минг сўм/ га	564	951,1	1767,0	2143,7	380,1
12	Соф даромад	минг сўм/ га	180	527,4	930,1	1082,2	601,2
13	1центнер маҳсулотнинг таннархи	Минг сўм/ ц	18,0	15,5	17,6	22,9	127,2
14	1 центнер маҳсулотнинг сотиш баҳоси	Минг сўм/ ц	26,4	34,7	37,2	46,3	175,4
15	Рентабеллик даражаси	%	46,6	124,5	111,4	101,9	2,2 марта кўпайган

<sup>69</sup> Нишон туманидаги “Турдиев Саъдулло” фермер хўжалигининг йиллик хисоботлари асосида хисобланган.

Ушбу фермер хўжалигининг жами 22 гектар экин майдони бўлиб, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Фермер хўжалигининг пахта етишириш бўйича 4 йиллик фаолиятини таҳлил қилганимизда, унинг экин майдони ғалла экин майдонининг кенгайиши ва хўжаликнинг умумий ер майдонининг қисқариши ҳисобига 42 гектардан 10 гектаргacha камайган, аммо ҳосилдорлик даражаси 117,4 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Хўжаликда пахта етиширишда 1 гектар ерга сарфланган харажатларнинг таҳлилига кўра жами харажатлар таркибида хизмат қўрсатиш тармоғининг улуши асосий қисмни ташкил этади, 2002 йилда 38,3 фоизни, 2008 йилда 45 фоизни ташкил қилган ва 17,5 фоизга ошган. Шунингдек, харажатлар таркибидаги ёқилғи-мойлаш материалларининг харажатлари 260,2 фоизга, минерал ўғит харажатлари 260,7 фоизга, уруғлик харажатлари 93,3 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Умуман олганда, 1 центнер маҳсулотнинг сотиш баҳоси 75,4 фоизга ошган бўлса, унинг ўртача таннархи эса 27,2 фоизга ошган, натижада 2008 йилда 2005 йилга нисбатан пахта маҳсулоти етишириш бўйича рентабеллик даражаси 2,2 мартаға кўпайган.

Аграр секторда қишлоқ хўжалиги инфратузилма хизматлари тизимининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва мавжуд муаммоларини аниқлашда анкета сўровнома усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда 2008 йилда Қашқадарё вилояти, Нишон туманининг фермерлари ўртасида анкета сўровнома ўtkазилди, (2.1.4- жадвал).

**Сўровнома ўтказишдан асосий мақсад:**

- фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси томонидан қўрсатиладиган хизмат турларида мавжуд бўлган муаммоларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатадиган қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари ўртасидаги шартномавий

муносабатлардаги камчиликларни аниқлаш ва такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

## 2.1.4 – жадвал

### Қашқадарё вилояти, Нишон тумани фермер хўжаликлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари (респондентлар сони 200 та)<sup>70</sup>

№	Саволлар	Жавоблар	Ҳа	Йўқ	Жавоб беришга кийналгандар
1	<b>ММТПнинг барча хизмат турлари мавжудми?</b>	А. Бизнинг фермер хўжалигимиз учун керак бўлган хизмат турлари мавжу	35	65	-
		Б. Фермер хўжалиги эҳтиёжманд бўлган баъзи хизмат турлари ММТПда йўқ (кайси хизмат турлари эканлигигни кўрсатинг)	65	35	-
		В. Ҳозирги кунда етарли, аммо баъзи хизмат турларини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди (кайси хизмат турлари эканлигини кўрсатинг)	27	46	27
	<b>ММТП хизматида қандай камчиликлар мавжуд?</b>	А. Аксарият техникалар эскирган	100	-	-
		В. Хизмат ҳаки юқори	76	-	24
		Б. Вактида хизмат кўрсатилмайди	48	34	18
	<b>Фермер хўжалигингиз ва ММТП ўртасида шартномавий муносабатлар қандай йўлга кўйилган?</b>	А. Шартномада кўрсатилган ва амалга оширилган барча хизматлар учун пул тўловларини вақтида тўлаймиз	84	7	9
		Б. Шартномага асосан бўнак пул тўланган тақдирда ҳам механизация ишлари ўз вақтида бажарилмайди	26	47	27
		В. Шартнома шартлари талаб даражасида эмас, унга ўзгартиришлар киритиш зарур (нималарни тақлиф қилган бўлар эдингиз?)	32	17	51
	<b>ММТПнинг жойлашув масофаси Сизни қониктирадими?</b>	А. Ҳа, қониктиради	68	14	18
		Б. Фермер хўжалигидан ... масофада жойлашган бўлса, мақсадга мувофиқ бўлар эди (оптимал масофани кўрсатинг)			
	<b>Истиқболда ММТПда хўжалик юритиши шакли қандай бўлиши керак деб хисоблайсиз?</b>	А. Барча машина трактор парклари хусусий бўлиши керак	14	65	21
		Б. Келажакда машина трактор парклари давлат ихтиёрида бўлиши керак	76	8	16
		В. Фермерлар кооперацияси негизида машина-трактор паркларини ташкил этиш	12	14	74
2	<b>СФУ хизматида қандай камчиликлар мавжуд?</b>	А. Мелиоратив иншоотларнинг эскиргани	86	7	7
		Б. Хизмат ҳаки юқори	8	24	68
		В. Сув лимит бўйича тақсимланмайди	68	6	26
		Г. Вактида сув етказилмайди	53	17	30
		Д. Сувни тақсимлаш бўйича қатъий график йўқ	43	27	30
	<b>Фермер</b>	A. Шартномада кўрсатилган ва амалга оширилган	28	57	15

<sup>70</sup>Нишон туманида 2008 йилда ўтказилган сўровнома натижалари.

	<b>хўжалигингиз ва СФУ ўртасидаги шартномавий муносабатлар қандай йўлга кўйилган?</b>	барча хизматлар учун пул тўловларини вақтида тўлаймиз Б. Шартнома шартлари талаб даражасида эмас, унга ўзгаришишлар киритиш зарур (нималарни таклиф қилган бўлар эдингиз?)	12	17	71
	<b>СФУнинг жойлашув масофаси Сизни кониктирадими?</b>	А. Ҳа, кониктиради Б. Фермер хўжалигидан ..... масофада жойлашган бўлса, мақсадга мувофиқ бўлар эди	88	6	6
3	<b>ЁММ, минерал ўғит ва ўсимликларни химоя қилиш воситаларини сотиш шаҳобчаларнинг иш фаолиятида қандай кам чиликлар мавжуд?</b>	A. Ўз вақтида етказилмайди: ёқилғи-мойлаш материаллар минерал ўғитлар ўсимликларни химоя қилиш воситалари  Б. Хизмат ҳақи юқори: ёқилғи-мойлаш материаллар минерал ўғитлар ўсимликларни химоя қилиш воситалари  В. Шахобчаларда зарур булган жиҳоз ва ускуналар йўқ, кўплари эскирган: ЁММ сотиш шахобчаларида Минерал ўғит сотиш шахобчаларида Ўсимликларни химоя қилиш шахобчаларида	67 36 56  65 67 30  23 52 53	14 27 16  6 4 32  54 28 23  23 20 24	19 37 28  29 29 38  23 20 24
	<b>Фермер хўжалигингиз ва ЁММ, минерал ўғит ва ўсимликларни химоя қилиш воситаларини сотиш шаҳобчалар ўртасидаги шартномавий муносабатлар қандай йўлга кўйилган?</b>	A. Шартномада кўрсатилган ва амалга оширилган барча хизматлар учун пул тўловларини вақтида тўлаймиз Б. Шартнома шартлари талаб даражасида эмас, унга ўзгаришишлар киритиш зарур	94	15	1
	<b>ЁММ, минерал ўғит ва ўсимликларни химоя қилиш воситаларини сотиш шаҳобчаларнинг жойлашув масофаси Сизни кониктирадими?</b>	А. Ҳа, кониктиради Б. Фермер хўжалигидан ..... масофада жойлашган бўлса, мақсадга мувофиқ бўлар эди (оптималь масофани кўрсатинг)	64	15	21
	<b>Фикрингизча ушбу шаҳобчаларнинг иш фаолиятини қандай ташкил етиш зарур?</b>	A. Барча шахобчалар давлат карамоғида бўлгани маъқул Б. ЁММ, минерал ўғит ва ўсимликларни химоя қилиш воситаларини сотиш шахобчалари хусусий бўлгани мақсадга мувофиқ бўлар эди	64 12	12 64	24 24

– қишлоқ хўжалиги инфратузилма обьектларини жойлаштиришда фермерларга қулай бўлган оптималь масофани аниқлаш;

– истиқболда қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг мақоми ва хўжалик юритиш шаклини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши.

Тадқиқот жараёнида олиб борилган сўровнома натижаларини умумлаштирилиб, қуйидаги хуносага келинди:

- *муқобил МТП бўйича:*

- анкета сўровлари якуни бўйича маълум бўлдики, муқобил МТПларда фермер хўжаликлари учун керак бўладиган барча хизмат турлари мавжудлиги бўйича савол берилганда 35% ха деб, 65% йўқ деб жавоб берганлар. Ҳозирги кунда аксарият муқобил МТПларда техникаларнинг етишмаслиги сабабли ер текислаш, шудгорлаш каби хизмат турлари йўқлиги қайд этилган;
- муқобил МТПларнинг хизматида қандай камчиликлар мавжудлиги бўйича берилган саволга 100% техникаларнинг эскирганлиги, 76% хизмат ҳақи юқорилиги, 48% вақтида хизмат кўрсатиласлиги қайд этилган;
- фермер хўжалиги ва муқобил МТП ўртасидаги шартномавий муносабатлар қандай йўлга қўйилган деб сўралганда респондентларнинг 84% шартнома пулларини вақтида тўлаймиз деб жавоб бердилар. Шунингдек, сўровномада иштирок этганларнинг 26% аванс тўланган тақдирда ҳам механизация ишлари вақтида бажарилмаслиги, 32% шартнома шартларига ўзгартиришлар киритиш кераклигини таъкидлашган;
- муқобил МТП ўртасидаги масофа Сизни қониктирадими деб сўралганда, респондентларнинг 68% ха деб, 14% йўқ деб жавоб бердилар ва 18% жавоб беришда қийналдилар;
- истиқболда муқобил МТП хўжалик юритиш шакли қандай бўлиши керак деган саволга респондентларнинг 14% хусусий, 76 % давлат қарамоғида ва 12% фермерлар кооперацияси негизида ташкил қилиш керак деб жавоб қилдилар.

- *сувдан фойдаланиши уюшмаларининг фаолияти бўйича:*

- СФУ хизматида қандай камчиликлар мавжуд деган саволга респондентларнинг 86% мелиоратив техникарнинг эскирганлиги, 68% сув лимит бўйича тақсимланмайди, 53% вақтида сув етказилмайди, 43% сувни тақсимлаш бўйича қатъий график йўқлигини эътироф этганлар;

- СФУ ўртасидаги шартномавий муносабатлар қандай йўлга қўйилган деган саволга сўралганларнинг 28% вақтида хизмат ҳақини тўлашини ва 57% вақтида тўламаётганларини айтишган. Шунингдек, 12% шартномаларга ўзгартириш киритиш кераклигини қайд этишган;

- СФУнинг жойлашув масофаси сизни қониктирадими деб сўралганда 88% “ҳа” деб, 6% “йўқ” деб жавоб берганлар.

• *ЁММ, минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиши воситаларини сотиши шахобчалари бўйича:*

- ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сотиши шахобчаларининг иш фаолиятида қандай камчиликлар бор деган саволга ёқилғи -мойлаш материаллари 67%, минерал ўғит бўйича 36%, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари бўйича 56% ўз вақтида етказиб берилмайди деганда “ҳа” деб жавоб бердилар. Хизмат ҳақи юқорилигини ЁММ бўйича 65%, минерал ўғит бўйича 67% ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари бўйича 30% респондентлар эътироф этишган. Респондентларнинг 23% ЁММ, 52% минерал ўғит ва 53% ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сотиши шахобчаларда зарур бўлган бўлган жиҳоз ва ускуналарнинг йўқлиги, кўплари эскирганлиги эътироф этишган;

- шахобчалар билан ўзаро шартномавий муносабатлар қандай йўлга қўйилган деб сўралганда респондентларнинг 94% шартнома тўловларнини вақтида тўлаймиз деб жавоб бердилар, 67% шартнома шартларига ўзгартиришлар киритиш зарур деб жавоб берганлар;

- шахобчалар ва фермер хўжалиги ўртасидаги масофадан қониқасизми деб сўралганда респондентларнинг 64% “ҳа” деб, 12% “йўқ” деб жавоб берганлар ва 21% жавоб беришга қийналганлар;

- ушбу шахобчаларнинг иш фаолиятини қандай ташкил этиш керак деб сўралганда 94% давлат қарамоғида бўлгани маъқул деб, 12% хусусий бўлгани маъқул деб жавоб бердилар.

Кишлок ҳўжалигида ишлаб чиқариш жараёнига инфратузилма тармоғининг таъсирини ўрганиш мақсадида сўровда иштирок этган фермер ҳўжаликларининг молиявий фаолиятининг натижаларига асосланиб, уларнинг ер майдонлари бўйича гурухлаш асосида таҳлил қилиб чиқилди, (2.1.5 – жадвал).

### **2.1.5 – жадвал**

#### **Фермер ҳўжаликлари пахта экин майдони ҳажмининг уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлик кўрсаткичларига таъсири<sup>71</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Экин майдони бўйича гурухлашга			
			20	21 - 50	51 ва ундан юқори	Жами
1	Фермер ҳўжаликлари сони	дона	126	58	16	200
2	Жамига нисбатан уларнинг улуши	%	63	29	8	100
3	Пахта майдони	га	18	45	54	5742
4	Ўртacha ҳосилдорлик	ц/га	26,8	43,9	47,5	37,7
5	1 гектар ерга сарфланган ўртacha харажат	минг сўм/га	807,7	1145,3	1037,1	995,7
6	Ш.ж. хизмат кўрсатиш корхоналарнинг улуши	%	78,6	57, 8	37,4	42,3
7	1 гектар ердан олинган ўртacha даромад	минг сўм/га	1038,5	1528,4	1768	1370,9
8	1 гектар ердан олинган ўртacha соф даромад	минг сўм/га	230,8	383,1	730,9	375,3
9	Рентабеллик	%	28,6	33,4	70,6	37,7

Таҳлилларга кўра, фермер ҳўжаликлари экин майдонлари билан қишлоқ ҳўжалиги инфратузилмасига ажратган харажатлар ўртасида тескари боғлиқлик бор, яъни йирик фермер ҳўжаликларининг аксариятида техникалар

<sup>71</sup> Нишон туманидаги фермер ҳўжаликларининг 2008 йил хисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

мавжуд бўлиб, механизация ишларини ўз вақтида ва сифатли бажаришга эришилмоқда. Фермер хўжаликлари муқобил МТП хизматидан фойдаланиш даврида кўп ҳолларда техникарнинг таъмирталаб эканлиги ёки эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги каби важларга учраш ҳолатлари юзага келмоқда.

Биринчи гурухга пахта экин майдони 20 гектаргача бўлган фермер хўжаликлари кирган ва улар 63 фоизни ташкил этади. Ушбу хўжаликларнинг ер майдоналари ҳажм жиҳатдан кичик бўлиб, ўртacha ҳосилдорлиги ҳам паст 26,8 центнерни ташкил этади. Ушбу хўжаликларда пахта етиширишда сарфланган харажатлар таркибида инфратузилма хизматларининг улуши юқори бўлиб, бу ўз навбатида рентабеллик даражасига ҳам салбий таъсир этган.

Иккинчи гурухга кирувчи фермер хўжаликларида ўртacha пахта экин майдони 45 гектарни ташкил этиб, уларда ўртacha пахта ҳосилдорлиги 43,9 центнерни ташкил этади ва рентабеллик даражаси 33,4 фоиз. Ушбу гурухга кирувчи фермер хўжаликларида инфратузилма корхоналарининг харажатлари жами сарфланган харажатлар таркибида 57,8 фоизни ташкил этади.

Учинчи гурухга кирувчи фермер хўжаликлари 8 фоизни ташкил этиб, ушбу хўжаликларда ўртacha ҳосилдорлик даражаси 47,5 ц/гани ва рентабеллик даражаси пахта хомашёсини ишлаб чиқаришда 70,6 фоизни ташкил этади. Жами сарфланган харажатлар таркибида инфратузилма харажатларнинг улуши 37,4 фоизни ташкил этади.

Аммо, ушбу натижалар қишлоқ хўжалиги инфратузилма хизматидан фойдаланишга эҳтиёж йўқ деган хулосага келмаслик керак, аксинча, уларнинг тури ва миқдорини ошириш, улар ўртасида иқтисодий рақобатни кучайтириш зарур. Чунки, истиқболда фермер хўжаликлари ривожланиши устун даражада инфратузилма тармоғининг ривожланиш даражаси ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатига боғлиқ бўлади.

## 2.2. Қишлоқ хўжалигига инфратузилма объектларининг моддий-техника базаси билан таъминланганлик даражаси

Республикамизда фаолият кўрсатаётган фермер ва дехкон хўжаликларининг мустаҳкам оёққа туриши ва барқарор суръатлар билан ривожланиши учун уларнинг моддий-техника базасини юксалтиришга эътибор қаратиш лозим. Фермер хўжалигининг моддий-техника ресурслари таркибига хомашё, ёқилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, уруғлик ва кўчат, минерал ва органик ўғитлар, ем-хашак ва ёш чорва моллари, техника воситалари ва бошқалар киради.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан замонавий техника ва технологиялар билан қуролланишига боғлиқ бўлиб бормоқда ва бу ҳолат фермер хўжаликларини моддий-техника воситалари билан таъминлаш йўналишларини такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Лекин шу билан бирга фермер хўжаликларининг ривожланиши бевосита унга хизмат кўрсатувчи инфратузилмасининг хизмат сифати билан ўзвий боғлиқдир. Маълумки, инфратузилма субъектларининг хизмат кўрсатиш сифати кўп жиҳатдан уларнинг моддий-техника базаси билан таъминланиш даражасига боғлиқ.

Инфратузилма объектларининг моддий-техника базасига уларнинг бино–иншоотлари, асбоб–ускуналари, техникалар, транспорт воситалари, электрон асбоблар, модемлар, ўлчаш асбоблари ва бошқа инфратузилма муассасаларнинг фаолиятида қўлланилаётган асосий ва айланма воситалардир.

Моддий-техника ресурслари таъминотида ҳамон ихтисослашган корхоналар хиссаси юқори бўлиб, хусусий сектор корхоналари ҳали яхши тараққий этмаган. Қолаверса, минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш бозорини монополиядан чиқариш ва эркинлаштириш чораларини амалга ошириш талаб этилади.

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси Қашқадарё вилоят филиали орқали вилоят бўйича лизинг асосида техника сотиб олишга 190 та талабнома тушган ва жами 76 та трактор ва 114 та хар хил қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг асосида етказиб берилган.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ривожланган қишлоқ хўжалиги инфратузилмасига эга бўлмасдан туриб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бозорга рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, таклиф этиш имконияти пасаяди.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги инфратузилмалари сони йил сайин ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда вилоятда 197 та муқобил МТП, 171 та СФУ, 185 та ЁММ сотиш шахобчалари, 126 та минерал ўғит сотиш шахобчалари, 129 та минибанклар, 53 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш шахобчалари, 249 та зооветеринария хизмати, 34 та ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати, 6 та транспорт хизматлари кўрсатиш ва 5 та тара идиш ва қадоқлаш хизмати мавжуд. Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигида инфратузилма хизматларининг шаклланиши ва ривожланиши асосан давлат кўмаги ва бевосита иштироки ёрдамида амалга оширилмоқда, яъни бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Президент Фармонлари асос бўлмоқда. Хусусан, 2003 йил 24 марта “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги, 2003 йил 27 октябрдаги “2004 – 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги, 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006 – 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги, 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йил давргача хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш қўшимча чора – тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармонлари, “2004- 2006 йилларда

фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476–сонли Қарорларига асосан қишлоқ жойларда сервис ва инфратузилма шахобчалари ташкил этилди. Қишлоқ хўжалигига инфратузилма хизматларининг ташкил этилиши миқдорий жиҳатдан ёндошиб келинмоқда. Шу сабабли, ушбу хизматларни ташкил этиш фақат маъмурий усулда эмас, балки истеъмолчиларнинг ва бозордаги талаб ва таклифларидан келиб чиқсан ҳолда вужудга келиши лозим.

Маълумки, республикамизда нархларнинг либераллашуви натижасида саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархлари ўртасидаги номутаносиблик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг иқтисодий самарадорлик қўрсаткичларига салбий таъсир этмоқда, шунингдек, баъзи турдаги ресурсларнинг, техника воситаларнинг четдан олиб келиниши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг ошишига сабаб бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасида бозор механизмларини ривожлантириш, рақобатни шакллантириш, хизматлар сифатини ошириш учун авваломбор, инфратузилма тармоғининг моддий техника-базасини мустаҳкамлаб бориш зарур.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилма корхоналарининг моддий-техника ресурслар билан таъминланиш даражаси баҳолангандаги куйидаги объектларда ресурсларнинг ҳолати, сифати норматив меъёрга нисбатан мавжудлигига эътибо қаратиш лозим:

- муқобил МТП бўйича: қишлоқ хўжалиги машина, трактор, комбайнлар, машина-трактор паркининг бино–иншоотлари.
- СФУ бўйича: мелиоратив ва гидротехник иншоотлар, сув ўлчагич, насос, коллектор–зовур тизимлари.
- ЁММ ва минерал ўғит сотиши шахобчалари бўйича: маҳсус инвентар, асбоб-ускуна, омборхона, тарози, таралар.

- минибанклар бўйича: зарур инвентарлар, персонал компьютерлар, модемлар.


Шунингдек, ушбу ва бошқа қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси тармоқларининг моддий-техника ресурслар билан таъминланиш даражаси таҳлил қилинганда нафақат техникалар сони, уларнинг турлари, сифати, ишлаган муддати, яроқлилигини балки ҳозирги бозор талабларига жавоб беришини ҳам инобатга олиш зарурдир.

Хукуматимиз томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида ҳар йили фермер хўжаликлирида моддий – техника ресурслари, минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари, техника воситалари ва бошқа воситалар билан таъминлаш, улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш борасида кўпгина амалий ишлар қилинмоқда. Бунинг натижасида ҳар бир вилоятда қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таъминот ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга ижобий таъсир қилмоқда.

Қашқадарё вилояти аграр тармоғида ҳозирги кунда жами 9218 та барча русумдаги тракторлар, 158 та бульдозер, 689 та ғалла ўриш комбайни, 127 та экскаваторлар ва бошқа турдаги техникалар мавжуд бўлиб, асосий техника турларнинг мулкчилик шакли бўйича тақсимланиши кейинги расмда кўрсатилган, (2.1- расм).

2.1-расмдан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги техникаларининг асосий қисми муқобил МТПларда шаклланган. Жами техникаларни турлари бўйича тақсимлаб чиқилганда, жами тракторларнинг 62 фоизи, бульдозерларнинг 49 фоизи, экскаваторларнинг 39 фоизи, ғалла ўриш комбайнларнинг 35 фоизи бевосита мцқобил машина-трактор паркларида мужассамлашган бўлиб, уларнинг мулки хисобланади.

Бугунги қунда муқобил МТПлар фермер хўжаликлирида механизация ишларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда, аммо улар моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган, хизмат муддатини ўтаган, олдинги ширкат



## 2.1 – расм. Қашқадарё вилоятида асосий турдаги техникаларнинг мулкчилик шакли бўйича тақсимланиши<sup>72</sup>

хўжаликларининг техникалари хисобига шаклланганлиги сабабли етарли даражада ва сифатда хизмат қўрсатиш имкони чекланган. Машина-трактор паркларида мавжуд бўлган аксарият техникалар эски, 10–20 йил ва ундан ортиқ хизмат қилган техникалар ташкил этади. Буни биз Нишон тумани муқобил МТП мисолида ҳам кўришимиз мумкин, (2.2.1 – жадвал).

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, муқобил МТПлардаги асосий турдаги техникаларнинг аксарият қисми 20 йил ва ундан ортиқ йилда ишлаб чиқарилган техникалар ташкил этади.

### 2.2.1 – жадвал

<sup>72</sup> Вилоят “Давтехназорат” маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинган ва тузилган.

**Нишон тумани мұқобил МТПларда асосий турдаги техникаларнинг  
ишлаб чиқарылған йиллари бүйича гурухлаш<sup>73</sup>  
(2008 йил ҳолати)**

№	Техника турлари	Техникаларнинг йиллар бүйича тақсимланиши, %				Жами техни- калар сони, дона
		1–5 йилгача	5–10 йилгача	10 – 20 йилгача	20 йилдан юқори	
1	Барча русумдаги тракторлар	6,8	3,6	33,7	55,9	468
2	Шу жумладан хайдов тракторлари	16,3	17,8	48,1	17,8	23
3	Чопик тракторлари	8,8	3,3	31,9	56	277
4	Транспорт тракторлари	3,6	1,7	33,7	61	168
5	Ғалла ўриш комбайни	0	28,6	65,1	6,3	8
6	Чигит екиш сеялкаси	0,6	0	47,5	51,9	89
7	Культиваторлар	6,1	0,8	28,6	64,5	225

Барча русумдаги тракторларнинг 56 фоизга яқини 20 – 30 йил олдин ишлаб чиқарылған тракторлар ташкил этади. Бу ҳолатни ғалла ўриш комбайни ва культиваторларнинг ишлаб чиқариш санасида ҳам кўришимиз мумкин. Мұқобил МТПларда техникаларнинг аксарият қисми эскирганлиги, албатта, уларнинг иш унумига салбий таъсир этади.

Моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган молиявий маблағни шакллантириш эса мұқобил МТПларда катта муаммо бўлиб қолмоқда, чунки уларнинг таъсисчилари ҳисобланган фермер хўжаликларидан хизмат ҳақи сифатида тушаётган маблағлар етарли эмас, шу билан бирга машина-трактор паркларининг молиявий аҳволи ҳозирги кунда бунга йўл қуймайди. Таъсисчиларнинг қўшимча маблағлари ҳисобига уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашнинг механизмлари ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, фермер хўжаликларининг ер майдони ҳажм жиҳатдан жуда кам бўлиб, техника салоҳиятини яхшилаш учун имкон бермайди. Шу сабабли, фермер хўжаликларини оптимал жойлаштириш ва ҳажмини катталаштириш зарур деб ҳисоблаймиз.

<sup>73</sup> Вилоят “Давтехназорат” Нишон тумани бўлими маълумотлари асосида ҳисобланган.

Умуман олганда, Нишон тумани бўйича пахта ва ғалла етиширишда ишлатиладиган техникаларнинг 1000 гектар экин майдони ҳисобига меъёр бўйича ҳисоблаганимида асосий турдаги техникаларнинг етишмаслиги аниқланди, (2.2.2 - жадвал).

2.2.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Нишон туманида пахта ва ғалла етиширишда ишлатиладиган техникаларнинг айрим турлари етишмайди. Мисол учун ҳайдов тракторлари меъёрга нисбатан 10 та кам, чопик тракторлари 79та, чигит экиш сеялкаси 154 та, ҳамда 87 та дон экиш сеялкасига талаб мавжуд. Аммо ғалла ўриш комбайни меъёрга нисбатан 18 та ортиқ бўлмоқда. Демак, келажакда фермер хўжаликларида механизация ишларини кенгайтириш мақсадида меъёрга нисбатан кам бўлган техникаларни харид қилишга эътибор беришимиз зарур.

Лизинг муносабатларини кенгайтириш қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда устувор йўналиш ҳисобланади. Ҳукуматнинг 2002 йил 2 ноябрдаги «Лизинг бўйича қишлоқни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар хақида»ги Қарори билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларни, шу жумладан, фермер хўжаликлариға қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг бўйича етказиб бериш механизми ишлаб чиқилган. Кейинги йилларда лизинг тўғрисидаги меъёрий хужжатларда 40 дан зиёд ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Бунинг натижасида лизинг муносабатлари такомиллашмоқда: 2007 йилда лизинг муддати 7 йилдан 10 йилга узайтирилди, лизинг бозорида лизинг компаниялари билан бирга тижорат компаниялари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида лизинг бозорида рақобатнинг кучайишини олиб келади. Аммо, таҳлилларга кўра муқобил МТПларида лизингдан фойдаланиб техникалар харид қилиши етарли даражада ривожланган деб бўлмайди.


## 2.2.2 – жадвал

**Нишон туманида қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган асосий турдаги техникаларга  
бұлған талабни<sup>74</sup>**

№	Техника турлари	Жами техникалар сони	шу жумладан			1000 гектар хисобига		Фарқи +;-	Талаң қилинади
			муқобил МТП ва МТП ДАЖ	фермер хұжаликларида	бошқа хұжалик юритувчи субъектларда	хақиатда	меңгер бүйіча		
1	Хайдов тракторлари	115	53	57	5	2,57	2,80	-0,23	10
2	Чопик тракторлари	457	277	165	15	10,22	12,00	-1,78	79
3	Чигит экиш сеялкаси	144	89	53	2	6,43	13,30	-6,87	154
4	Дон экиш сеялкаси	20	20	0	0	0,90	4,80	-3,90	87
5	Фалла ўриш комбайни	63	31	30	2	2,83	2,00	0,83	-18

<sup>74</sup> Нижон тумани “Давтхазорат” 2008 йил маңлумотлари асосида мұаалиф томонидан хисоблаб чиқылған.

2002-2008 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва инфратузилма соҳаларига 1689 та турли хилдаги қишлоқ хўжалиги техникалари етказилган. Аммо кейинги йилларда муқобил МТП ва МТП ДАЖ корхоналарининг иқтисодий салоҳияти етишмаслиги сабабли лизинг асосида техникаларни харид қилиш суръати пасайган, (2.2 - расм).



**2.2 – расм. “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акционерлик лизинг компанияси (АЛК) Қашқадарё вилоят филиали томонидан етказилган техникалар сони<sup>75</sup>**

Тахлилларга кўра, 2002 йилда асосан ширкат хўжаликлари техникаларни лизинг асосида харид қилишган бўлса, 2008 йилга келиб лизинг асосида харид қилинган техникаларнинг асосий қисми фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси ҳиссасига тўғри келади.

Маълумки, битта хўжалик худудида фойдаланиб келинган хўжалик ички каналлари, ундаги гидротехник иншоотлари ва мелиоратив техникалар, мол – мулкларидан фойдаланадиган бир нечта субъектлар пайдо бўлганлиги сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ташкил этиш заруриятини келтириб чиқарди.

<sup>75</sup> “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Қашқадарё вилоят филиали маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил килинган ва ишлаб чиқилган.

Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси мустақил юридик шахс хисобланиб, ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби тамойиллари асосида олиб боради. СФУ ўзи сотиб олган, курган ва унинг балансига ўтказиб берилган барча (сув хўжалиги объектлари ва бошқалар) мол – мулклар унинг моддий-техника базасини ташкил этади. У хизмат кўрсатадиган худуддаги ирригация – мелиорация тармоқлари ва унда жойлашган гидротехник иншоотлар шулар жумласидандир. Мелиоратив ва гидротехник техникаларга экскаватор, бульдозер, скрепер, дренаж ювиш агрегатлари, автотранспорт, юк қўтариш кранлари, бино ҳамда қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари худудидаги сув хўжалиги объектлари ва бошқа мол – мулк киради.

Ички хўжалик объектларига қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари тасарруфидаги суғориш ва коллектор – дренаж тармоқлари, гидротехника иншоотлари, насос станция ва агрегатлари, суғориш ва дренаж қудуқлари, уларнинг электр узатиш тармоқлари, ёрдамчи трансформатор станциялари ҳамда ички хўжалик мақомига эга бўлган сув хўжалиги объектларидан фойдаланишга оид бошқа иншоотлар киради.


Маълумки, СФУларнинг аксарият қисми муқобил МТПлар каби собиқ ширкат хўжалиги худудида ташкил топган бўлиб, уларнинг ирригация ва мелиорация тармоқлари эндиликда фаолият кўрсатаётган СФУнинг мулки ҳисобланади. Уюшма шу тармоқларни ишлатиш ва ишчи ҳолатда саклашни ўз зиммасига олган. Тугатилган хўжаликнинг балансида бўлган оғир техника ва маъмурий бино айрим СФУлар ихтиёрига берилган. Лекин кўпчилик уюшмаларнинг моддий-техника базаси қониқарсиз аҳволда. Бу эса сувдан фойдаланувчиларга самарали ва сифатли хизмат кўрсатиш имкониятини пасайтиради. СФУларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида хукуматимиз томонидан бир неча чора–тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

тизимини тубдан такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 3932 фармонига кўра суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш 2008 – 2012 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устивор йўналишларидан бири сифатида сув хўжалиги ва СФУларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мелиорация техникаси саройини янгилаш белгиланди. Шунингдек, суғориладиган ерларнинг ҳозирги аҳволини таҳлил қилиш, бор бўлган дренаж тармоқлари ва улардаги иншоотларни ҳамда СФУлар дренаж тармоқларини ҳисобга олиб, таъмирлаш-тиклашга доир амалий ишларни бажариш белгилаб олинган:

- вилоятлараро, туманлараро ва хўжаликлараро коллекторлар қуриш ва реконструкция қилиш учун 288906,4 млн сўм маблағ ажратиш;
- мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш учун 211423,4 млн сўм маблағ ажратиш;
- маҳсус қурилиш ва эксплуатация ташкилотлари ҳамда СФУлар моддий-техника базасини яхшилаш учун 1038747,0 млн. сўм ажратиш.

Таҳлилларга кўра 2008 йилда вилоят туманларида жойлашган сувдан фойдаланувчилар уюшмаларидаа жами 281 та ҳар хил турдаги техникалар мавжуд бўлиб, шундан 30 та экскаватор, 27 та бульдозер, 43 та автомобиль, 105 та трактор ва 75 та бошқа турдаги техникалар ирригация – мелиорация ишларини бажаришга жалб этилган. Аммо туманлар кесимида уларнинг жойлашувини таҳлил қилиб чиққанимизда, техникалр нотекис тақсимлаб чиқилганлиги аниқланди, (2.3–расм).

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Нишон, Чироқчи, миришкор, Китоб туманлардаги СФУларда техника сони ва тури ҳам кам бўлиб, фермер хўжаликларига сифатли хизмат кўрсатишга салбий таъсир этиб келмоқда.




### 2.3 – расм. Қашқадарё вилояти туманларида жойлашган СФУларда мавжуд техникалар таркиби<sup>76</sup>

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ва сугориладиган майдонни ҳисобга олган ҳолда, уюшмаларга қўшимча 358 та техника кераклиги аниқлаб чиқилди. Таҳлилларга кўра, Ғузор, Қамаши, Нишон туманларида экскаватор, бульдозер, автомобиль каби техникалар умуман мавжуд эмас, бошқа туманларда талабга нисбатан жуда камлиги эътиборга олиниб, туманларда жойлашган сувдан фойдаланувчи уюшмаларга зарур бўладиган техника турлари ва сони аниқлаб чиқилди, (2.4–расм).

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, муқобил МТП ва СФУларнинг таъсисчилари фермер хўжаликлари ҳисобланади, шу сабабли ушбу ташкилотларга тегишли мулк, шунингдек, уларнинг аъзолари ҳисобланган фермерларнинг мулки ҳам ҳисобланади.

<sup>76</sup> Аму – Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



**2.4 – расм. Қашқадарё вилояти туманлари кесимида СФУларда талаб қилинадиган техникалар таркиби<sup>77</sup>**

Ўтказилган тадқиқотларга кўра, фермерларнинг муқобил МТП ва СФУларнинг моддий-техника базаси билан таъминланганигини таҳлил қилганимизда кейинги йилларда ушбу кўрсаткичлар ўзгариб бораётгани аниқланди, (2.2.3– жадвал).

Муқобил МТПларнинг моддий-техника базасини фермер хўжаликлари сонига нисбатан тақсимланганида 2002-2008 йиллар давомида 3,6 мартага, ер майдонига нисбатан 4,4 мартага ва ишловчилар сонига нисбатан 4,3 мартага кўпайган. Аммо СФУлар бўйича ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилганимизда тескари ҳолатни кўришимиз мумкин.

<sup>77</sup> Аму – Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

### 2.2.3- Жадвал

**Қашқадарё вилояти муқобил МТП ва СФУ таъсисчиларини моддий – техника базаси билан таъминланиш даражасининг таҳлили<sup>78</sup>**

Йиллар	ММТПнинг моддий-техника базасининг тақсимланиши			СФУнинг моддий-техника базасининг тақсимланиши		
	фермер хўжаликлари сонига нисбатан, минг сўм/ дона	фермер хўжаликлари ер майдонига нисбатан, минг сўм/га	фермер хўжаликларининг ишловчилар сонига нисбатан, минг сўм/ киши	фермер хўжаликлари сонига нисбатан, минг сўм/ дона	фермер хўжаликлари ер майдонига нисбатан, минг сўм/га	фермер хўжаликларининг ишловчилар сонига нисбатан, минг сўм/ киши
2002	159,794	5,359	25,551	305,178	10,234	48,798
2003	212,362	7,260	28,916	342,406	11,706	46,624
2004	247,931	9,370	37,415	346,539	11,238	44,875
2005	345,946	13,073	59,414	260,570	9,847	44,751
2006	456,399	20,151	87,569	192,904	8,517	37,012
2007	584,866	24,286	110,694	253,033	13,537	25,445
2008	572,644	23,785	109,370	181,970	7,558	34,755
<b>Ўзгариши</b>	<b>3,6 марта кўпайди</b>	<b>4,4 марта кўпайди</b>	<b>4,3 марта кўпайди</b>	<b>1,7 марта камайган</b>	<b>1,4 марта камайди</b>	<b>1,4 марта камайди</b>

<sup>78</sup> Аму – Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ва Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бунда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг фермер хўжаликлари сонига нисбатан тақсимлаб чиқилганда таҳлил қилинаётган давр мобайнида 1,7 мартаға, ишловчилар сонига нисбатан 1,4 мартаға камайган. Бунга сабаб СФУларнинг аксариятида моддий–техника базаси эскирганлиги ва уни янгилаш учун маблағнинг етишмаслигидир.


Шу сабали, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ–3932-сонли фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, 2008 йилда Ихтисослаштирилган қурилиш ва эксплуатация ташкилотлари, СФУларни мелиорация техникалари билан таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган лизинг компанияси ташкил этилди. Лизинг компаниясининг асосий вазифаси–мелиорация техникасини, жумладан, лизинг шартлари асосида маблағлар ажратиш йўли билан сув хўжалиги ташкилотларининг моддий–техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган чора – тадбирларни амалга оширишдир.

Ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун харажатларин тежаш эмас, аксинча ресурслар самарадорлигини ошириш эвазига эришиш технологиясига ўтилган. Умуман олганда иқтисодиётнинг фундаментал муаммолардан бири–бу чекланган ресурслар доирасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришда минерал ўғит ва кимёвий воситалар муҳим аҳамиятга эга, аммо минерал ўғитлар самарадорлиги нихоятда паст бўлмоқда, бу эса қишлоқ хўжалигида интенсивлаштириш даражасига салбий таъсир этмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кимёлаштириш орқали интенсивлаштиришда ўсимликларга ҳам бевосита ва билвосита таъсир этади, ишлов бериш усувлари ва агротехник тадбирлар билан бирга тупроқнинг иқтисодий унумдорлик даражасини ошириб бориш, меҳнат сарфларини камайтиришга, сарфланган ресурслар ҳисобига олинадиган маҳсулот микдорини кўпайтиришга олиб келади. Шу боис, “Қишлоқхўжаликкимё” худудий

бирлашмалари таркибидаги хизмат кўрсатувчи шахобчаларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу шахобчаларнинг моддий–техника базасини мустаҳкамлашда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши турли ижтимоий – иқтисодий тадбирларининг амалга оширилишини кўзда тутувчи, атроф–мухит экологияси бузилмаслигини инобатга олувчи кимёлаштиришнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиши, бозор муносабатлари талабларига таркибий ва функционал жиҳатдан тўғри келувчи агрокимё сиёсатини амалиётга жорий этиш мумкин. Ҳозирги кунда “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий бирлашмалари таркибидаги хизмат кўрсатувчи шахобчаларнинг техника воситаларининг катта қисми 10 – 15 йил олдин олинган техникалар ташкил этади ва уларнинг маълум бир қисми жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган, бундан ташқари омборхоналарнинг кўплари таъмирталаб ҳолатга тушиб қолган. Ҳозирги кунда вилоят “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамият тасарруфида жами 634 та барча турдаги техника воситалари мавжуд бўлиб, шундан 560 таси, яъни жами техникаларнинг 88 фоизи минерал ўғит ташиш ва агрокимёвий хизмат кўрсатища, қолган техникаларнинг 26 таси омбор хўжаликларда, 39 таси филиал биносида ва 6 таси вилоят ҲАЖда хизмат кўрсатмоқда, (2.5- расм).

Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда жамият ўзининг моддий–техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор бермоқда, хусусан “Тошкент трактор заводи” очик ҳиссадорлик жамияти билан тузилган шартномага биноан 2007 йилда 19 та ТТЗ-80-10 русумдаги ва 19 та 2ПТС-793А русумдаги техникаларни, 2008 йилда тўғридан-тўғри шартнома асосида 4 та тиркама ва 40 та пуркагич сотиб олинди. Бу эса ўз навбатида моддий–техника базани янгилаб боришга ва хизмат сифатини оширишга кўмаклашади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, хизмат кўрсатиш шахобчаларида жами 560 та ҳар хил турдаги техника воситалари мавжуд, аммо шундан 474 таси яроқли ва 86 та техника воситалари таъмирталаб

холатда эканлиги аниқланди. Жамиятга тегишли техникаларнинг асосий қисми минерал ўғит ташиш ва агрокимёвий хизмат кўрсатишида қатнашади, қолганлари эса омбор хўжаликлари ва филиал биноларида хизмат кўрсатиб келмоқда, (2.6 – расм).




**2.5– расм. Қашқадарё вилоят ҳудудий акциядорлик жамият тасарруфидаги техникалар таҳлили (2008 йил ҳолати)<sup>79</sup>**

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, минерал ўғит билан таъминлаш шахобчаларида мавжуд техникаларнинг асосий қисми яроқли, аммо культиваторларнинг 70 фоизи, юк автомашиналарнинг 45 фоизи яроқсиз бўлиб, ушбу техникаларга бўлган талабни қондириш йўлларини излаб топиш лозим.

ЁММ сотиш шахобчаларнинг моддий-техника воситалари билан таъминланиш даражасини таҳлил қилинганда юқоридаги ҳолатни кўришимиз мумкин, яъни бунда ҳам яроқли мулкнинг бир қисми собиқ ширкат хўжаликлари балансидаги техникалар ҳисобидан шаклланган.

<sup>79</sup> Қашқадарё вилоят “Кишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамияти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Нафақат муқобил МТП, СФУ, минерал ўғит ва кимёвий воситаларни сотиши шахобчаларнинг моддий-техника базаси талаб даражасида эмас, балки



**2.6 – расм. Минерал ўғит ташиш ва агрокимёвий хизмат кўрсатиши шахобчаларида соз ва носоз техникалар таркиби<sup>80</sup>**

қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг бошқа турларида ҳам шу ахволни кўришимиз мумкин.

Жойларда ташкил этилаётган минибанклар асосан мослаштирилган биноларда жойлашган, бирортаси ҳам замонавий лойиха асосида қурилган бинога эмас. Вилоятимизда мавжуд 129 та минибанқдан 110 тасида модем бор, лекин қишлоқ жойларда телекоммуникация соҳаси яхши ривожланмаганлиги сабабли бош банк билан алоқа ўрнатиши чеклангангандир. Натижада кўп банклар фермерларга талаб даражасидаги хизмат кўрсатиши имконига эга эмас, яъни иш ҳақига нақд пул тўлаш учун

<sup>80</sup> “Кишлоқхўжаликкимё” ҲАЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинган ва ишлаб чиқилган.

шароит яратиш, ҳисоб – китобларни охиригача амалга ошириш каби хизматларни ўз вақтида бажаришда бир неча муаммолар юзага келмоқда.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилма тармоқларининг моддий – техника базасини мустаҳкамлашда, албатта, инфратузилма обьектлари жойлашган худуднинг ихтисослашуви, табиий–шароитлари, экин экиладиган майдоннинг ҳажмини, тупроқнинг механик ва таркибий хусусиятларини ҳамда бошқа табиий – иқтисодий омилларни ҳисобга олиш зарур.

Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги инфратузилма обьектлари моддий–техника базасини мустаҳкамлаш қўйидаги йўналишларда олиб борилиши тақозо этилади:


- қишлоқ хўжалиги инфратузилма обьектлари моддий–техника базасини мустаҳкамлашда давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириб бориш ва давлат аралашувини камайтириш;
- четдан келадиган ресурслар ва техника воситаларини маҳаллийлаштириш;
- хизмат кўрсатиш ва таъминот тизимида рақобат мухитини яратиш;
- лизинг, ипотека, франчайзинг ва имтиёзли кредитлардан фойдаланиш.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилма обьектларининг моддий–техника базасини мустаҳкамлаш натижасида қишлоқ хўжалиги, унга хизмат кўрсатиш ва таъминот йўналишидаги соҳалар ўртасида мустаҳкам иқтисодий алоқани йўлга қўйилиши, қишлоқ хўжалиги тармоғини барқарор ривожланиши ва иқтисодий самарадорлиги ошиб бориши таъминланади.

## 2.3. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси объектларини молиялаштириш тизимлари

Ҳар бир корхона ўзининг хўжалик молиявий фаолиятини амалга ошириш учун пул маблағларига эҳтиёж сезади. Тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш – бу оддий ва кенгайтирилган молиявий таъминотнинг турли хил шакл ва услублари, принцип ва шароитларнинг йифиндисидир. Молиялаштириш деганда корхонада пул маблағларнинг барча шаклларда шаклланиши тушунилади. Бозор шароитида қўпгина корхоналар олдида молиялаштириш манбаларини излаб топиш ва танлаш муаммоси мавжуд. Молиялаштириш манбаларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан соҳанинг ўзига хос хусусиятига, мамлакатдаги хуқуқий нормативларга ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ.

Барча корхоналар учун молиялаштириш манбалари икки турга бўлинади: ташқи ва ички манбаларга, (2.7 - расм).



**2.7 - расм. Корхонани молиялаштириш манбалари.**


Корхона учун молиялаштиришнинг ички манбаларида бир нечта муқобил варианtlар мавжуд: тақсимланмаган фойда, ҳиссадорлик жамиятлар учун акция ва пай улушларини чиқариш, истеъмол ва жамғарма фондлари, мақсадли молиялаштириш ва бошқалар.

Ҳозирги кунда инфратузилма шахобчаларнинг ўз–ўзини молиялаштиришда имкониятлар чекланган, чунки инфратузилма шахобчаларда П-Т-П кўринишдаги иқтисодий тизим яхши йўлга қўйилмаган, моддий-техника ресурсларининг етишмаслиги сабабли қўшимча хизмат турларини кенгайтириш имкониятлари чекланган. Натижада жойлардаги қишлоқ хўжалиги инфратузилма шахобчаларининг оладиган фойдалари молиялаштиришнинг ишончли манбаси бўлиши мумкин эмас. Лекин шу билан бирга шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, фермер хўжаликлари давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан имтиёзли ривища кредит ажратиб келинмоқда.

Маълумки, 2003 йил ҳосилидан бошлаб тажриба тариқасида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларини ушбу маҳсулотларни етиштириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришнинг транш тизими усулидан имтёзли кредитлаш усулига ўтила бошланди. Имтёзли кредитлаш тизими дастлаб 4 та, 2004 йилдан бошлаб 8 та вилоятда тажриба сифатида қўлланилган бўлса, 2005 йил ҳосилидан бошлаб барча вилоятлардаги фермер хўжаликлирида жорий этилди. Ажратиладиган кредитнинг асосий қисми айнан инфратузилма шахобчаларига ўтказиб келинмоқда. Айниқса кейинги йилларда минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш шахобчаларга ажратиладиган маблағ кескин ошиб бормоқда.

Буни биз Нишон тумани “Турдиев Сайдулло” фермер хўжалиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин, (2.8–расм). Ушбу фермер хўжалиги 2005 – 2008 йиллар давомида давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган пахта ва

ғалла маҳсулотларини молиялаштириш учун жами 18658,2 минг сўм микдорда имтиёзли кредит олган.



## 2.8 – расм. Нишон тумани “Турдиев Саъдулло” фермер хўжалигида давлат эҳтиёжлари учун олинган кредитнинг тақсимланиши<sup>81</sup>

Таҳлилларга кўра, фермер хўжалигида давлат эҳтиёжлари учун олинган кредитнинг 81 фоизга яқини бевосита ўғит ва ёқилғига сарфланмоқда ва бу кўрсаткич ушбу ресурсларнинг нархи кескин ошиб бориши натижасида ўсиш тенденциясига тенг.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2006 йил 24 ноябрдаги ПҚ-515-сонли “2007 йилда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карорига асосан “Ўзкимёсаноат” давлат акционерлик компанияси, “Қишлоқхўжаликкимё” худудий акционерлик жамиятлари 2007 йилда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига шартнома мажбуриятларини

<sup>81</sup> Нишон тумани “Турдиев Саъдулло” фермер хўжалигининг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

бажариши учун мўлжалланган минерал ўғитнинг белгиланган ҳажмлари учун ҳар бир етказиб бериладиган маҳсулот қисми ҳақининг 75 фоизини олдиндан тўлаш шарти билан сотилишини таъминлаш, узил-кесил ҳисоб-китоб эса маҳсулот тўлиқ етказиб берилганидан сўнг 60 кун мобайнида амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган ва бу тўловлар имтиёзли кредит билан қопланмоқда.

Корхонани молиялаштиришнинг ички манбаларига шунингдек, устав капитали, яъни акция, пай улушларини чиқариш ҳисобига олинадиган фойда киради. Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш тармоғида “Қишлоқхўжаликкимё” ва туманлардаги машина-трактор парклари – акционерлик жамиятлар ҳисобланади, лекин уларда акцияларнинг асосий қисми давлат ва корхона ишчилари қўлида жамланган. Мисол учун Қарши туман МТПда акция пакетларининг тақсимланишини таҳлил қилганимизда, маълум бўлдики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги 3202-сонли фармонига асосан 2003 йилнинг 9 декабридаги давлат мулки қўмитаси Қашқадарё вилоят бўлимининг 692-сонли буйруги билан жамият низом жамгармаси 51057,7 минг сўм микдорда белгиланган, шундан акциялар пакети қўйидагича тақсимланган: жамоа улуши 10% - 2220 дона акция (5106,0 минг сўм), Қашқадарё вилоят МТП ОАЖ устав фондини шакллантиришга ажратилган давлат улуши 35% - 7770 дона акция (17871 минг сўм), қишлоқ хўжалиги корхоналарига сотишга ажратилган улуш 30% - 660 дона акция (15318 минг сўм) ва эркин савдога 25 % - 5549 дона акция (12767,7 минг сум). Бунда акцияларнинг асосий қисми давлат қўлида мужассамлашган.

Акционерлик жамиятининг аъзолари, яъни акционерлар унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар ва корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган, сотиб олган акциялар микдорида зарар қўриш хавфлари бўлади. Бозор шароитида кўпгина корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилди, шу жумладан “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акционерлик

жамияти ва туман МТП акционерлик жамиятлари ҳам давлат мулкидан жамоа мулкига айлантирилди.

Республиканинг Самарқанд вилоятида агрофирмада таъсисчилар сони 100 кишидан ортиқ бўлса, акционерлик жамиятга айлантирилган. Молиялаштиришнинг ушбу услубини муқобил МТП ва СФУ фаолиятида ҳам кўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки қайта ташкил этилган ширкат хўжаликлари худудидаги муқобил МТП ва СФУларнинг таъсисчилари сони баъзиларида 30 – 40 кишини, баъзиларида эса 100 дан ортиқ кишини ташкил этмоқда. Бу эса ўз навбатида уларга мулкий бошқарув масаласини ҳал этишга ҳам ёрдам беради.

Хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилганимизда, молиялаштиришнинг ташқи манбалар ичида облигациялар эмиссияси катта ўрин тутади. Ривожланган мамлакатларда жами корхона қимматли қоғозлар эмиссияси ҳажмида 10 – 15 фоиздан 60 – 65 фоизгача корхона облигациялар ҳажми эгаллайди. Аммо қимматли қоғозлар эмиссияси – ўта мураккаб ва кўп харажат талаб этадиган жараёндир. Айни вақтда республикада қимматли қоғозлар бозори инвестиция киритадиган даражада ривожланган деб бўлмайди.

Банк кредитлари фаолиятни молиялаштиришнинг кенг тарқалган услубларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда кредит ресурсларнинг манбай сифатида тижорат банклар, шунингдек бюджетдан ташқари фондлар – Мехнат вазирлиги қошидаги бандликга кўмаклашиш фонди, Бизнес – фонд, Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси қошидаги дехқон ва фермер хўжаликларини ривожланишига кўмаклашиш жамғармалари, кредит уюшмалари, шунингдек, чет эл ва халқаро молия институтларининг кредит маблағлари ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектларини кредитлаш – қайтариш, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланиш шартлари асосида тижорат банклари томонидан амалга

оширилмоқда. Бозор шароитида паст рентабелли ва зарар билан ишлаётган корхоналарга кредит ажратилмайди.

Кредитлар максад ва муддатидан келиб чиқкан ҳолда қуидаги турларга бўлинади:


- ликвидлилик муаммосини ҳал этиш ва айланма маблағларни харид қилиш учун мўлжалланган қисқа муддатли кредитлар – 1 – 1,5 йилгача;
- корхонани модернизациялаш ва реконструкциялаш, янги технологик жараёнларни ва янги маҳсулотларни жорий этиш билан боғлиқ бўлган жараёнларни молиялаштиришга мўлжалланган 1 йилдан 5 йилгача бўлган кредитлар – ўрта муддатли кредитлар:
  - ишлаб чиқариш ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган обьектларни куриш, реконструкция қилиш, техник жиҳатдан қайта қуролланишини молиялаштириш учун ажратилган маблағлар. Кредитнинг бу тури 5 йил ва ундан ортиқ даврга ажратилиш белгиланган.

2008 йилда вилоятда инфратузилма обьектларига техника воситаларини, эҳтиёт қисмларни, кимёвий воситаларни харид қилиш ва кредитор қарздорликларини тўлаш учун факторинг хизмати сифатида жами 3888718 минг сўмлик кредит ажратилган бўлиб, қуидагича тақсимлаб чиқилган:

- МТП давлат акциядорлик жамиятига – 2909599 минг сўм;
- муқобил ва МЧЖ МТПларга – 440000 минг сўм;
- “Қишлоқхўжаликкимё” ҲАЖ туман филиалларига – 294625 минг сўм;
- ўсимликларни ҳимоя қилиш марказларига – 244494 минг сўм.

Ажратилган кредитнинг асосий қисмидан муқобил МТП ва МТП ДАЖ фойдаланган, (2.9–расм).

Ҳозирги вақтда жаҳон тажрибисидан келиб чиқкан ҳолда, лизинг молиялаштиришнинг замонавий ва самарали усусларидан бири ҳисобланади.



## **2.9 – расм. Қашқадарё вилояти тиҷорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги инфратузилмасига ажратилган кредитнинг тақсимланиши<sup>82</sup>**

У орқали ҳар қандай корхонанинг моддий–техника базасини мустаҳкамлаш учун йирик маблағларни жалб этиш мумкин. Молиялаштиришнинг бошқа услубларига кўра лизинг бир қатор афзаликларга эга:

*биринчидан*, лизинг орқали ижарага оловчи корхонада бир вақтнинг ўзида ўз тассаруфидаги маблағни жалб қиласдан ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш ва техниканинг иш сифатини ошириш имконияти пайдо бўлади;

*иккинчидан*, юқори ликвидликка эга бўлган айланма маблағларнинг тақчиллик муаммосини юмшатади, мол – мулкни сотиб олиш харажатлари шартнома амал қилиш даври мобайнида бир текисда тақсимланади;

*учинчидан*, ижара тўловлари асосан техникадан фойдаланиш натижасида олинган фойда ҳисобидан қопланади;

*тўртинчидан*, лизинг орқали лизингга оловчи маълум бир давр мобайнида маънавий эскираган техникаларни янгилаш имконини беради;

<sup>82</sup> Вилоят Марказий банк бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

*бешинчидан, мол – мулкни молиявий лизинг орқали харид қилинганда кредитдан фарқли равища лизинг объектининг ўзи таъминот сифатида кўйилади;*


*олтинчидан, лизинг тўловлари белгиланган график орқали амалга оширилиши сабабли, лизингга олувчи корхона капитал қўйилмаларни молиялаштиришга кетадиган харажатларни ва маҳсулотларни сотишдан келадиган даромадларни йўналтириш имконини беради.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 240 – сонли “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора–тадбирлари тўғрисидаги” Қарори асосида, лизинг операцияларини амалга оширилишини молиявий жиҳатдан қўллаб – кувватлаш мақсадида Молия вазирлиги ҳузурида маҳсус жамғарма тузилди ва у томонидан “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” лизинг компаниясига мунтазам равища қарз маблағлари ажратилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига лизингнинг икки тури мавжуд: молиявий ва оператив лизинг. Лизингнинг ушбу турлари ўзига хос бўлган хусусиятлар билан ажралиб туради. Молиявий лизингда лизингга олувчининг талабига биноан лизинг компанияси техника харид қиласи ва лизинг муддати узоқ муддатли бўлиб, муддати тугагандан сўнг лизинг олувчининг мулкига айланади. Оператив лизингда техникалар одатда лизинг компаниясида мавжуд бўлган техникалардан ижарага берилади, унинг муддати техникаларнинг хизмат қилиш муддатларидан анча кам бўлади ва техникалар бир неча марта лизингга берилади.

Ҳозирги кунда республикамизда лизингнинг асосан молиявий тури ривожланган. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, инфратузилма субъектлари, асосан муқобил МТП ва МТП ДАЖларнинг иқтисодий салоҳияти пасайганлиги ва техникаларнинг харид қиймати кескин ошганлиги сабабли техникаларни лизингга олишда муаммолар пайдо бўлмоқда. Мисол учун, 2002 йилда ТТЗ 80 – 11 тракторнинг харид қиймати 9392,9 минг сўмни

ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб унинг қиймати 32713,2 минг сўмни ташкил этди, яъни деярли 3,4 баробар ошганлигини қўришимиз мумкин. Натижада қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси томонидан лизингга олинган техникалар сони ва унга ажратилган маблағ миқдори кескин пасайиб борган, (2.10–расм).



**2.10 – расм. “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Қашқадарё вилоят филиали орқали олинган техникаларнинг молиялаштирилиши<sup>83</sup>**

Таҳлилларга кўра, Қашқадарё вилоятида 2008 йилда 2002 йилга нисбатан, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси томонидан лизинг асосида олинган техникаларни “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК томонидан молиялаштириш учун ажратилган маблағ миқдори 14 баробарга камайган, яъни 2002 йилда олинган техникаларни молиялаштирилишига 2421376,8 минг сўм маблағ ажратилган бўлса, 2008 йилда 172203,0 минг сўмлик маблағ ажратилган.

<sup>83</sup> “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Қашқадарё вилоят филиали маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинган ва ишлаб чиқилган.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси фаолиятини ривожлантиришда амортизация харажатлари ва илмий–тараққиёт талабларидан келиб чиқкан ҳолда, ушбу соҳага маълум бир инвестицияларни жорий этишни талаб этади. Инфратузилма объектларининг моддий–техника базасини мустаҳкамлашга сарфланган сармоя, албатта, иқтисодий самарадорлигини оширишга йўналтириш лозим.

Самарадорлик–халқ хўжалигининг барча тармоқларида ривожланишини белгиловчи категориялардан бири ҳисобланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир даражасини ажратиб олишнинг имкони деярли йўқлиги сабабли, инфратузилма тармоқлари фаолиятининг самарадорлигини тўғридан – тўғри микдорий жиҳатдан аниқлаш бирмунча мураккабдир. Инфратузилманинг мутлоқ самараси асосан унинг йўқлиги натижасида бўладиган харажатларнинг олдини олишдан иборатdir.

Инфратузилманинг ривожланишига киритиладиган инвестицияларнинг самарадорлигига баҳо беришда турли хил услублар қўлланилади. Хорижда “харажат – даромад” (cost - benefit) услуби кенг қўлланилиб келинмоқда.

Унинг моҳияти шундан иборатки, инвестиция фаолиятининг натижасини характерловчи, ижтимоий ва иқтисодий қўрсаткичлар тизимини ҳисобга олиб, инвестицияларнинг самарадорлигини ва мамлакатнинг иқтисодий ўсишга таъсирини асослаш ҳисобланади. Бу услубнинг афзаллиги шундаки, бу услубни нафақат микродаражада, яъни алоҳида корхона мисолида, балки инфратузилмага йирик дастурлар асосида киритиладиган инвестицияларнинг макроиқтисодий даражада ҳам таҳлил қилиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш ва унинг моддий– техника базасини мустаҳкамлашга сарфланган сармоя ушбу соҳанинг иқтисодий самарадорлигини оширишга йўналтирилиши лозим. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси тармоғи фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усули моддий ишлаб чиқариш соҳаларида

хисобланадигани каби бўлиши ва шу билан бирга муомала жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниши лозим.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг сифат ва миқдорий жиҳатларини аниқловчи омилларнинг учта асосий шакллари мавжуд:

- вақтнинг қисқариши ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши;
- ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши ҳисобига муомала вақтининг қисқариши;
- товар ҳаракатига кетадиган ижтимоий ҳаражатларнинг камайиши

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси соҳасининг самарадорлик кўрсаткичи қуйидаги формула<sup>84</sup> орқали аниқлаш тақлиф қилинади:

Бу ерда,  $C_u$  – қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг самарадорлик кўрсаткичи;  
 $C_\phi$  – қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси хизматлари кўрсатишдан тушган соф фойда;

$X_{u,\phi}$  – қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг ишлаб чиқаришга кетган моддий ҳаражатлари (асосий фонdlар амортизациясини ҳисобга олмаган ҳолда);

$X_m$  – қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектларининг муомала ҳаражатлари.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектларини молиялаштиришдан олинадиган самарадорликни уч турга бўлиш мумкин, яъни бевосита, билвосита ва “кўринмас” самарадорликдир. Бевосита самарадорликка киритилган инвестициялар натижасида реализация қилинган товар ва хизматлардан тушган даромадлардир. Билвосита самарадорлик – қиймат шаклида ифодаланган, бевосита даромадларга кирмайдиган инвестициялар самарасини белгилайди. “Кўринмас” самарадорлик қиймат шаклига эга эмас, аммо инвестицияларнинг амалга ошиши натижасида вужудга келган

---

<sup>84</sup> Формула муаллиф томонидан тузилган.

самарадир. Инфратузилма объектларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни аниқлашда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос бўлган жиҳатларни эътиборга олиш лозим.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини молиялаштиришнинг самарадорлигини аниқлашда қуидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

- қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси ва ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш мақсадида киритиладиган сармояларнинг ўзаро мутаносиб тақсимланганлиги;

- қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси объектларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари;

- инфратузилма объектлари етарли даражада ривожланмаган тақдирда мавжуд ва кутилаётган харажатларнинг манбалари ва миқёсига.

Шуларни инобатга олган ҳолда, инфратузилманинг мавжуд ва ривожланиши лозим бўлган даражаси аниқланади.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси объектларини молиялаштиришда ўз–ўзини молиялаштириш тизимларини (кредит иттифоқлари, ўзаро молиялаштириш жамиятлари) шакллантириш, молиялаштиришнинг мавжуд тизимларини (лизинг, имтиёзли кредитлаш) такомиллаштириш ва янги тизимларини (франчайзинг) жорий этиш мақсадга мувоғик деб ҳисоблаймиз

**иапмволмсродтрипр**

### **З – БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

#### **3.1. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришнинг хориж тажрибалари ва ундан фойдаланишнинг асосий йўналишлари**

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни ҳар доим ҳам муаммоларсиз ва иқтисодий тебранишларсиз ўтмаган. Хорижий мамлакатлар тарихида тўпланган тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва минтақамиздаги қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, илфор чет эл мамлакатларининг тажрибаларидан ижодий фойдаланиш йўналишларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, республикада қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришда бу соҳада бир қатор ютуқларга эришган ривожланган ҳамда минтақамиз худудига ва ижтимоий – иқтисодий жиҳатдан ривожланиш хусусиятига яқин бўлган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Россияда фермер (дехқон) хўжаликларини ривожлантириш ва ташкил этиш шакли Ўзбекистонда фермер хўжаликларини ташкил этиш каби босқичма – босқич амалга оширилди ва фермер хўжаликларини қўйидаги ҳолларда ташкил этиш белгиланди:

- маҳаллий хокимият томонидан берилган ерларида;
- жамоа қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этиш натижасида;
- ўзига тегишли ер ва мулкий пайларни жамоа хўжалигидан олиб чиқиш йўли билан;

– ер майдонларини кенгайтириш хисобига томорқа хўжалигини фермер хўжалигига айлантириш йўли билан.

Росия Федерациясида қишлоқ хўжалигида давлат ва жамоа мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни фермер хўжаликларини ва унга хизмат қилувчи инфратузилма обьектларини ривожлантиришга туртки бўлди. Ташкил этилган фермер хўжаликларига техник сервис хизмат кўрсатиш мақсадида техник таъмирлаш парклари ташкил этилди.

Россияда ташкил этилган бундай паркларнинг асосий фаолият турларига қуйидагилар киради:

- мавжуд тракторларнинг, шунингдек, унга биритирилган қисм ва қишлоқ хўжалиги машиналарини капитал ва жорий таъмирлаш;
- УАЗ, ГАЗ, ЗИЛ ва бошқа турдаги автомобилларнинг жорий таъмирлаш ва техника хизмати;
- чорвачилик фермаларига техник хизмат кўрсатиш;
- транспорт хизматлар;
- буғ ва иссиқ сув қўринишида иссиқлик энергияни ишлаб чиқиш ва сотиш;
- Д-606 бульдозер тиркамаларни ва ностандарт жиҳозларни тайёрлаш;
- электр таъминоти, сув таъминоти ва канализация чиқиндиларини чиқариб юбориш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг моддий – техника ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондириш.

Республикамида фаолият кўрсатаётган МТП ДАЖлар билан таққослайдиган бўлсак, уларда Россиядаги трактор паркларга нисбатан хизмат кўрсатиш турлари чеклангалигини кўришимиз мумкин.

“Оренбург техник таъмирлаш парки” очик акционерлик жамияти (“Оренбург ТТП” ОАЖ) 1994 йил 20 январда РФ Президентининг 1992 йил 1 июлдаги “Давлат корхоналарни, ихтиёрий бирлашмаларни акционерлик жамиятларга айлантириш бўйича ташкилий чоралар тўғрисидаги” қарори асосида ташкил этилган. “Оренбург ТТП” ОАЖ дан ва у хизмат кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги масофа 0,5 дан 60 километргачани ташкил этади.

“Оренбург ТТП” ОАЖ қуийдаги ишлаб чиқариш бўлимларидан иборат:

- механик – таъмирлаш устахонаси;
- чорвачилик фермаларининг механизмларини техник хизмат кўрсатиш станцияси;
- автомобильларга техник хизмат кўрсатиш станцияси;
- моддий-техник таъминот бўлими;
- ёрдамчи бўлимлар.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган муқобил МТПларнинг ҳам, МТП ДАЖларнинг ҳам иш фаолияти асосан дехқончилик тармоғига хизмат қилиш билан чекланади. Ваҳоланки, чорвачилик тармоғини ривожлантириш бевосита унинг ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаштириш, комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштиришга боғлиқдир. Демак, бу борада Россия ТТПларнинг тажрибасини қўллаш мақсадга мувофик бўлади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, фермер хўжаликлари механизация ишларини асосан ўз техникалари ёрдамида амалга оширадилар, аммо техникаларни таъмирлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш хусусий сервис хизмат кўрсатиш шахобчалари томонидан амалга оширилади.

Хозирги кунда мамлакатимиз фермер хўжаликларининг ер майдонлари ҳажм жиҳатдан кичиклигини инобатга оладиган бўлсақ, фермер хўжаликлари

томонидан техникаларни харид қилиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди ва умуман майда фермер хўжаликлари бундай иқтисодий салоҳиятга эга эмаслар. Шу сабабли ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда республикамида фермер хўжаликларининг ер майдонларини иириклаштириш лозим ва келажақда машина–трактор парклар ўрнини техник сервис шахобчалари эгаллаши лозим.

Хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси хизматлари юксак даражада ривожланган ҳисобланади. Ушбу мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳалари асосан хусусий сектор зиммасига тўғри келади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг бир бўғини ҳисобланган биргина техникавий сервис хизматини олиб қарайдиган бўлсак, ушбу соҳада фаолият кўрсатиб келаётгандарнинг 90%и хусусий диллерлар зиммасига тўғри келмоқда. Қолган 10% и эса машинасозлик заводларнинг бевосита вакили ҳисобланади.

Дилерлар орқали амалга ошириладиган техникавий сервис хизмати ўз ичига сотув олди сервис хизматлари, техникаларни сотиш, ижарага бериш, зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, сотувдан кейинги сервис, техник хизмат ва таъмирлаш–тузатиш ишлари, техникаларни ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича маслаҳатлар бериш, муҳандис ходимларни тайёрлаш ва малакасини оширишни олади. Ҳар бир дилерлик пунктида эҳтиёт қисмлар омбори, таъмирлаш устахонаси, техникаларни сақлаш майдонлари, кўчма техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш устахонаси бор.<sup>104</sup>

Чет эл фирмалари уч хил турдаги техник хизмат кўрсатишади: сотув олди, кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат.

Ишлаб чиқарувчи фирмалар сотишдан олдин, харидорга максимал даражада яқин жойда жойлашган бош агент устахоналарида машиналарни маҳсус тайёргарликдан ўтказишади.

---

<sup>104</sup>Рашидов Ж.Х. Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш шароитида сервис хизматларини ривожлантириш муаммолари: Дис. .. иқт.фан.номз.–Т.:ЎЗБИИТИ, 2004.– 78 б.

Сотуволди сервис ўз ичига: техникаларни ташиш, қадоқидан ечиб олиш ва ишга тушириш, ташиш вақтида содир бўлган носозликларни бартараф этиш; завод созлигини текшириш, зарур бўлган вақтда уни созлаш; харидор талабларидан келиб чиқсан ҳолда, қўшимча ускуналар ўрнатиш. Заводдаги носозликларни ишлаб чиқарувчи ҳисобига бартараф этилади, ташиш вақтида содир бўлган носозликларни–сугурта ҳисобига, қўшимча ускуна ўрнатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар эса сотув нархининг калькуляциясига киради.

Сотуволди ва кафолатли хизмат турлари бепул бажарилади, чунки унинг харажатлари техниканинг баланс қиймати таркибига киради. Кафолатли хизмат вақтида дилер машиналарнинг асосий узелларнинг диагностикасини ўтказган ҳолда учта техник хизматни бажариши лозим.

Ишлаб чиқарувчи корхоналар дилерларга машиналарни 25–30%га арzonлаштирилган нархда сотади, шу ҳисобига дилерлар 10–15% даромад қилишади.

Техникага кафолатдан кейинги хизматни маълум вақт давомида, уни ишлаган вақтига қараб ва мавсум олди ўтказишиади.

Фермер хўжаликларига сервис хизматларини кўрсатиш Канадада ҳам дилерлар зиммасига тўғри келади. Ушбу мамлакатда 1,5 мингдан ортиқ дилерлик пунктлари мавжуд, бошқалари эса ишлаб чиқарувчи фирмаларга қарашли. Охирги йилларда дилерлик пунктларнинг йириклишув жараёни кузатилмоқда, бу эса уларнинг меҳнат унумдорлигини оширади ва харажатларни камайтиради.

Қозогистонда бизнинг мамлакатимиздаги каби хизмат кўрсатиш соҳаси энди шаклланиб келмоқда, рақобат муҳитининг ривожланмаганлиги билан характерланади. Шаклланиб келаётган майда шахобчалар, етарли даражада дилерлик вазифасини бажармаяптилар.

Россияда фермерларга сервис хизмати хизмат кўрсатиш кооперативлари томонидан амалга оширилмоқда. Ушбу кооперативлар

бажараётган ишларига қараб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш кооперативлари, савдо кооперативлари, ишлаб чиқариш–техник хизмат кооперативлари ва кредит кооперативларига бўлинади.<sup>105</sup>

Умуман олганда, хизмат кўрсатиш кооперативлари, нафақат Россия мамлакатида, балки бир қатор ривожланган мамлакатларда, жумладан, Германия, Польша, Франция, Канада, Норвегия, Дания, Швеция ва бошқа мамлакатларида кенг жорий қилинган.

Республикамизда ҳам фермерлар уюшмаси таркибида хизмат кўрсатиш соҳаларини шакллантириш ва ривожлантириш зарур деб, ҳисоблаймиз.

Чунки, уюшмага фермерларнинг ўзи аъзо бўлиб, уларга яқин бўлган жойда жойлашган бўлади, натижада нархларнинг сунъий ошишига йўл қўйилмайди. Шунингдек, техникаларга сервис хизмат кўрсатишда ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳам жалб қилиш бу соҳада рақобатни кучайтиради. Фермерлар механизация, техника воситаларини таъмирлаш ва сақлаш харажатларини қисқартириш эвазига олинган пул маблағларини ишлаб чиқаришга жалб қилиши ва фойдани кўпайтиришлари мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, кўпгина ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва интенсивлаштириш мақсадида аграр ишлаб чиқарини ривожлантириш ва моддий-техникани мустаҳкамлаш борасида мақсадли сиёsatни амалга ошириб келмоқда.

Давлат томонидан қишлоқ хўжалигини самарали бошқаришининг намунаси сифатида Ирландия мамлакатини кўриб чиқишимиз мумкин.

Ирландияда қишлоқ хўжалиги юқори интенсив характерга эга эканлигини куйидаги кўрсаткичлар орқали ҳам кўришимиз мумкин, фермерларнинг жами харажатларидан 46% моддий ресурслари (ЁММ, ўғит, уруғ ва бошқалар), техникага кетадиган эксплуатация харажатлари 43% ни,

---

<sup>105</sup> Рашидов Ж. Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида сервис хизматларини ривожлантириш муаммолари. Дисс... икт.ф.н. – Т.: ЎзБИИТИ, 2004. – 78 б

иш ҳақи харажатлари атиги 11% ни ташкил этар экан. Демак, ишлаб чиқаришдаги иқтисодий натижалар деярли унинг моддий – техника таъминотига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Давлат ва Европа Иттифоқи ишлаб чиқариш харажатларининг 20–40% гача ёпиб, фермерларга қуидаги йўналишларда ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришда катта молиявий ёрдам кўрсатиб келмоқда:

- ишлаб чиқаришни яхшилаш, уни механизациялаштириш, прогрессив технологияларни кўллаш;
- хўжалик юритишнинг экологик шароитларини яхшилаш ва экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш;
- наслдор чорва молларни кўпайтириш, чорвачиликда селекция ишларини олиб бориш;
- айрим маҳсулотларни ишлаб чиқариш чекланганлиги сабабли (ортиқча маҳсулотнинг кўпайишини олдини олиш мақсадида) фермерларга компенсация бериш.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра, Европа Иттифоқи томонидан берилаётган субсидияларнинг асосий қисми фермер хўжаликларига техникаларни олиб бериш ва уларни таъмирлаш ҳамда фермер хўжаликларини жиҳозлаш, шунингдек, унумдорлиги паст бўлган ерларда жойлашган, ноқулай иқтисодий шароитларда фаолият кўрсатаётган фермерларга ажратилмоқда.

Бу маълумот ҳам фермерларга берилаётган моддий ёрдамнинг асосий қисми хўжаликларнинг моддий–техника базасини мустаҳкамлашга кетаётганлигидан далолат бермоқда. Бундай ёрдамсиз фермерлар ўз ишлаб чиқаришларини талаб даражасида молиялаштира олмасдилар, кўплари эса зарар билан ишлайдиган ва паст рентабелли хўжаликларга айланиб қолардилар.

Давлат субсидиясидан ташқари, Ирландия фермерларига молиявий ёрдамни “Эгрикалчер кредит корпорейшн” аграр тижорат банки кўрсатиб

келмоқда. Ушбу банк орқали фермерлар ўзларига қулай бўлган йилига 4%ли узоқ ва қисқа муддатли кредитлар олмоқдалар.

Бундан ташқари Ирландия фермерлари лизинг хизматидан ҳам кенг фойдаланиб келмоқдалар. Умуман олганда, Европа мамлакатлари ичida Ирландияда инвестицияларнинг умумий ҳажмида лизингнинг ҳажми каттадир. Бу ерда барча инвестицияларнинг 45% ни лизинг ташкил этади, ваҳоланки ушбу қўрсаткич Германия ва Францияда 20%, Англияда 30%, Италияда – 15% ва Россияда 2,5%дан камроқни ташкил этади. Европанинг бошқа мамлакатлари ҳам лизингнинг ривожланиши бўйича ҳам Ирландиядан анча ортда қолмоқдалар.

Маълумки, Ўзбекистонда лизингнинг асосан молиявий тури кенг жорий қилинган. Ривожланган мамлакатларда лизингнинг икки тури ҳам кенг тарқалган. Оператив лизинг тури ўз навбатида яна икки турга бўлинади: сервисиз лизинг ва сервис хизматларини ўз ичига олган лизингдир. Оператив лизингнинг иккинчи тури, айниқса, кенг жорий этилган. Бунда ишлаб чиқариш воситаси лизингга берувчи томонидан лизингга олувчига фойдаланиш учун берилади, аммо мулкнинг барча иқтисодий ва юридик ҳуқуқлари лизинг компаниясида қолади. Натижада компания иқтисодий хавф – хатарни тўлик ўз зиммасига олади. Техник хизмат харажатлари компания томонидан лизингга олувчининг ҳисоб–китоблари асосида амалга оширилади. Лизинг компанияси сервис хизмат қўрсатувчи корхонани танлайди ва у билан хизмат қўрсатиш тарифлари бўйича шартнома тузади.

Шундай қилиб, хорижий мамлакатларда лизинг операцияларини амалга ошириш бўйича катта тажриба тўпланган ва бунинг асосида республикада фермерларни қимматбаҳо техникани лизинг орқали харид қилишда уларни молиявий қўллаб–қувватлаш бўйича аниқ чора – тадбирлар ишлаб чиқиш мумкин. Тадқиқотлар шуни қўрсатмоқдаки, мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг орқали харид қилишининг самарадорлик мезони, авваломбор, қишлоқ хўжалиги маҳсулот

ишлиб чиқарувчиларнинг ҳамда АСМнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектларининг манфаатдорлиги билан ўлчаниши лозим. Лизинг операцияларини амалга оширувчи молия институтларининг манфаатдорлиги айнан шу мезонга бўйсуниши керак, акс ҳолда лизингнинг асосий мақсади ҳисобланган—хўжалик юритувчи субъектларни янги техника харид қилишга кўмаклашишга зид бўлган бўлар эди. Маълумки, ишлиб чиқариш воситалари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархлари ўртасида вужудга келган кескин номутаносиблик натижасида қўпгина хўжаликларнинг тўлов қобилияти пасайиб кетди.

Тадқиқотлар кўрсатишича, ҳозирги шароитда ишлиб чиқарувчи субъектларнинг тараққий этиши кўп жихатдан унинг технологик ривожланиш даражаси, фан—техника тараққиёти суръатларига нечоғлик мувофиқлиги, ўзининг ижтимоий—иктисодий ривожланишига ишончли илмий асос яратилганлиги билан белгиланади. Шу сабабли кўпгина ривожланган мамлақатларда янги технологияларни жорий этишга кўмаклашиш илмий – тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2004 йилда АҚШнинг қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалигидаги илмий – тадқиқот ишларига 2,5 миллиард доллар маблағ ажратган<sup>106</sup>. Америка фермерларига ва бошқа аграр тармоқда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларининг ишилб чиқариш жараёнига фан—техника тараққиёти ютуқларини жорий этишда кўмаклашувчи дастурлардан бири “экстеншн – сервис” марказининг иш фаолияти диққатга сазовордир. “Экстеншн–сервис” тизимида маҳаллий штат университетининг вакили штатда жойлашган фермерлар, агробизнесмен ва бошқа тадбиркорлик субъектларини янги билимлар ва фан—техника ютуқлари билан таништириб боради. Шу билан бирга уларнинг муаммолари ва камчиликлари тўғрисидаги

---

<sup>106</sup> [http://www.usda\\_programs](http://www.usda_programs). Один из важнейших факторов развития сельского хозяйства США – государственное регулирование

маълумотларни университетнинг илмий ходимларига ишлаб чиқиш учун етказиб туради. Америка қишлоқ хўжалиги ва агробизнесдаги асосий ютуқлар айнан шу тизим орқали амалга оширилди деб хисоблашади. Ушбу тизимни молиялаштиришга ажратиладиган маблағнинг факат 5 фоизи федерал ҳукумат томонидан келиб тушади, асосий қисми штатлардан молиялаштирилади.


Ҳозирги кунда “Экстеншн–сервис” марказлари нафақат АҚШда, балки Польша, Буюк Британия, Франция ва Голландияда ривожланган. Ушбу марказ Россияда ҳам 1990 йиллардан бошлаб тажриба сифатида қўлланилиб келинмоқда.

Ўзбекистонда ҳам илмий ва технологик салоҳиятни янада ривожлантириш учун қулай шарт–шароитлар яратиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги ислоҳотларнинг стратегик вазифалари ва устивор йўналишларига мувофиқ ҳолда республика илмий – техника тараққиётини таъминлаш, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар даражаси, сифати ва самарадорлигини ошириш, улардан амалиётда кенг фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги “Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–3029–сонли Фармонига, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 мартағи “Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 77–сонли Қарорига кўра, республика Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Илмий–техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши қошида Фан ва технологиялар маркази ташкил этилди ҳамда фан ва технологиялар соҳасида давлат бошқарув органи этиб белгиланди. Шунингдек, республикада фермерларга ахборот–маслаҳат хизмати кўрсатиши шахобчалари ташкил этилган. Аммо ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва илм соҳаси ўртасида ўзаро алоқа яхши йўлга қўйилмаган, ташкил этилган

ахборот–консалтинг марказлар илмий янгиликларни, ишлаб чиқаришга жорий этилаётган фан–техника ютуқларини фермерларга етказиб беришда воситачи сифатида фаолият юритмаяпти. Натижада ахборот–консалтинг шахобчаларнинг самарадорлиги паст бўлмоқда. Шуларни инобатга олган холда, республикада ўқув жараёни ва ОЎЮлардаги илмий – тадқиқот ишлари билан ишлаб чиқаришни боғлайдиган бўғин вазифасини бажарадиган “Экстеншн–сервис” марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Республикада “Экстеншн – сервис” маркази қуидаги йўналишларда фаолиятини олиб бориши керак деб ҳисоблаймиз:

- фермер ва деҳқон хўжаликларининг ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини яхшилашга қўмаклашиш;
- фермер хўжаликлири, деҳқон хўжаликлири ва агрофирмаларнинг талабларини ўрганиб бориш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишга қўмаклашиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ва уни қайта ишлаш бўйича барча саволларга маслаҳатлар бериш;
- ташкил этиш, бошқариш, технологиялар соҳасидаги илғор тажриба ва инновацияларни аграр тармоққа етказиш;
- ишлаб чиқаришда, ишлаб чиқаришни ташкил этиш услубларида ва маҳсулотни сотишда прогрессив технологияларни ўрганиш ва тарғиб этиш;
- фермерларга илмий ва техник ёрдам беришга йўналтирилган халқаро лойиҳаларни амалга оширишга қўмаклашиш;
- илмий тадқиқот натижаларини АСМ тармоқларига жорий этиш;
- мутахассисларнинг малакасини ошириб бориш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг эҳтиёж ва талабларидан келиб чиқиб илмий–амалий жиҳатдан асосланган таълимни ташкил этиш.

Бу устивор йўналишларини амалга ошириш учун маълумотлар билан ишлаш, ҳамкорлик алоқаларни ривожлантириш ва таълим бериш соҳаларига эътибор бериш лозим, (расм 3.1).



### 3.1 – расм. Таклиф этилаётган “Экстенши - сервис” маркази

#### фаолият турлари<sup>107</sup>

Ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси ривожланиш тажрибасини ўрганиш натижасида Ўзбекистон шароитида уларни қуидаги йўналишларда кўллашни тавсия этган бўлар эдик:

– вилоят МТП давлат акциядорлик жамиятларда ва муқобил МТПларда хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириб бориш, чорвачилик тармоғига хизмат қиласиган бўлимларни ташкил этиш. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, муқобил МТПлар асосан культивация

<sup>107</sup> Муаллифнинг тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган.

қилиш, ғалла ва чигит экиш, жўяқ олиш, ўқариқ олиш каби ишларни амалга ошириб келмоқда. Аммо қишлоқ хўжалиги машиналари етишмаслиги сабабли ер текислаш, шудгорлаш, хизмати каби хизмат турларини сифатли бажариш имконияти паст. МТП ДАЖларнинг иш фаолияти ҳам фақат асосан дехқончилик тармоғига хизмат қилиш билан чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, қишлоқ хўжалигининг яна бир йирик тармоғи ҳисобланган чорвачилик соҳасида механизациялаштиришга эътибор берилмай келмоқда. Шу сабабли машина-трактор паркларида чорвачилик тармоғига хизмат қиласидаган бўлимларни ташкил этишни тавсия этамиз;

- Қашқадарё вилояти “Ўзагромашсервис” ва “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси вилоят филиали негизида трактор, комбайн ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналарига техник сервис хизмати кўрсатадиган дилерлик хизматларини ташкил этиш ва такомиллаштириш. Дилерлик тизими кафолатланган давр мобайнида техниканинг яроқлилигига ва таъмирлашга жавобгар бўлган ва фойдаланишнинг бутун даври мобайнида эҳтиёт қисмлар етказиб берувчи қишлоқ хўжалиги техникаси тайёрловчи заводлар билан яқин ҳамкорлиқда ишлаши керак;

- фермерлар уюшмаси таркибида моддий – техника таъминоти ва техник сервис хизмат кўрсатувчи кооператив ташкил этиш. Маълумки, туманларда ташкил этилган фермер хўжаликлари уюшмаси фермер хўжаликларини мувофиқлаштирувчи муассаса ҳисобланади ва фермерларнинг манфаатидан келиб чиқиб фаолият юритиши керак. Аммо ҳозирги кунда уюшма маълумот тўпловчи ва фермерларни назорат қилувчи яна бир органга айланиб қолган. Шу сабабли уларнинг иш фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва фермер хўжаликларинг иш фаолиятига кўмаклашишга йўналтириш лозим;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва агросаноат мажмуасининг бошқа хўжалик юритувчи субъектлари манфаатларини хисобга олган ҳолда, лизинг муносабатларини такомиллаштириш, шу

жумладан, давлатнинг ташкилий, хуқуқий ва иқтисодий механизмларини кучайтириш;

– фермер хўжаликларини ривожлантиришга кўмаклашадиган “Экстеншн – сервис” марказларини ташкил этиш. Умуман олганда, “Экстеншн – сервис” маркази қишлоқ хўжалиги тармоқларига фан-техника тараққиёти натижаларини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнига фанни яқинлаштириш ва шу орқали ишлаб чиқаришни илмий асосланган ҳолда ривожлантириб боришга кўмаклашади. “Экстеншн – сервис” хизматини ривожлантиришнинг дастлабки йилларда давлат бюджети “Фан” йўналишига ажратилаётган маблағ ҳисобидан молиялаштирилиши, келажакда туман бюджети ва бошқа хусусий секторнинг инвестициялари ҳисобига молиялаштирилиши тавсия этилади.

### **3.2. Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида худудларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда инфратузилма объектларини оптимал жойлаштириш ва ривожлантириш истиқболлари**

Фермер хўжаликларининг ихтисослашуви кўп жиҳатдан ҳудуднинг табиий шароитлари, маҳсулотнинг алоҳида турини ишлаб чиқариш анъанаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчининг ихтисослиги ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Фермер хўжаликларини ихтисослаштириши ўз фаолиятини алоҳида бир товар маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтирилиши билан белгиланади. Дехқончиликка ихтисослашган хўжаликларда – бу дон, пахта, сабзавот, ем-хашак ва бошқа ўсимликчилик маҳсулотлари, чорвачилик тармоғи учун – чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Умуман олганда, ихтисослаштириш деганда, ҳар бир ҳудуднинг табиий-иктисодий шароитларидан келиб чиқиб, бозордаги талабни эътиборга олган ҳолда у ёки бу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтирилган меҳнат тақсимотидир.

Маълумки, фермер хўжалигининг бошлиғи ўз Уставида ва ер участкасини ижарага олиш шартномасига кўра ишлаб чиқариш йўналишувини мустақил равишда ўзи белгилайди. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Конуни (янги таҳрир) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476 – сонли қарорига асосан чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молига ҳисобланганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида суғориладиган ерларда камида 0,3 гектарни, бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги суғориладиган ерларда камида 0,45 гектарни, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади.

Дехқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектарни, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этади.<sup>108</sup>

Таҳлилларга кўра Қашқадарё вилоятида фермер хўжаликларининг аксарият қисми асосан пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган, яъни жами фермер хўжаликларининг 75 фоизни, сабзавотчилик ва полизчилик йўналишидагилар 2,3 фоизни, боғдорчилик ва узумчилик – 15,9 фоизни, чорвачилик соҳасидаги фермер хўжаликлири 5,8 фоизни ва бошқа йўналишдагилар 0,4 фоизни ташкил этади.

Туманлар миқёсида таҳлил қилганимизда, Китоб ва Шахрисабз туманларида боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер

---

<sup>108</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Конуни ( Янги таҳрирда ) // Халқ сўзи – 15 октябр 2004 йил

хўжаликлари мос равища 52,9 ва 44,3 фоизни, сабзавотчилик ва полизчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари Китоб туманида ривожланган бўлиб, 72 тани, жами фермер хўжаликлари таркибида 8,2 фоизни ташкил этган, (3.2.1–жадвал).

Косон, Муборак, Нишон ва Чироқчи туманларида ташкил этилган фермер хўжаликларининг 90 фоизидан кўпроғи бевосита пахта ва ғалла етиширишга ихтисослашган, Дехқонобод туманида фаолият кўрсатиб келаётган фермерларнинг 77,7 фоизи ғалла етишириб келмоқдалар. Демак, инфратузилма шахобчаларини ривожлантиришда ва жойлаштиришда айнан ҳар бир худуднинг ихтисослашуви ҳамда табиий–иктисодий шарт–шароитларини инобатга олиш зарур.

Пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун СФУ, техник–сервис хизмати, селекция, ўғит, ёқилғи ресурслар билан таъминлаш шахобчаларни ривожлантириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида асосан зооветеринария хизмати, наслчиликни ривожлантириш, чорвачилик соҳаси учун техник–сервис хизмати кўрсатадиган инфратузилма объектларини ташкил этиш зарур.

Боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини ривожлантиришда тайёрлов корхоналари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи шахобчаларнинг ўрни каттадир. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳаси ўртасида ўзаро интеграцияни кучайтириш зарур, яъни ҳар бир худуднинг ихтисослашувидан келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноат корхоналарини қишлоқ жойларда ташкил этиш керак.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектлари билан таъминланишини таҳлил қилганимизда, ҳар 1000 та фермер хўжалигига 2008

### 3.2.1 – жадвал

#### **Қашқадарё вилоятида фермер хўжаликларининг маҳсулот этиштириш бўйича ихтисослашуви (2010 йил 1 январ ҳолати)**

№	туманлар	жами фермер хўжаликлар сони	фермер хўжаликларнинг ихтисослашуви									
			пахта ва ғаллачилик		чорвачилик		саbzавот, полизчилик		бог -узумчилик		бошқалар	
			сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи
1	Ғузор	443,0	405	91,4	21	4,7			17	3,8		
2	Дехқонобод	251,0	195	77,7	28	11,2			28	11,2		
3	Қарши	648,0	552	85,2	27	4,2	4	0,6	64	9,9	1	0,2
4	Косон	724,0	670	92,5	39	5,4			13	1,8	2	0,3
5	Қамаши	710,0	573	80,7	27	3,8	49	6,9	53	7,5	8	1,1
6	Китоб	883,0	246	27,9	70	7,9	72	8,2	467	52,9	28	3,2
7	Миришкор	857,0	748	87,3	14	1,6	4	0,5	39	4,6	2	0,2
8	Муборак	319,0	249	78,1	31	9,7	10	3,1	29	9,1		
9	Нишон	823,0	670	81,4	25	3,0	23	2,8	97	11,8	8	1,0
10	Касби	600,0	545	90,8	12	2,0	10	1,7	30	5,0	3	0,5
11	Чироқчи	971,0	871	89,7	81	8,3	2	0,2	12	1,2	5	0,5
12	Шахрисабз	485,0	193	39,8	52	10,7	15	3,1	215	44,3	10	2,1
13	Яккабоғ	885,0	485	54,8	74	8,4	8	0,9	299	33,8	19	2,1
Вилоят бўйича		8599,0	6452	75,0	501	5,8	197	2,3	1363	15,9	86	1,0
бириктирилган ер майдони,га		725527,0	502161,0	69,2	39804,0	5,5	2973,0	0,4	17826,0	2,5	2605,0	0,4
уртacha фермер хўжалигининг ер майдони,га		84,4	77,8	X	79,4	X	15,1	X	13,1	X	30,3	X

йилда 6,6 та муқобил МТП; 5,7 та СФУ; 6,2 та ёқилғи мойлаш материаллари сотиш шахобчаси; 4,2 та минерал ўғит сотиш шахобчаси; 1,8 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш шахобчалари; 8,4 та зотли молларни сотиш ва зооветеринария хизмати; 1,1 та ахборот таъминоти ва консалтинг шахобчаси; 0,2 та транспорт хизмати кўрсатиш шахобчаси; 0,1 та тара идишларини тайёрлаш ва сотиш шахобчаси тўғри келиши аниқланди, (3.2.2-жадвал).

Туманлар кесимида таҳлил қилганимизда, фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектлари билан таъминланиш даражаси вилоят ўртача кўрсаткичларига нисбатан:

- юқори бўлган туманлар – бу Китоб (2,39) ва Муборак (1,20) туманлари;
- ўртача даражада таъминланганлар – бу Ғузор, Шахрисабз, Нишон ва Яккабоғ туманлари киради. Бу ерда инфратузилма объектлари билан таъминланиш индекси 1,06–1,18гача;
- қолган туманлар вилоятда фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектлари билан ўртача таъминланиш даражасига нисбатан паст таъминланган.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирги кунда фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбуллаштириш жараёнида ҳар 1000 фермер хўжалигига хизмат кўрсатадиган инфратузилма объектлари сони ортади. Аммо, бу ҳолат қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси билан таъминланганлик даражасининг экстенсив йўл билан ошишидир. Шу сабабли, инфратузилма объектлари билан таъминланиш даражаси ва соҳада ракобат муҳитининг шаклланиши мақсадида қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектлари сони, тури ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириб бориш лозим, шунда бозор мезонларига жавоб берадиган қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини шакллантириш имкони пайдо бўлади.

### 3.2.2 – жадвал

**Қашқадарё вилоятида туманлар бўйича ҳар 1000 фермер хўжалигига хизмат кўрсатадиган инфратузилма  
объектларининг сони (2008 йил ҳолати)<sup>106</sup>**

№	Туманлар	Ташкил этилган фермер хўжаликлари сони	1000 та фермер хўжаликларига тўғри келадиган инфратузилма объектлари									
			Муқобил МТП		Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси		ЁММ сотиш шахобчаси		Минер ўғит сотиш шахобчаси		Минибанк	
			сони	таъмин-ланиш коэффициенти *	сони	таъмин-ланиш коэффициенти *	сони	таъмин-ланиш коэффициенти *	сони	таъмин-ланиш коэффициенти *	сони	
1	Ғузор	1527	9,8	1,5	11,1	2,0	8,5	1,4	8,5	2,0	5,9	1,3
2	Дехқонобод	724	8,3	1,3	0,0	0,0	8,3	1,3	0,0	0,0	4,1	0,9
3	Қарши	2709	6,3	0,9	5,9	1,0	6,3	1,0	3,7	0,9	4,4	0,9
4	Косон	3240	6,8	1,0	7,4	1,3	6,5	1,0	3,7	0,9	4,6	1,0
5	Қамапи	1964	7,1	1,1	7,1	1,2	8,7	1,4	5,1	1,2	5,1	1,1
6	Китоб	3149	4,8	0,7	0,6	0,1	2,5	0,4	1,9	0,5	3,5	0,7
7	Миришкор	2627	4,9	0,7	3,4	0,6	5,7	0,9	4,9	1,2	4,9	1,1
8	Муборак	798	10,0	1,5	25,1	4,4	8,8	1,4	7,5	1,8	8,8	1,9
9	Нишон	2683	6,7	6,6	5,2	0,9	6,7	1,1	5,2	1,2	4,8	1,0
10	Касби	2622	5,3	0,8	6,1	1,1	5,3	0,9	4,6	1,1	5,0	1,1
11	Чироқчи	3015	4,6	0,7	2,0	0,3	6,0	1,0	4,3	1,0	3,6	0,8
12	Шаҳрисабз	1965	9,2	1,4	3,6	0,6	7,1	1,1	2,5	0,6	5,1	1,1
13	Яккабоғ	2762	6,9	1,0	6,2	1,1	6,2	1,0	4,3	1,0	4,3	0,9
<b>Вилоят бўйича</b>		<b>29785,0</b>	<b>6,6</b>	<b>1,0</b>	<b>5,7</b>	<b>1,0</b>	<b>6,2</b>	<b>1,0</b>	<b>4,2</b>	<b>1,0</b>	<b>4,7</b>	<b>1,0</b>

<sup>106</sup> Қашқадарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ДАВОМИ

№	Туманлар	1000 та фермер хўжаликларига тўғри келадиган инфратузилма объектлари										Инфратузил- ма объекти билин таяминла- ниш индекси	
		К/х маҳсулотларини сотиш шахобчаси		Зотли молларни сотиш ва зооветеринария хизмати		Ахборот таъминот ва консалтинг шахобчаси		Транспорт хизмати кўрсатиш тармоғи		Тара идишларни тайёрлаш ва қадоқлаш шахобчаси			
		сони	таъминланиш коэффициенти*	сони	таъминланиш коэффициенти*	сони	таъминланиш коэффициенти*	сони	таъминланиш коэффициенти*	сони	таъминланиш коэффициенти*		
1	Ғузор	1,3	0,8	12,4	1,5	1,3	1,1	0,0	0,0	0,0	0,0	1,15	
2	Дехканобод	0,0	0,0	23,5	2,8	1,4	1,2	0,0	0,0	0,0	0,0	0,75	
3	Қарши	1,5	0,8	11,4	1,4	2,2	1,9	0,0	0,0	0,0	0,0	0,89	
4	Косон	0,6	0,3	3,4	0,4	0,3	0,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,63	
5	Қамаши	1,5	0,8	8,1	1,0	1,0	0,9	0,0	0,0	0,0	0,0	0,76	
6	Китоб	4,1	2,3	6,4	0,8	1,3	1,1	1,6	7,9	1,0	9,5	2,39	
7	Миришкор	2,3	1,3	3,0	0,4	1,6	1,4	0,0	0,0	0,0	0,0	0,75	
8	Муборак	1,3	0,7	10,0	1,2	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	1,29	
9	Нишон	0,0	0,0	4,8	0,6	0,4	0,3	0,0	0,0	0,0	0,0	1,18	
10	Касби	0,8	0,4	8,0	1,0	0,4	0,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,66	
11	Чироқчи	2,0	1,1	10,0	1,2	0,7	0,6	0,0	0,0	0,0	0,0	0,67	
12	Шахрисабз	3,6	2,0	15,8	1,9	3,1	2,7	0,0	0,0	0,0	0,0	1,14	
13	Яккабоғ	2,5	1,4	8,7	1,0	1,4	1,3	0,4	1,8	0,0	0,0	1,06	
<b>Вилоят бўйича</b>		<b>1,8</b>	<b>1,0</b>	<b>8,4</b>	<b>1,0</b>	<b>1,1</b>	<b>1,0</b>	<b>0,2</b>	<b>1,0</b>	<b>0,1</b>	<b>1,0</b>	<b>1,0</b>	

\* - вилоят ўртача кўрсаткичига нисбатан инфратузилма обьекти билан таяминланиши.

Мамлакатимизда инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида фермер хўжаликлари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини ошириб бориш муҳим масалалардан бири саналади. Шундан келиб чиқкан ҳолда, тадқиқот жараёнида фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги инфратузилма обьектлари билан таъминланганлик даражасининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига таъсири ўрганиб чиқилди, (3.2.3 – жадвал).

### **3.2.3 – жадвал**

#### **Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига таъсири**

<b>Йиллар</b>	<b>Бир гектардан олинган ялпи маҳсулот, сўм / га</b>	<b>Битта ММТП га тўғри келадиган фермер хўжаликлари ер майдони, га</b>	<b>Битта СФУ га тўғри келадиган фермер хўжаликлари ер майдони, га</b>	<b>Битта ЁММ сотиш шахобчаларига тўғри келадиган фермер хўжаликлари ер майдони, га</b>	<b>Минерал ўғит сотиш шахобчалари сони, бирлик</b>
	<b>Y</b>	<b>X<sub>1</sub></b>	<b>X<sub>2</sub></b>	<b>X<sub>3</sub></b>	<b>X<sub>4</sub></b>
<b>2002</b>	15788	7352,7	7352,7	7352,7	26
<b>2003</b>	23345	5007,1	5192,5	5007,1	56
<b>2004</b>	37140	3453,8	3776,6	3812,3	89
<b>2005</b>	37802	3313,3	3573,6	3678,8	106
<b>2006</b>	47664	3191,8	3806,3	3669,6	132
<b>2007</b>	45948	3589,7	4159,8	3822,6	126
<b>2008</b>	51398	3640,0	4193,5	3876,1	126
<b>2008 йилда 2002 йилга нисбатан,%</b>	<b>325,6</b>	<b>49,5</b>	<b>57,0</b>	<b>52,7</b>	<b>77,4</b>

Таҳлилда натижавий омил сифатида фермер хўжаликлида бир гектардан олинган ялпи маҳсулот қиймати, таъсир этувчи омиллар сифатида эса, битта муқобил МТП, битта СФУ, битта ЁММ сотиш шахобчаларига тўғри келадиган фермер хўжаликлари ер майдонлари, минерал ўғит сотиш шахобчалари сони ҳисобга олинди.

3.2.3–жадвал маълумотларини компьютер дастури ёрдамида қайта ишлаш асосида қўйдаги натижаларга эга бўлдик:

**3.2.4. - жадвал**  
**Регрессион таҳлилнинг якуний натижаси<sup>107</sup>**

Регрессион статистика			
	Коэффициентлар	Стандарт хато	t-статистика
Y-кесишган жой	6234,04	22567,55429	0,276239044
Ўзгарувчан $X_1$	-9,49547	33,7493393	-0,281352861
Ўзгарувчан $X_2$	10,75287	24,97117676	0,430611119
Ўзгарувчан $X_3$	-0,98487	16,63412138	-0,059207559
Ўзгарувчан $X_4$	275,471	201,9285875	1,364200251

Олинган натижалардаги коэффициент миқдорларидан кўриниб тўрибдики, битта муқобил машина-трактор паркига тўғри келадиган ер майдонлари бир гектарга ошиши бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда, қишлоқ хўжалигида бир гектардан олинган ялпи маҳсулотнинг ўртача 9,49 сўмга камайишига олиб келади, битта сувдан фойдаланувчилар уюшмасига тўғри келадиган ер майдони бир гектарга ошиши бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда, қишлоқ хўжалигида бир гектардан олинган ялпи маҳсулотнинг ўртача 10,75 сўмга ошишига олиб келади, битта ЁММ сотиш шахобчасига тўғри келадиган ер майдонининг бир гектарга ошиши бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда, қишлоқ хўжалигида бир гектардан олинган ялпи маҳсулотнинг ўртача 0,98 сўмга камайишига олиб келади ва минерал ўғит сотиш шахобчалари сонининг биттага кўпайиши бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда, қишлоқ хўжалигида бир гектардан олинган ялпи маҳсулотнинг ўртача 275,47 сўмга ошишига олиб келади. Демак, ушбу омилларнинг ҳар бирини якка ҳолда таҳлил этганда қолган омиллар ўзгаришсиз, деб қаралганда энг катта таъсир

<sup>107</sup> Компьютер дастури ёрдамида муаллиф томонидан ҳисобланган.

минерал ўғит сотиш шахобчалари сонига тўғри келади. Натижавий омил билан таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғланишни ифодалайдиган регрессиянинг чизиқли тенгламасини қуидагича акс эттириш мумкин:

$$Y=6234,04 -9,49X_1 + 10,75 X_2 -0,98 X_3 + 275,47 X_4$$

Бу ерда  $Y$  – қишлоқ хўжалигида бир гектар ердан олинган ялпи маҳсулот, сўм

$X_1$  – битта муқобил МТПга тўғри келадиган ер майдон, га

$X_2$  – битта СФУ томонидан хизмат кўрсатиладиган ер майдон, га;

$X_3$  – битта ЁММ сотиш шахобчалари томонидан хизмат кўрсатиладиган ер майдон, га;

$X_4$  – минерал ўғит сотиш шахобчалари сони, бирлик.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилма обьектларини ривожлантириш ва оптимал жойлаштиришда фермер хўжаликларининг ихтисослашуви, бир гектар ерга сарфланадиган ишлаб чиқариш воситаларнинг меъёрлари ва улар ўртасидаги масофани эътиборга олиш зарур.

Нишон туманидаги “Самарқанд” фермерлар уюшмасида битта 1500 тонналик омбор сифимига эга бўлган минерал ўғит етказиб берувчи шахобча бўлиб, 3664 гектар экин майдонига эга бўлган 164 та фермер хўжаликларига хизмат кўрсатади. Ушбу шахобчадан шарққа қараб жами 45 та фермер хўжаликлири жойлашган бўлиб, энг яқини 2 км, энг узоги 13 км, ғарбда 35 та фермер хўжаликлири фаолият кўрсатаётган бўлиб, энг яқини 1,5 км, энг узоги 6 км, шимолда мос равища 26 та, 1 км ва 12 км ҳамда жанубда 58 та, 3 км ва 20 км масофада жойлашган. Ушбу шахобчадан минерал ўғитларни фермер хўжаликларига бир йилда ўртacha 11961 тонна км йўл масофа орқали етказиб берилади.

Ўтказилган монографик тадқиқотлар натижасида ушбу уюшмада фермер хўжаликларининг ихтисослашувини, бир гектар ерга сарфланадиган минерал ўғит меъёрини инобатга олган ҳолда, трансакцион харажатларни камайтириш, фермер хўжаликлари учун қулай бўлиши ва рақобат муҳитини

шакллантириб бориш мақсадида қўшимча равища яна тўртта минерал ўғит ташиш шахобчани ташкил этиш тавсия этилди. Бунда биринчи шахобча мавжуд шахобчадан жануб тарафга 10 км узоклашган бўлиб, 268 тонна омбор сифимига эга бўлиши, фарбда мос равища 3 км, 122 тонна, шарқда мос равища 6,5 км узокликда 202 тонна ҳамда мавжуд шахобча ўрнида 500 тонна сифимига эга бўлган шахобчалар жойлаштирилади. Транспорт масаласининг очик моделини потенциаллар усули ёрдамида ҳисобларни амалга ошириш натижасида бир йилда ўртacha 7044 тонна км масофа орқали минерал ўғитларни фермер хўжаликларига етказиш имконини беради.

Транспорт масаласини очик модели учун энг кам нарх усулида бошланғич жадвал тўлдирилади ва жадвал асосида юк ташиш масофаси  $Z_1 = 7518$  тонна км натижаси чиқади. Бу жадвални потенциаллар усули ёрдамида

$$\bar{b}_i + v_j = C_{ij} \quad (\text{юк қўйилган катаклар учун})$$

$$\bar{b}_i + v_j \leq C_{ij} \quad (\text{бўш катаклар учун})$$

текширилганда режа оптимал эмаслиги келиб чиқди. Цикл бўйича сўриш операциясини бажариб янги режа ҳосил қиласиз ва бу режа бўйича юк ташиш масофаси  $Z_2 = 7044$  тонна км масофага teng бўлади.

Шу орқали минерал ўғит етказиб берувчи шахобчаларнинг оптимал жойлашиш масофаси аниқланади.

Республикада хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бозор талаблари даражасида яхши ривожланмаганлигини эътиборга олиб, хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт – шароитлар яратиш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ва ялпи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш тармоғининг улушкини ошириш мақсадида Республика Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006 – 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 17 апрелдаги № 325 –сонли ва “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришнинг қўшимча чора–

тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 21 майдаги №640–сонли Қарорлари қабул қилинди.

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг яхши ривожланмаганлиги, ўз навбатида, қишлоқ жойлардаги ишсизлик даражасига, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитига, умуман хизмат кўрсатиш соҳасига бўлган эҳтиёжнинг юқорилигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг № 640 – сонли қарорига асосан аграр соҳада 2010 йилгача хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича чора – тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришдан кўзланган мақсад қуйидагилардан иборат:

- аграр тармоқда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаси учун қулай шарт – шароитлар яратиш;
- ушбу тармоқда банд бўлганлар сонини 20%гача кўпайтириш ва шу орқали аҳолининг даромадларини ошириш;
- бозорни замонавий, сифатли хизмат турлари билан тўлдириш;
- 2010 йилгача аграр соҳада хизматлар кўрсатиш соҳасида унинг улушкини 49 фоизгача ошириш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш беш йўналишларда олиб бориши белгиланган.

Биринчи йўналиш – хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ва ташаббускорликни янада кенгайтириш учун қулай шарт – шароитлар яратиш. Бунда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи соҳа манфаатларини ҳуқуқий ва меъёрий жиҳатдан қўллаб – қувватловчи тизимни янада ривожлантириш, шунингдек, агробизнес вакиллар учун маслаҳат, информация таъминот марказларини ташкил этиш.

Иккинчи йўналиш – хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчилар сонини ошириш. Бу йўналиш қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилма субъектларининг фаолиятини кенгайтириш ҳамда

хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида агробизнес ва тадбиркорликни қўллаб-кувватловчи инфратузилма хизматларини ташкил этиш масалаларни қамраб олади.

Учинчи йўналиш – кредитлаш тизимини ривожлантириш ва инвестиция лойиҳаларни жалб этиш учун қулай шарт–шароитларни таъминлаш орқали тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ҳамда анъанавий хизмат турлари билан янги истиқболли хизмат турларини жадал ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларини ўз ичига олган, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатувчи хизмат турларини кенгайтириш ва ҳажмини ошириб бориш.

Тўртинчи йўналиш – хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашиш. Бунда асосий эътиборни тадбиркорликни илмий – услугий таъминотини таъминлаш ва агробизнес субъектлари учун мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга қаратилган.

Бешинчи йўналиш - Жаҳон бозорида маҳаллий корхоналарнинг хизмат кўрсатиш сифати ва даражасини ошириш. Бу йўналишда корхонанинг ижобий натижаларини тарғиб этиш, жамиятнинг ижтимоий ривожланишидаги ютуқларини ташвиқот қилиш каби чора – тадбирларини амалга ошириш орқали эришиш назарда тутилган.

“Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришнинг қўшимча чора–тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 21 майдаги № 640 – сонли Қарорига кўра 2007 – 2010 йиллар давомида дехқон ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоғини ривожлантириш натижасида қуйидаги ишларини амалга ошириш белгиланган:

- лизинг асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва машина – трактор паркига 10000 дона қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш;

- 2010 йилгача сувдан фойдаланувчилар уюшмаси сонини 1600 тага етказиш ҳамда 10 фоизгача сувни иқтисод қилиш;
- зотдор чорва молларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган хўжаликлар сонини 250 тага етказиш, фермер ва дехқон хўжаликлариға ҳар иили 10 минг дона зотли молларни сотиш белгиланган;
- фермер хўжаликлидан минерал ўғит сотиш шахобчаларга бўлган масофани максимал даражада қисқаришини ҳисобга олиб, ушбу тизимнинг дислокациясини тъминлаш;
- тайёрлов шахобчаларни, энг аввало, қайта ишловчи корхоналарнинг кўшимча тармоғини ташкил этиш. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш ва қайта ишлаш ҳажмини ошишига ва нобуд бўлишини қисқаришига олиб келади.

### **3.3. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси субъектлари билан фермер хўжаликлари ўртасида ўзаро иқтисодий ва ҳукуқий муносабатларини таомиллаштириш**


Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” 2003 йил 24 мартағи ПФ–3236–сон, “2004–2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисидаги” 2003 йил 27 октябрдаги ПФ – 3342–сонли фармонларига асосан фермер хўжаликларини бақарор ривожланишини тъминлашнинг асосий йўналишлардан бири сифатида қишлоқда фермер хўжаликларининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчининг тайёрлов, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ишлаб чиқариш муносабатларида устувор мавқеи белгиланди.

Моддий–техника таъминот ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг асосий вазифалардан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига замонавий ва сифатли хизмат кўрсатишdir. Ушбу вазифасидан келиб чиқсан ҳолда қишлоқ хўжалиги инфратузилма ташкилотлари фермер хўжаликлари билан ҳукуқий ва иқтисодий муносабатларга киришади, (3.2 – расм).

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, инфратузилма субъектлари нафақат фермер хўжаликлари билан иқтисодий ва ҳукуқий алоқаларга киришади, балки ўзаро ҳам муносабатда бўлишади. Мисол учун, молиявий таъминот хизмат турлари фермер хўжаликларини молиявий жиҳатдан таъминлашга қаратилган чора – тадбирларни амалга ошириш билан бир вақтда қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ҳам молиявий жиҳатдан таъминлаб турди ва ўзаро иқтисодий алоқага киришади. Буни биз бошқа хизмат кўрсатиш субъектлари фаолиятида ҳам қўришимиз мумкин, яъни моддий таъминот, информацион таъминот ва реклама хизмат турларида ва ҳоказо.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси субъектлари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар қуйидагилардан иборат:

- шартномавий муносабатлар;
- солик тизимидағи муносабатлар;
- молиялаштириш ва инвестиция жалб қилиш соҳасидаги муносабатлар;
- суғурта тизимидағи муносабатлар;



—> - хизматлар кўрсатиш

.....-> - хизматлар учун тўловлар

### 3.2 – расм. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси субъектлари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва хуқуқий муносабатлар тизими<sup>\*108</sup>

– моддий – техник таъминот тизимидағи муносабатлар.

Хуқуқий муносабатларга фермер хўжаликлари ва инфратузилма субъектлари ўртасидаги ўзаро мажбуриятлари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва ушбу муносабатларини хуқуқий-меъёрий хужжатларда акс этганлиги билан характерланади.

Шартномавий муносабатлар хизмат кўрсатувчи ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг асосини ташкил этади ҳамда фермер хўжаликлари пахта, ғалла, мева, сабзавот, гўшт, сут ва бошқа

<sup>108</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришида ҳамда уларни истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида инфратузилма субъектлари билан, яъни моддий–техника таъминот, сервис хизмати, тайёрловчи, қайта ишловчи ва бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ташкил топадиган муносабатлардан иборат.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари билан фермер хўжаликлари ўртасидаги шартномавий муносабатлардаги муаммолардан бири ўзаро мажбуриятларнинг қўрсатилган муддатда бажарилмаслигидир, яъни бир томондан, фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг сусткашлиги билан контрактация шартномалари вақтида талаб даражасида бажарилмаслик ҳолатлари мавжуд бўлса, иккинчи томондан эса, фермер хўжаликлари қўрсатилган хизмат тури учун инфратузилма ташкилотларига ўз вақтида тўловларни амалга ошира олмаётганлигидир. Шу нуқтаи-назардан қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси фаолиятини такомиллаштиришга мажмуавий ёндашиш талаб этилади, (3.3.1 - жадвал).

Кўп ҳолларда инфратузилма субъектлари билан фермер хўжаликлари ўртасидаги тузиладиган шартномаларда белгиланган иш миқдори билан ҳақиқатда бажарилган ишлар мос бўлмай келмоқда. Мисол учун, 2008 йилда фермер хўжаликлари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмалари билан тузилган шартномаларда жами 3681,3 минг сўмлик хизмат кўрсатиш белгиланган бўлса, ҳақиқатда эса 2208,9 минг сўмлик иш бажарилган. Фермер хўжаликларига шартномада белгиланган 57850 тонна ёқилғи-мойлаш материаллари ва 93145 тонна минерал ўғит етказиб бериш белгиланган бўлса, ҳақиқатда эса мос равишда 52307 ва 86516 тонна етказиб берилган. Шунингдек, бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлар томонидан шартномаларда белгиланган хизмат кўрсатиш миқдорига нисбатан ҳақиқатда бажарилган хизмат ҳажми 60-80 фоиз атрофида ташкил этмоқда. Фақат ахборот

## 3.3.1 – жадвал

**Қашқадарё вилоятида инфратузилма субъектлари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги шартномавий  
муносабатларнинг таҳлили (2008 йил ҳолати)<sup>109</sup>**

№	Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси объектлари	Фермер хўжаликлари билин тузилган шартномалар сони	Шартномада белгиланган хизмат микдори*	Ҳақиқатда бажарилган хизмат микдори*	Шартномага нисбатан бажарилганлик даражаси,%	Бажарилган иш қиймати, млн. сўм	Ундирилган сумма, млн. сўм	Тўловлик даражаси, %
1	Муқобил МТП	14679,0	16348,1	11170,0	68,3	11170,0	8503,0	76,1
2	Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси	26522,0	3681,5	2208,9	60,0	2208,9	1044,7	47,3
3	ЁММ сотиш шахобчаси	16554,0	57850,0	52307,0	90,4	80987,0	80987,0	100,0
4	Минер ўғит сотиш шахобчаси	17891,0	93145,0	86516,0	92,9	66573,0	66573,0	100,0
5	Қ х маҳсулотларини сотиш шахобчаси	4900,0	8864,0	6010,0	67,8	6010,0	5800,0	96,5
6	Зотли молларни сотиш ва зооветеринария хизмати	402,0	56,0	49,0	87,5	49,0	36,2	73,9
7	Ахборот таъминот ва консалтинг шахобчаси	304,0	15,4	15,4	100,0	15,4	15,4	100,0
8	Транспорт хизмати кўрсатиш тармоғи	36,0	37,7	29,5	78,2	29,5	24,4	82,7
9	Тара идишларни тайёрлаш ва қадоқлаш шахобчаси	158,0	2,7	2,1	77,8	2,1	1,5	71,4

\* - минерал ўғит ҳамда ёқилғи–мойлаш материаллари сотиш шахобчаларда шартномада белгиланган ва ҳакиқатда бажарилган иш миқдори тоннада, колган инфратузилма субъектларида млн. сўмда кўрсатилган

<sup>109</sup> Қашқадарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

таъминоти ва консалтинг шахобчалари томонидан бажарилган иш ҳажми шартномада белгиланган хизмат миқдорига мос келади.

Таҳлилларга кўра, қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловлик даражаси ҳам 100 фоиздан камни ташкил этади. 2008 йилда муқобил машина-трактор парклари томонидан 11170,0 млн. сўмлик хизмат бажарилган бўлса, лекин фермерлар томонидан 8503,0 млн. сўм маблағ ўtkазилган.

Шунингдек, фермер хўжаликлари инфратузилма субъектлари томонидан бажарилган хизматлар учун тўловлик даражаси қуидагича эканлиги аниқлаб чиқилди:

- сувдан фойдаланувчилар уюшмаси бўйича 47,3 фоиз;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш шахобчаси бўйича 96,5 фоиз;
- зотли молларни сотиш ва зооветеринария хизмати – 73,9 фоиз;
- транспорт хизмати қўрсатиш тармоғи – 82,7 фоиз;
- тара идишларини тайёрлаш ва қадоқлаш шахобчаси бўйича 71,4 фоиз.

Бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш ва хўжалик юритишининг хуқуқий асосларини ўрганиш, қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг мазмун моҳияти, ўзгаришлар ва маълумотларни фермер хўжаликларига ва қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектларига ҳам тушунарли тарзда етказиш лозим.

Хуқуқий базани яратиш ва ривожлантиришда, ўқув марказларини ташкил қилиш ҳамда уларни малакали кадрлар, ўқув – услубий таъминот билан таъминлаш, фермер хўжалиги ва инфратузилма тармоғининг ходимлари учун семинар ва тренинг машғулотлари ўтказиш, информацион базани яратиш заруриятини келтириб чиқариши маълум вақт ва харажат талаб қиласи.

Хуқуқий билимларсиз, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси тармоғи ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни юксак даражада ривожлантириш ёки иқтисодий самарага эришиш имкони чекланган.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси ва фермер хўжаликлари ўртасидаги хуқуқий ва иқтисодий муносабатларини тартибга солувчи хуқуқий-меъёрий хужжатларга “Фуқаролик кодекси”, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий–хуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни, “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” ҳамда “2004 – 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ва “2004 – 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва бошқа меъёрий хужжатлар киради.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, вилоят туманларида фермерларга ва уларга хизмат қўрсатувчи субъектларига хуқуқий ёрдам қўрсатувчи марказлар, бирлашмалар ташкил этилмаган, хуқуқий муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш бўйича ўқув машғулотлари ўtkазилмасдан келинмоқда.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари ўртасидаги хуқуқий–иқтисодий муносабатларида кўп учрайдиган муаммолардан бири – улар ўртасида тузилган шартномаларнинг бир томонлами кўринишда тузилганлиги (хизмат қўрсатувчи ташкилотлар фойдасига) ва имзолангандиги, натижада тузилган шартнома шартлари сифатсиз бажарилаётганлиги маълум бўлди.

Вилоят худудида фермер хўжаликлари билан уларга хизмат кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари ўртасидаги иқтисодий–хукукий муносабатлар, шу жумладан тузилган шартномаларнинг қонунийлиги ва уларнинг бажарилиши таҳлил қилинди. Нишон туманидаги «Кенжаев Бобоназар», «Узоков Абдулла», «Рахимов Шукурали» фермер хўжаликларида ўtkазилган монографик тадқиқотлар натижаларига кўра куйидаги муаммолар борлиги аниқланди:

- шартномалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ва меъёрий хужжатларига, Адлия вазирлигига хукукий экспертиздан ўтказилган намунавий хужжат талабларига тўлиқ мос эмаслиги;
- шартнома тузишда ихтиёрийлик, тенглик ва фойда кўришга қаратилган келишувга эришиш тамоийилларга эътибор қаратилмаганлик;
- шартномаларнинг мақсад ва мазмuni фермер хўжаликларининг тез, сифатли ва бозорбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш тарғиб қилиш, рағбатлантиришга эътибор қаратилмасдан, етказиб берилган моддий-техника ресурлари ва бажарилган хизматлар учун ҳисоб - китоб қилиш кўзда тутилганлик;
- шартномада белгилаб кўйилган тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари ишлаб чиқарувчининг эмас, балки хизмат кўрсатувчи корхонанинг манфаатларидан келиб чиқиб тузилганлиги ёки асосан уларнинг хукукий ҳимоя қилишга қаратилганлиги;
- тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари тўрт ёки беш банддан иборат бўлиб, хизматларни бажариш муҳим талаблари, шарт-шароитлари, амалга ошириш усуллари ва воситалари, сифати, миқдори, самарадорлиги, шартномани амал қилишнинг ва хизматлар қўрсатишнинг аниқ саналари, амалга оширилган ишларнинг натижасига кўра келиб чиқадиган масалалар тўлиқ баён этилмаганлиги;
- шартнома шартларини бир томонлама ёки икки томонлама тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларга кўра ўзgartериш,

тўхтатиш ва бекор қилиш, форс – мажор ҳолатлари кўрсатилмасдан қолганлиги;

– шартномада тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиш тартиби тарафларнинг ўзаро муросага келиш асосида эмас, давлат ташкилоти бўлган ҳокимлик идоралари ёки ваколатли судлар томонидан ҳал этилиши баён этилган.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси субъектлари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги ҳуқуқий – иқтисодий муносабатларни қўйидаги йўналишларда такомиллаштириш лозим:

– қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий – меъёрий хужжатларини такомиллаштириш. Маълумки, қишлоқ хўжалигида инфратузилма хизматлари асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ – 3226, ПФ – 3342, ПФ – 640 фармонлари ва бошқа меъёрий хужжатлар асосида ташкил этилиб келмоқда, аммо яхлит “Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси тўғрисида”ги Конунни ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз. Ушбу қонунда қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси обьектлари ва субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар, давлат ва бошқа ташкилот ва муассасалар билан ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатлари акс этиши лозим.

– фермер хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари ўртасидаги иқтисодий – ҳуқуқий муносабатлар юзасидан келиб чиқадиган муаммоларниadolатli ҳал қилишда, шартнома мажбуриятлари бажарилишида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини эркинлаштириш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларни бажариш учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора – тадбирлари тўрисида”ги 2003 йил 4 сентябрдаги 383 – сонли қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш

ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, бажарилиши мониторингирни олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан келишмовчиликлар, низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда томонлар, қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан мустақил ёхуд туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари иштирокида чора – тадбирлар кўриш белгиланган, аммо низолар асосий ҳолларда суд ва прокуратура органлари томонидан ҳал қилиниб келинмоқда, ва бу ишлар асосан фермер хўжаликларига нисбатан қарши даъволардан иборат.

– Фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари ўртасидаги хукукий–иктисодий муносабатларни такомиллаштириш мақсадида юридик хизмат кўрсатиш тизимидан кенг кўламда фойдаланишни йўлга қўйиш.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий ва хукукий муносабатларни ўзаро келишиш ва муросали ҳал қилиш иккала хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир қилиб, ҳамкорлик асосида фаолиятини ташкил қилишга кўмаклашади.

## Хулоса

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси объектларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишида қўйидаги хулосаларга келинди

1. Фикримизча, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида “инфратузилма”, бу – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари мутаносиб фаолият юритиши ва аҳоли турмуш даражасини оширишга кўмаклашувчи хизматлар мажмуаси ва уларнинг бино–иншоотларидир.

2. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг фермер хўжаликларига кўмаклашадиган хизмат турларини кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида қишлоқ хўжалиги учун кўрсатиладиган хизмат турлари ва улардан фойдаланиш имкониятлари аниқланган. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси хизмат турларининг характеристига кўра моддий, молиявий ва информацион таъминот, реклама, маҳсус хизмат ҳамда ташиш ва қайта ишлаш хизмат турлари бўйича таснифи ишлаб чиқилган.

3. Қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектларини ривожлантириш зарурияти уларнинг фаолиятини тартибга соловчи меъёрий ва хуқуқий хужжатларнинг бозор иқтисодиёти тамойилларига мос даражада шаклланмаганлиги, талаб ва таклифлардан келиб чиқсан ҳолда, номутаносиб жойлашганлиги ҳамда ўз вазифаларини бажаришлари учун етарли ресурсларга эга эмаслиги билан изоҳланади.

4. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси субъектларининг хизмат кўрсатиш турлари бўйича фаолиятининг ҳолати Нишон тумани фермер хўжаликлирида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси субъектларининг барча хизмат турлари бўйича – техника воситаларининг етишмаслиги ва эскирганлиги даражаси юқорилиги (63%), зарур бўлган ресурсларни ўз вақтида етказиб берилмаслиги (56%) ва хизмат ҳақи юқорилиги (52%) билан боғлиқ камчиликлар мавжудлиги эътироф этилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалигида инфратузилма хизматларини яхшилаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш ҳамда малакали мутахассислар билан таъминлашга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

5. Тадқиқотлар кўрсатишича, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда инфратузилма тармоқлари таъсири катта бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнига бевосита таъсир кўрсатадиган омиллардан бири ҳисобланиб, ишлаб чиқариш жараёнини бир меъёрда боришини таъминлаб берса, бозор инфратузилмаси хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида бозор механизмларини ривожлантиради ва иккаласи уйғунлашган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги оширишини таъминлайди.

6. Қишлоқ хўжалиги инфратузилма фаолияти ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш ва улар фаолиятини самарали йўлга қўйиш лозим. Яъни бу борада сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ривожлантиришда сувдан хусусий фойдаланувчилар учун сув етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни тартиба солишда хуқуқий-иктисодий асосларини яратиш, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ва моддий – техник ресурслар етказиб берувчилар ўртасида рақобат муҳитини яратиш тақозо этилади. Шу билан бирга, мавжуд монопол ҳолатни бартараф этиш учун туманларда биржа филиалларини ташкил этиш ва фермерларнинг ушбу биржалар орқали савдо қилишларини йўлга қўйиш лозим.

7. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, фермер хўжаликлари ихтисослашуви ва бир гектарга нисбатан сарфланадиган минерал ўғит меъёрларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, трансакцион харажатлар ва вақтни тежаш мақсадида минерал ўғит сотиш шахобчаларини оптималь жойлаштириш талаб этилади.

Монографияда вилоятда қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини барқарор ривожлантиришга қаратилган қуидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини молиялаштиришнинг самарадорлигини аниқлашда қуидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

- қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси ва ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш мақсадида киритиладиган сармояларнинг ўзаро мутаносиб тақсимланганлиги;

- қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси обьектларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари;

- инфратузилма обьектлари етарли даражада ривожланмаган тақдирда мавжуд ва кутилаётган харажатларнинг манбалари ва миқёсига.

2. Қишлоқ хўжалиги инфратузилма обьектларини молиялаштиришда ўзини–ўзи молиялаштириш тизимларини шакллантириш, молиялаштиришнинг мавжуд тизимларини тacomиллаштириш ва янги тизимларни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

3. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси субъектлари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги ҳуқуқий – иқтисодий муносабатларни қуидаги йўналишларда тacomиллаштириш лозим:

- қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатларини тacomиллаштириш;

- фермер хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари ўртасидаги иқтисодий – ҳуқуқий муносабатлар юзасидан келиб чиқадиган муаммоларни адолатли ҳал қилишда, шартнома мажбуриятлари бажарилишида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини эркинлаштириш;

фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари ўртасидаги ҳуқуқий–иқтисодий муносабатларни тacomиллаштириш

мақсадида юридик хизмат күрсатиш тизимидан кенг күламда фойдаланишни йүлга қўйиш.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ**

### **1. Хуқуқий ва меъёрий хужжатлар**

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т: Ўзбекистон, 2008. – 40 б.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни (Янги таҳрирда)// Халқ сўзи. – 15 октябр 2004 йил
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлар.- Т.:Ўзбекистон. 1992. – 19 б.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”// Ж. Солиқ тўловчи журнали. 1998. № 7 – 8. – 12 б.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни. //Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий хужжатлар тўплами. 1-қисм. – Т.: Шарқ 1998.
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. // Халқ сўзи. 6 июн 1998 йил.
- 1.7. Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни. 1996. – 25 апрел
- 1.8. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни. 1999. – 14 апрел
- 1.9. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 2007 йил 25 декабр. – 263 б.
- 1.10. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. –Т.: Адолат. – 1999. – 136 б.
- 1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги “Лизинг фаолиятини ривожлантиришини янада рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони// Халқ сўзи. – 2002 йил 30 август
- 1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартағи “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги Фармони. // Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асослари.– Т.: Фан. 2003. – 76.

- 1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони. // Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т.: Фан. 2003. – 12 б.
- 1.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 4 ноябрдаги “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича маҳсус комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи. – 2004 йил 5 ноябр
- 1.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микроқредитбанк АТ банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2006. – 6 май
- 1.16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4053-сонли «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-куватлаш, уларнинг барқарор ишлишини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони
- 1.17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “МТПларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ҳақида”ги қарори. 1998. – 10 март.
- 1.18. “Қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат қўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2001. – 1 феврал
- 1.19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 607-сонли қарори. 2004. – 24 декабр.
- 1.20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 476-сонли қарори.// Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т.: Фан. 2003. – 41 б.

1.21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 383-сонли қарори:// Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т.: Фан. 2003. – 16 б.

1.22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик корхоналар, дехқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтёzlари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2001 йил 10 сентябрдаги 366-сонли Қарори. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т.: «Ўзбекистон», 2002 й.

1.23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2004 йил 23 январ 33-сонли Қарори.

1.24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мевасабзавотчилик ва узумчилик соҳаларида ислоҳ қилишнинг ташкилий чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2006. – 11 январ

1.25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халкаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил килиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 2006 йил 24 августдаги 449-сонли Қарори

1.26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006 – 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 2006. – 17 апрел

- 1.27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2007 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларга айлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2006. – 11 ноябр
- 1.28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2010 йил давргача хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш қўшимча чора – тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2007. – 21 май. 366.
- 1.29. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низом. // Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т.: Фан. 2003. – 18 б.
- 1.30. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитларш тартиби тўғрисида Низом. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. – 2007. №7. – 2 б.

## **2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асари ва маъruzalari**

- 2.1. Каримов И.А. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т: Ўзбекистон, 1995. – 273 б.
- 2.2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 211 б.
- 2.3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 125 б.
- 2.4. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2009 йилда иқтисодий ислоҳотларни

чуқурлаштиришнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2009. 14 феврал 2.5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

2.6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2010 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2010. 30 январ

### **3. Китоб ва туркум нашрлари**

#### **3.1. бир томлик китоблар, монографиялар, дарслклар, мақолалар тўплами:**

*a) бир муаллифнинг:*

3.1. Бородин К.С. Регулирование агропродовольственных рынков внешнеэкономический аспект. М.:ВИАПИ им. А.Р.Никонова, Энциклопедия Российских деревень., 2005, 204 с.

3.2.Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. – Тошкент: Истиқлол, 2004. – 344 б.

3.3.Коныгин А.А. Фермерские хозяйства в развитых странах мира. – М.: Колос, 1998. – 172 стр.

3.4.Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. – Т: Янги аср авлоди, - 2004. – 143 б.

*б) икки муаллифнинг*

3.6. Абдуганиев А., Абдуганиев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси. 2004.- 304 б.

- 3.7. Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2007. – 44 б.
- 3.8. Конаков М.А., Конаков А.П. Организация и экономические основы фермерских хозяйств. М.: Академия, 2004. – 256 с.
- 3.9. Лимарев В.Я., Алферьев В.П. Экономические проблемы организации логистических процессов и маркетинга в системе ресурсообеспечения АПК. М.: АгриПресс ЛТД, 2001. - 327 с.
- 3.10. Зокиров О., Пардаев А. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. Дарслик. Т.: ЎАЖБНТ, 2003. - 260 б.
- 3.11. Салимов Б.Т., Ўроқов Н.И. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси. 2004. – 112 б.

*б) уч муаллифнинг*

- 3.12. Р.Х.Хусанов, А.Н.Ҳамдамов, И.Э.Рафиков. Қишлоқ хўжалигига сервис хизмати. Муқобил машина – трактор паркларини ривожлантириш муаммолари – Т.: Янги аср авлоди. 2001. – 76 б.
- 3.13. Рафиков И.Э., Мухторов А.Х., Раҳимов Б.И. Фермерларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш. – Т.: Фан. 2007. – 20 б.
- 3.14. Умурзоқов Ў.П., Тошбоев А.Ж., Тошбоев А.А. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т. Иқтисод – молия. 2007. – 228 б.

*в)муаллифлар жамоаси*

- 3.15. Бекмуродов А.Ш. ва б. Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотлар ва фермерлик ҳаракатлар. – Т.: ТДИУ. 2006. – 59 б.
- 3.16. Основные направления совершенствования государственного регулирования государственного рынка ресурсов и производственно – технических услуг для сельского хозяйства / В.П.Алферьев, Н.А. Дорофеев и др.; под ред. В.П.Алферьева. – М.: ВНИИЭСХ, 2002. – 64 с.

- 3.17. Салимов Б.Т. ва б. Дехкон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. – Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси. 2004.–106.
- 3.18. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари / О.Олимжонов, Т.Фармонов ва б.; О.Олимжонов таҳрири остида. – Тошкент: “Университет”, 2005. – 212 б.
- 3.19. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чукурлаштиришда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ўрни / Ш.Хамраев, Н.Шералиев ва б.; Ш.Хамраев таҳрири остида. – Тошкент: “Талқин”, 2006. – 288 б.
- 3.20. Статистика рынка товаров и услуг: Учеб. для студентов вузов, обучающихся по специальностям «Статистика», «Маркетинг» и др. экон. специальностям / И.К.Беляевский, Г.Д.Кулагина, Л.А. Данченко и др. Под ред. И.К.Беляевский – М.: Финансы и статистика, 2002 –364 с.

### **3.2. Кўп томлик китоблар:**

- 3.21. Макконел Кэмбелл Р., Брю Стенли Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2-х т. – М.: Республика, 1992. – 388 с.
- 3.22. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. В 2-х т. – М.:Наука, 1992. Т.1. С. 13

### **4. Диссертация ва диссертация авторефератлари.**

- 4.1. Вахобов А.Р. Организация и развитие сферы услуг сельскому населению в условиях многоукладной экономики. Автореф. дис. канд. экон. наук. - Т.:НИИРР в АПК, 1997. – 7с.
- 4.2. Жаравина Ю.А. Производственная инфраструктура, как фактор повышения конкурентоспособности национального хозяйства: Дис...канд. экон. наук. – Санк – Петербург: 2006. - 161с
- 4.3. Коновалова В.Н. Экономическая эффективность производственной инфраструктуры сельского хозяйства: Дис...канд. экон. наук. – Вологда: РГБ ОД, 2002. – 134 с.

- 4.4. Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши: Дисс...иқт.ф.д. – Тошкент: ЎзБИИТИ, 2001. – 163 б.
- 4.5. Турсунов А.Ғ. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфраструктурасини ташкил этиш ва ривожлантириш: Автреф. Дис. .. иқт.фан.номз.–Т.: ЎзБИИТИ, 1998.–7 б.
- 4.6. Рашидов Ж.Х. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни шуқурлаштириш шароитида сервис хизматларини ривожлантириш муаммолари: Дис. .. иқт.фан.номз.–Т.: ЎзБИИТИ, 2004. – 78 б

## **5. Журналлардаги мақолаларга ҳаволалар**

- 5.1. Жўраев А.М. Қишлоқ хўжалиги ислоҳотларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш масалаларига устуворлик //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2003. - № 11 – 12. –Б. 14-17.
- 5.2. Муродов Ч. Қишлоқда бозор инфратузилмаси асосларини шакллантириш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 1999. - № 3. –Б. 2 - 4.
- 5.3. Орипов М. Инфратузилманинг методологик асосларини такомиллаштириш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2002. - № 9. –Б. 61.
- 5.4. Хамраева С.Н., Шохўжаева З.С. Қаторда норинг бўлса.....(Инфратузилма тармоқларини ривожлантириш истиқболлари) // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2005. - №12. – Б.8-9
- 5.5. Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантирища хориж тажрибаси// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2008. - №11. – Б.53-55
- 5.6. Хамраева С.Н. Развитие инфраструктуры в сельском хозяйстве Республики Узбекистан // Экономика и финансы. – Москва, 2009. -№2. – Стр. 42 - 44.

- 5.7. Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожланиши// Биржа - эксперт. – Тошкент, 2009. - №1. – Б.10-13.
- 5.8.Хамраева С.Н. Совершенствование договорных отношений между фермерскими хозяйствами и объектами сферы услуг // Экономика и финансы. – Москва, 2009. -№3. – Стр. 66 - 68.
- 5.9. Эргашев Р.Х., Файзиева Ш.Ш. Фермер хўжалигини ривожлантириш иқтисодиётнинг истиқболидир. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2003. - № 7. –Б. 51 - 52.
- 5.10. Эргашев Р.Х. Устойчивое развитие сельского хозяйства Кашкадарьинской области // Экономика и финансы. – Москва, 2009. -№3. – Стр. 12-14.
- 5.11. Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Пути развития инфраструктуры села// Международный научный бюллетень. – Прага, 2009. - №1. - Стр. 99-100.

## **6. Симпозиум ва конференция ишларига ҳаволалар**

- 6.1. Хамраева С.Н. Ўзбекистонда фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг иқтисодий самардорлиги // Ижтимоий-гумманитар ва иқтисодий фанлар муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Қарши: ҚМИИ, 2002. – Б.174-176.
- 6.2. Хамраева С.Н. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигига ижтимоий инфратузилманинг аҳоли бандилигига таъсири // Янги иқтисодий тизим шароитида халқ хўжалиги тармоқларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2003. – Б. 51-53
- 6.3. Хамраева С.Н. Региональный потенциал АПК: достижения, проблемы, перспективы развития // Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш муаммолари. Халқаро илмий-амалий анжумани маъruzалар тўплами. Тошкент: ЎЗБИИТИ, 2003. – Б.305-307
- 6.4. Хамраева С.Н. Қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳаларига меҳнат ресурсларини жалб қилиш // Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ

хўжалигида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш: Халқаро илмий-амалий конференция маъruzалар тўплами. Тошкент: ЎзБИИТИ, 2004. –Б. 225-227.

6.5. Хамраева С.Н. Особенности развития социальной инфраструктуры на селе //Семнадцатые международные плехановские чтения. Тезисы докладов. – М., 2004.– С. 240-241.

6.6. Хамраева С.Н. Қишлоқда замонавий инфратузилмани комплекс ривожлантириш // Фан техника тараққиётида Қашқадарё олималарнинг ўрни. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Қарши: ҚДУ, 2005.–Б. 241-243.

6.7. Хамраева С.Н. Фермер хўжаликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш – самарадорлик гарови // Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси, қонунчиликни такомиллаштириш ва республикада фермерликни ривожлантириш истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция маъruzалар тўплами. Тошкент: ЎзБИИТИ, 2005. –Б. 185 – 197.

6.8. Хамраева С.Н., Шодиев Т.Х. Перспективы развития технических услуг в сельском хозяйстве в условиях экономических реформ // Девятнадцатые международные плехановские чтения. Тезисы докладов. – М., 2006. – С. 320.

6.9. Хамраева С.Н., Муродова Н.У., Темирова Ф.С. Влияние факторов социальной инфраструктуры на эффективность сельскохозяйственного производства //Девятнадцатые международные плехановские чтения. Тезисы докладов. – М., 2006. – С. 347

6.10. Хамраева С.Н. Перспективы развития сервисных предприятий для фермерских хозяйств // Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари. Халқаро илмий-амалий конференцияси маъruzалар тўплами. – Тошкент: ҚМИИ, 2006. – Б. 90-92

6.11. Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалигининг ривожланишида бозор инфратузилмасининг аҳамияти // Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларнинг

устувор йўналишлари. Ҳалқаро илмий-амалий конференцияси маъruzалар тўплами. – Тошкент: ҚМИИ, 2006. – Б. 120-121

6.12. Хамраева С.Н. Значение определения нормативной потребности населения в объектах сферы услуг // Двадцатые международные плехановские чтения. Тезисы докладов. – М., 2007. – С. 169 – 171

6.13. Хамраева С.Н. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг асосий йўналишлари // Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида меҳнат бозори ва аҳоли меҳнат миграциясини тартибга солиш. Республика илмий-амалий анжуман тезислар тўплами. – Тошкент: ТДИУ, 2007. – Б. 106.

6.14. Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий – иқтисодий механизmlарини ривожлантириш // Тармоқларда ҳисоб тизимларини такомиллаштириш ва ҳалқаро андозаларга мослаштириш муаммолари. Республика илмий амалий конференция маъruzалар тўплами. – Тошкент: ҚМИИ, 2007. – Б. 168 – 169.

6.15. Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш муаммоси // Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида қишлоқда инфратузилма объектларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. Республика илмий амалий конференция маъruzалар тўплами. - Тошкент: ЎЗБИТИ, 2007. – Б.157 – 159.

6.16. Хамраева С.Н., Салимов О. Аграр соҳада инфратузилма тармоқларини молиялаштиришда лизингнинг аҳамияти // бозор ислоҳотларини чукурлаштириш шароитида қишлирои аҳолисини фаровонлигини оширишнинг стратегияси ва истиқболлари. Республика илмий амалий конференция маъruzалар тўплами. - Қарши: ҚМИИ, 2009. – Б.227 – 159.

6.17. Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш йўллари. // Қишлоқ тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасини оширишда банк–молия тизимининг ўрни. Ҳалқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент 2009. – Б. 164-167.

- 6.18. Чориев Қ.А. Бозор инфратузилмасини шакллантириш – иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштириш гарови// Бозор ислоҳотлари чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва қишлоқда инфратузилмаларни ривожлантириш: Республика илмий – амалий семинар маъruzалар тўплами. – Тошкент: ЎзБИИТИ, 1998. – Б.15.
- 6.19. Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Решение социальных проблем села // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қучли ижтимоий сиёsat ва инсон омилиниңг ривожланиши. Республика илмий–амалий конференция тезислар тўплами. Тошкент: ЎзМУ, 2003. – Б. 191-194
- 6.20. Эргашев Р.Х. Аграр соҳада бозор муносабатларини шакллантиришда фермерлик ҳаракатининг аҳамияти // Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари. Ҳалқаро илмий-амалий конференцияси маъruzалар тўплами. – Тошкент: ҚМИИ, 2006. – Б. 16-20
- 6.21. Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Развитие инвестиционной деятельности в Кашкадарьинской области // Тармоқларда ҳисоб тизимларини такомиллаштириш ва ҳалқаро андозаларга мослаштириш муаммолари. Республика илмий амалий конференция маъruzалар тўплами. – Тошкент: ҚМИИ, 2007. – Б. 212 – 213.

## **7. Статистик тўпламлар**

- 7.1. Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси ҳисоботлари.
- 7.2. Қашқадарё вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳисоботлари.
- 7.3. “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Қашқадарё вилояти филиали маълумотлари.
- 7.4. Нишон тумани фермер хўжаликлари йиллик ҳисоботлари.

## **8. Интернет Веб саҳифалари**

- 8.1. [http://www.usda\\_programs](http://www.usda_programs)
- 8.2.<http://www.iuf.ru/>
- 8.3.<http://geliopax.tele-kom.ru>
- 8.4.<http://www.usaidmicro.org>

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
-------------	---

### **I Боб. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектларини шаклланишининг илмий-назарий асослари**

1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожланишининг объектив зарурлиги .....	5
1.2. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг шаклланиш ва ривожлантиришнинг асосий босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари .....	21
1.3. Қишлоқ хўжалигини ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришда инфратузилманинг ўрни .....	28

### **II Боб. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожланишига таъсир этувчи омиллар**

2.1. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси ривожланишининг ҳозирги ҳолати .....	39
2.2. Қишлоқ хўжалигига инфратузилма объектларини моддий-техника базаси билан таъминланганлик даражаси .....	54
2.3. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси объектларини молиялаштириш тизимлари .....	73

### **III Боб. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари**

3.1. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришнинг хориж тажрибалари ва ундан фойдаланишининг асосий йўналишлари .....	85
3.2. Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида худудларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда инфратузилма объектларини оптимал жойлаштириш ва ривожлантириш истиқболлари ..	98
3.3. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси субъектлари билан фермер хўжаликлари ўртасида ўзаро иқтисодий ва хуқуқий муносабатларини такомиллаштириш .....	111
Хулоса .....	121
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	125

138  
САЙЁРА ХАМРАЕВА

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙҰНАЛИШЛАРИ

Тошкент – “-----” – 2010

Мұхаррір:  
Тех.мұхаррір:  
Мусақхұх:  
Комп. Сахифаловчи: